O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **4** август, жума № **31** (2158).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **4** август, **2006** год, № **31** (2158).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

… Минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»– «ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО»– «CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаши қошида таъсис этилган «Фуқаролик жамияти"–"Гражданское общество"–"Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг 2006 йилдаги 2-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сонида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» номли маърузаси муштарийлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Шунингдек, "Сенат фаолиятини такомиллаштириш йўлидан" мақоласида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисида айтиб ўтган камчиликларни тузатиш йўлида қилинган ишлар таҳлили, давлат ва жамият ҳаётида қандай йўллар ҳамда усуллар билан Сенат фаолиятини кучайтириш мумкинлиги хусусида фикр юритилган.

Журналдан ўрин олган "Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти: ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида" мақоласида эса Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий муносабатларининг ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, ташқи савдо ҳажмини оширишда эришилган ютуқлар таҳлили келтирилган.

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Шу муносабат билан журналда чоп этилган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови - демократия омили" мақоласида демократик асосда ўтказилган ушбу сайловнинг ҳуқуқий асослари, сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг кўмаклашувчи комиссиялари, маҳаллалардаги ишчи гуруҳларнинг фаоллигини ошириш масалалари таҳлил этилган.

Журналда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан тайёрланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун мониторинги натижалари ҳавола этилган. Ушбу мақолада ўзини ўзи бошқаришнинг назарий асослари, мамлакатимизда маҳалла институтининг ривожланиши, унинг ҳуқуқий кафолатлари, мониторинг давомида ўтказилган сўров натижалари баён этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мақола якунида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

"Қонун ҳужжатлари мониторингининг долзарб ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари" номли мақолада ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги мониторингнинг илмий-назарий жиҳатлари, бу бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси, янги ташкил қилинган марказнинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Шу билан бирга мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш масалаларига қаратилган, шунингдек, жорий йилнинг 12 апрель куни қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мақсади, вазифалари, устувор жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари шарҳлаб берилган мақолалар ўрин олган.

Журналда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сонли "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг март-май ойларида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилган.

Шунингдек, журналда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарлар тўпламлари, янги нашр қилинган юридик адабиётлар тўғрисида маълумотлар ҳавола этилган.

Мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, давлат ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда «Фуқаролик жамияти"–"Гражданское общество"–"Civil society» умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг ҳар бир сони муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

(ЎзА).



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳушёрдир, сергакдир юртим посбони!

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур гарчи жуда қисқа – 47 йил умр кўрган бўлса ҳам бизга мисли кўрилмаган бебаҳо тарихий, бадиий,илмий, шеърий асарларни мерос қолдирди. Унинг «Бобурнома»си бутун жаҳонга машҳур обида бўлиб, дунёнинг 30 дан ортиқ тилларига таржима этилган. Бундан ташқари, жуда катта ҳажмдаги «Аруз рисоласи» мумтоз адабиётимизнинг энг мураккаб назарий қисми – илми арузга бағишланиб, унда нафақат туркий, балки форс, араб тилидаги шеърий намуналардан ҳам парчалар келтирилади. Адибнинг катта ҳажмдаги шеърий девони, «Мубаййин» номли ислом ақоидига оид китоби, «Волидийа» асарининг форс тилидан қилинган ўзбекча таржимаси ва бошқаларнинг кўрсатиш мумкин. Албатта, шунинг ўзини ҳам Бобур томонидан кўрсатилган юксак ижодий, маънавий ва тарбиявий жасорат сифатида қабул қилиш мумкин. Бобурнинг шоҳ, саркарда сифатидаги жасорати унинг 12 ёшидан салтанат тахтига ўтиришидан бошлаб умрининг охиригача – отнинг устидан тушмай бобоси Амир Темур салтанатини қайта бирлаштириш, уни янада юксалтиришга бўлган интилишида яққол намоён бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини мутолаа қилган сари муаллифнинг юксак истеъдоди ва санъаткорлик билан воқеа-ҳодисаларни тасвирлашига иқрор бўлиб борамиз.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



МАШИНАСОЗЛИГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

Қулай, ишончли, такомиллашган, жаҳон андозаларига мос, замонавий қишлоқ хўжалиги машинаси дея таъриф берилади Тошкент трактор заводининг бугунги маҳсулотларига. Ўзбек машинасозлигининг устуни бўлган, асосий таянчи ҳисобланган Тошкент трактор заводининг мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришда алоҳида ўрни бор. Султон Сагдуллаев, Мансур Баратов, Абдулла Тўйчиев, Татьяна Ковина, Дилором Жўраева, Ёқубжон Мамажонов, Азиз Ёрибеков, Ҳамид Файзуллаев каби инсонлар заводнинг фахри ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалиги машиналарини ҳар томонлама қулай, мукаммал яратилиши учун бу ерда юқори малакали бир гуруҳ конструкторлар жамоаси фаолият кўрсатади. Бугунги кунда Тошкент трактор заводи очиқ акциядорлик жамиятида (ТТЗ ОАЖ) уч ярим мингдан зиёд киши меҳнат қилади.

Маълумки, ушбу заводнинг тамал тошини қўйиш ғоят мураккаб бир тарихий даврга тўғри келган эди. У олтмиш йилдан зиёд тарихий даврни бошдан ўтказди. Биз бу даврнинг яқин ўтган йилларига бир назар ташламоқчимиз.

Ўзбекистон пахтачилигини комплекс механизациялаш пахта учун мўлжалланган трактор яратиш зарурлигини кун тартибига қўйган эди.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ЯНГИ КУЧ, ЯНГИЧА ҒАЙРАТ БИЛАН

Мана, республикамиздаги олий ҳарбий таълим масканларини муваффақиятли тамомлаган лейтенантлар бугун қисм ва бўлинмалар сафидан мустаҳкам жой олдилар. Кечагина юксак малакали офицер-мураббийларнинг илмга чанқоқ, тиришқоқ шогирдлари сифатида таълим-тарбия олган курсантлар, бугун ўз шогирдларига эга бўлдилар. Тўрт йил мобайнида ҳарб илмининг сир-синоатларини қунт билан эгаллаш учун астойдил интилган баҳодир йигитлар, эндиликда юртимиз ҳимоясига отланган ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини янада ошириш йўлидаги машаққатли, аммо шарафли курашга маҳкам бел боғладилар.

Бугун Қуролли Кучларимизда янги куч, янгича ғайрат билан катта майдонга қадам қўйган ёш офицерларимизни муносиб кутиб олиш, уларга шахсий таркиб ҳамда жанговар техника ва қурол-аслаҳаларни бириктириш, тегишли йўл-йўриқлар бериш борасида қисм ва муассасаларда самарали тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шу ўринда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, жойлардаги командир ва мутасадди раҳбарлар томонидан ёш офицерларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар намунасини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, истиқлол туфайли ташкил топган армиямиз ўтган қисқа давр мобайнида ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ ёшларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шараф ишига айланди. Халқ ва армиянинг якдиллиги янада кучайди. Ҳар бир фуқаро қиёфасида ўз озод ва обод Ватанидан, халқимиз тинч-яратувчилик меҳнатидан фахрланиш ҳисси қарор топди.

Давлатимиз раҳбари юрт ҳимоячилари ҳақида гапирар экан: «Армиямизнинг минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир», дея таъкидлайди. Дарҳақиқат шундай, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган ёш офицерлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, муқаддас Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини бахшида этишга чоғланганлар.

Шубҳа йўққи, қалбда улуғ мақсадлар, орзулар билан мустақил фаолият бошлаган лейтенантлар Президентимиз, тинчликсевар халқимизнинг ўзларига билдирган ишончини муносиб даражада оқлайдилар. Ўзларининг ҳақиқий профессионал, интеллектуал салоҳиятга, юксак маънавиятга, маданиятга эга посбон эканликларини амалда намойиш этадилар.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



МАЪРИФАТ НИМАДИР, ЖАҲОЛАТ НАДИР?

(Давоми. Боши ўтган сонда).

«Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб» демоқ Мунаввар қорига осон бўлмагандир. У миллатнинг ўша даврдаги аҳволидан, болаларининг умрини «жаҳолат оташи»да ёндираётган беҳамият ва бедиёнат оталар бепарволигидан куйгани учун ҳам шундай аянчли хулосага келган. Мақола сўнгида Мунаввар қори ватандошларига бундай мурожаат қилади:

«Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз ғафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмагимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодати ҳол ва истиқболини(нг) муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмакиға қаноат ҳосил қилиб, илму маорифға ортиқ даражада кўшиш (ҳаракат) қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳама оламға масхара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядан (охират саодатидан) ҳам маҳрум қолмоқ хавфи бор. Бу жаҳолат натижасидирки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдиғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук.

(Давоми 8-бетда).



2 МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА

ҚАДИМ ҲУНАРМАНДЛАР ЗАМИНИ



3 ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

ЖАНГОВАР ТЕХНИКА СОЗ БЎЛСИН



5 ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

УСТОЗ ОФИЦЕРЛАР МАЛАКАСИ ОШМОҚДА



11 МАЪНАВИЯТ

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

15

ҚАДИМ ҲУНАРМАНДЛАР ЗАМИНИ

Гўзал водийни юртимиз пойтахти билан боғлаб турувчи Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтар экансиз, ўзига хос табиатига эга бўлган Наманганнинг пурвиқор тоғлари, бепоён даштлари бир пас бўлса-да хаёлингизни ўз оғушида аллалаши шубҳасиз. Ахир табиатнинг бундай гўзаллиги-ю тароватини фақат шу ерда кўрамиз. Рассомларнинг Қамчиқ довонига чиқиб, мазкур ноёб мўъжизадан баҳра олиб, асар яратишлари ҳам бежиз эмас. Вилоятда инсон қўли билан бунёд этилган иншоотлар, тарихий обидалар ҳам мана неча асрдирки Наманган кўркига-кўрк, салобатига-салобат қўшиб, бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай меҳмоннинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда, хотирасида муҳрланмоқда.



Даврлар оша ўз қиёфасини сақлаб қолган Наманган ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шундай маълумот бериб ўтган: «Сайхун суйининг шимоли тарафидаги касабалар: бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Фарғонада Андижондан сўнгра мундин улуғроқ касаба йўқдур». Мана шу қисқа таърифнинг ўзиёқ ушбу фусункор гўша ҳақида маълум бир тасаввур уйғотади кишида. Ҳа, республикамизнинг энг кўркам ва сўлим ҳудудларидан бири ҳисобланган Наманган вилояти қадим-қадимдан Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1620 йилга қадар Фарғона водийсининг қадимий пойтахти бўлган Ахсикат кучли зилзила оқибатида бутунлай вайронага айланади ва унинг аҳолиси ҳозирги Наманган шаҳри ҳудудига кўчиб ўтади. Наманган туз кони, яъни «Намак кон» яқинида вужудга келган бўлиб, шаҳар номи ўрта асрларга оид тарихий ҳужжатларда биринчи марта тилга олинади. В.П.Наливкиннинг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» (Қозон. 1868й.)да ёзилишича, Наманган 1643 йилга мансуб вақф ҳужжатларида учрайди. XVIII асрга келиб, Наманган Қўқон хонлигига тобе бўлган. Бироқ вилоятни бошқарувчи бек қароргоҳи сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. У фақат шаҳар аҳолисигагина эмас, балки атрофдаги туманлар аҳолисига ҳам хизмат қилувчи ҳунармандчилик маркази бўлган. Деҳқонлар Наманган бозорларидан ип ва газламалар, мис идишлар, заргарлик буюмлари ва меҳнат қуролларини сотиб олишган.

Қўқон хонлиги ҳукмронлигининг сўнгги кунларигача Наманган бек қароргоҳи бўлиб қолди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона маъмурий вилояти тузилгач, Наманган унинг уезд шаҳарларидан бирига айланди. 1912 йилда шаҳарга илк бора Қўқон орқали темир йўл қатнови йўлга қўйилди.

Республикамизда ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга Наманган вилояти серқуёш юртимизнинг шарқида, Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмида ва Чотқол тоғларининг ён бағрида жойлашган. Шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, Жанубий-шарқдан Андижон, жанубдан Фарғона, шимол ва шимоли-ғарбдан Тошкент вилояти ҳамда Тожикистоннинг Сўғд вилояти билан чегарадош.

Наманган вилоят сифатида 1941 йилнинг 6 мартида ташкил топган. Иқлими мўътадил. Текислик минтақаси эса чўлсубтропик иқлимга мансуб. Вилоятдан икки дарё – Норин ва Қорадарё оқиб ўтиб, ҳудудни сув билан таъминлайди. Айтиш жоизки, қулай иқлим иқтисодиётнинг аграр тармоғини, соғломлаштириш муассасаларини ҳамда сайёҳликни кенг ривожлантириш имконини беради. Экологик жиҳатдан сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш саноатини тараққий эттириш учун ҳам яхши шароит мавжуд.

Ўз ўрнида айтиш керакки, Наманган вилояти ҳам ўлкамизда фойдали қазилмаларга бой ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилади. Айни пайтда бу ерда Чодак олтин кони, тоғ кварци, сурма, мис, нефть, гипс, оҳактош ва бошқа қурилиш материаллари, шифобахш минерал сувлар топилган. 1300 метр чуқурликдан чиқаётган Чуст-Поп ер ости сувининг иссиқлиги 50 С бўлиб, сув таркибида йод ва бром моддалари мавжуд. Чодаксойда 450 метр чуқурликдан чиқаётган 23 С иссиқликдаги водород-сульфидли шифобахш сув ҳар қандай касални даволашда қўл келади. Айниқса, Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон сувлари ўзининг минералланиш даражаси ва характери бўйича жаҳонга машҳур Мацеста Чакрак, Тал сувларидан қолишмайди.

Наманган вилоятини том маънода республикамиздаги кўп миллатли ҳудудлар сирасига киритсак бўлади. Бу ерда ўзбеклар билан бир қаторда рус, татар, украин, озарбайжон, яҳудий, белорусь, арман, қозоқ ва бошқа 89 миллат вакиллари тинч-тотув яшаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Республикамиз ишлаб чиқариш ва маданий тараққиётида ҳам вилоятнинг алоҳида ўрни бор. Чунки бу ерда хорижий инвесторларни жалб қилишга катта эътибор берилиб, айни пайтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари сармоядорлари иштирокида 63 та корхона барпо этилган.

Хусусан, пахта толасидан ип калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон–Литва «Клайпа Текстиль», турли хил сочиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Ўзбекистон–Хитой «Бунёд», қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи Ўзбекистон–Лихтеништейн «Чуст Голден Фрут», ип калава ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон–Кипр «Сал Нам Текс» қўшма корхоналари маҳсулотлари қатор хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Истиқлол йилларида вилоят саноат корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш воситаларини оқилона жойлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда кўплаб янги корхоналар бунёд этилди. Натижада эса соҳани ривожлантириш суръатлари сезиларли даражада ошди.

Айни пайтда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 119,1 миллиард сўмни ташкил этиб, 1996 йилга нисбатан 111,7 миллиард сўмга ортди. Вилоятда озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, «Марвел Джус Ко», «Нестле-Ўзбекистон», «Бунёд», «Муслим–Текс», «Голден-Фрут» қўшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал сувлар, турли хил консерва, тўқимачилик маҳсулотлари, спорт анжомлари, электрон тарози ва бошқа шу каби маҳсулотга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам бугун талаб катта. Айни пайтда чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига замонавий жиҳоз ва ускуналар, илғор технологияларга эга бўлган «Попфен», «Силк-Роад», «Селин Текстиль», «Син Нам», «Ас Шах», «Исковут Текс» ва «Мармар Ф» каби йирик қўшма корхоналар барпо этилгани ҳам вилоят иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Наманган вилояти қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи – пахтачилик бўлиб, бундан ташқари, бу ерда ғаллакорлик, полизчилик, токчилик, сабзавотчилик, ипакчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мамлакатимиз дастурхонини тўкин қилишда наманганликларнинг алоҳида ўрни бор.

Вилоят иқтисодиёти ва савдо-сотиқнинг тез суръатда ривожланиб бораётганининг асосий сабаби сифатида Наманганнинг Фарғона водийси ва республика пойтахти билан боғловчи муҳим автомобиль йўлида жойлашганлигини ҳам кўрсатиб ўтмоқ лозим. Бундан ташқари, бу ерда 1984 йилдан буён замонавий ҳаво лайнерларига хизмат қилувчи учиш ва қўниш майдонлари хизмат кўрсатмоқда. Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар, шунингдек, Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Магадан, Уфа каби бошқа шаҳарлари ва Украина пойтахти Киев шаҳарлари билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилган.

Бу ерда учта олий ўқув юрти, яъни Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик ва педагогика ҳамда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтлари мавжуд бўлиб, ушбу илм масканларида 11 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Наманган вилоятида ҳозирга қадар 85 та археологик, 15 га яқин меъморий ёдгорликлар бўлиб, тарихчи олимларнинг таъкидлашича, кўҳна Ахсикент шаҳри милоддан аввалги III-II асрларда бунёд бўлган экан. Буни жез ва антик даврга хос қадимий шаҳар ва истеҳкомлар ҳам исботлаб турибди. Шунинг баробарида бу замин қадимдан халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларига бой ўлка сифатида тилга олинади. Бу ерда яратилган ва кенг тарқалган оғзаки ижод намуналари халқ қўшиқчилари, эртакчилари томонидан ҳозирги кунгача куйланиб келинмоқда. Улардан ёзиб олинган қўшиқлар, термалар, ривоятлар, эртаклар бир қанча тўпламларга киритилган ва айни дамда наманганликлар тилида янграмоқда ҳам. XX асрнинг 20-йилларида учқўрғонлик достончилар тилидан ёзиб, нашр ҳолига келтирилган «Ёзи билан Зебо» достони ҳам шулар жумласидандир. Ўз ўрнида оғзаки адабиёт билан бир қаторда ёзма адабиёт ҳам Наманганда кўҳна асрлардан ривожланиб келган. Бу ўлка ўз ижодий услуби, овози ва созига эга бўлган бир қанча истеъдод эгаларининг бешигини аллалаган заминдир. Қадим Ахсикентда XI-XII асрларда сўз санъатининг бир қанча йирик намояндалари камол топди. Абу Рашид Аҳмад Ахсикатий, Абул Вафо Ахсикатийлар ўз даврининг етук адиб ва олимлари эди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаларидан бири бўлган Бобораҳим Машраб ҳам шу ўлкада вояга етган. Ҳозир ҳам наманганлик ёшлар ота-боболарининг ўлмас анъаналарини давом эттирган ҳолда ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бунинг учун эса вилоятда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шароитлар яратилган.

Бугун наманганлик ёшлар спорт соҳасида мамлакатимизда етакчилик қилишади. Спортнинг турли йўналишлари бўйича вилоятда 2 нафар жаҳон чемпиони, 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 10 нафар спорт устаси, 195 нафар спорт усталигига номзод ва бошқа мутахассис спортчилар тайёрланди. Биргина 2005 йилнинг ўзида наманганлик спортчилар кўплаб республика ва халқаро миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Унда вилоят спортчилари 2 та жаҳон, 6 та Осиё биринчиликлари, 3 та халқаро турнир ва 70 та республика мусобақаларида қатнашиб, 185 та олтин, 242 та кумуш, 310 та бронза медалларни қўлга киритишди.

Халқ ҳунармандчилиги қадимдан тараққий этган бу ҳудудда ҳозир ҳам ота-боболар анъаналари давом эттирилмоқда. Айниқса, қадимда машҳур бўлган Наманган, Чуст пичоқлари ҳозир ҳам моҳиятини йўқотмаган. Бу заминнинг идиш-товоқлари, дўппидўзлик ва каштачилик маҳсулотлари ёки атлас газламалари ҳануз ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига тортади. Қўлда бу каби мўъжизани яратишда наманганлик ҳунармандлар ҳеч қачон чарчоқ нима билмайди. Ахир, улар аждодлар анъанасини давом эттиришмоқда. Асрлар оша сайқал топиб келаётган бу ҳунарлардан усталар фақат ва фақат фахр ҳиссини туйишади.

Комилжон ҲАСАНОВ.

НА ОСНОВЕ ЕДИНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ

Вот уже 15 лет над нашей независимой Родиной сияет чистое, безоблачное небо. Пятнадцать лет в стране царят мир и стабильность, гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие, тогда как во многих районах мира то и дело собираются черные, грозовые тучи, гремят взрывы, полыхают пожары войны, бесчинствуют террористы-смертники. В чем источник нашей мирной жизни и социального благополучия? Какая сила ограждает нас от подобных бед и напастей?

Этот источник в реальности и неделимости нашего суверенитета и нашей независимости, во все возрастающей мощи нашего государства. А сила – в нашем единстве и сплоченности, в том, что за годы независимости мы создали свою, принципиально новую, национальную армию.

Если бросить ретроспективный взгляд на недавнюю историю, то отчетливо видно, что провозглашение независимости в начале 90-х годов XX столетия породило в умах некоторых руководителей новых государств эйфорию. Многие жили иллюзиями о всеобщем мире, предстоящем процветании и благоденствии. И, едва получив реальную независимость, они тут же, не задумываясь, отдавали часть своего суверенитета – экономического, политического, культурного – под самыми благовидными предлогами эмиссарам демократии. Многие тогда о военной безопасности и не помышляли.

Узбекистан же, провозгласив независимость, счел неотложным делом начать военное строительство. 14 января 1992 года Верховный Совет республики принял постановление и взял под юрисдикцию Республики Узбекистан все соединения, части, военные учебные заведения, учреждения, организации и другие воинские формирования, дислоцировавшиеся на территории республики. Этим законодательным актом было положено начало созданию собственных Вооруженных Сил Республики Узбекистан, равно как и начало военному строительству в нашей стране.

Уже 3 июля 1992 года были приняты Законы «Об обороне», «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе», утвержден текст Военной присяги и принято Постановление «О порядке приведения к Военной присяге».

8 декабря принятием новой Конституции Республики Узбекистан было закреплено правовое положение Вооруженных Сил страны и определены их задачи и историческое предназначение.

Основываясь на глубоком анализе военно-политической обстановки в мире и регионе, Президент Ислам Каримов на встрече с руководящим составом Министерства обороны в 1993 году определенно заявил: **«Видимо, военная сила в обозримый период все же останется одним из основных элементов обеспечения суверенитета и территориальной целостности нашего возрождающегося государства».** И, обращаясь к участникам встречи, уточнил их роль и значение в этот ответственный период: **«Вы призваны защищать честь, достоинство, суверенитет и территориальную целостность нашего государства. На вас возлагается ответственная задача по формированию той военной структуры, которая должна функционировать на территории республики».**

На первой сессии Олий Мажлиса первого созыва в феврале 1995 года глава государства даст четкий ответ на вопрос: «Какую армию мы должны иметь?» – «Мы должны иметь мобильную, хорошо обученную армию, способную обеспечить защиту наших граждан, нашу независимость и суверенитет».

В рамках определенных Президентом установок и шло строительство и модернизация новой армии. Уже в этот период стало очевидным, что наш регион становится объектом устремлений различных экстремистских сил и центров, стремящихся осуществить здесь экспансию религиозного экстремизма и международного терроризма. Террористические акты в Ташкенте 16 февраля 1999 года, вторжение террористов в Баткентский район Киргизии, события в Ташкентской и Сурхандарьинской областях наглядно показали, что существует реальная угроза независимости Узбекистана и других стран региона, и что мы имеем дело с достаточно сильным и организованным противником, коварным и злым, которому чужды идеи гуманизма, милосердие и человечность.

На первой сессии Олий Мажлиса второго созыва Президент указал: «Складывающаяся ситуация в регионе и мире в целом требует создания такой системы безопасности, которая могла бы реально обеспечить неприкосновенность наших границ, территориальную целостность страны, стабильность и устойчивое развитие Узбекистана».

С января 1999 года последовательно, поэтапно началось осуществление кардинальной реформы Вооруженных Сил на основе единой государственной политики. Стратегическая цель военной реформы была сформулирована четко и определенно – необходимость формирования мобильных, самодостаточных и хорошо обученных Вооруженных Сил, способных эффективно и надежно защищать мир и спокойствие нашей страны.

Что сделано за эти годы, с чем мы подходим к 15-летнему юбилею независимости?

За годы реформирования и модернизации Вооруженных Сил проделана огромная по своим масштабам работа. Уже сегодня они мобильны, в основе своей самодостаточны, хорошо вооружены и качественно обучены самым современным формам и методам борьбы с вероятным противником. **Вооруженные Силы способны решать самые сложные современные широкомасштабные задачи** и, прежде всего, надежно защищать рубежи родной Отчизны, нашу независимость, мир и благополучие народа. Они рассматриваются как гарант независимости Узбекистана, как важнейший фактор сдерживания агрессивных устремлений врагов и как основной фактор в борьбе против международных террористов и религиозных экстремистов.

Что лежало в основе качественного изменения Вооруженных Сил, повышения их боеспособности, боевой готовности?

Первое. Общественно-политический аспект. Суть его состоит прежде всего в том, что **реформа изменила роль и место Вооруженных Сил в системе государственного устройства и повысила их значение в деле обеспечения безопасности территории страны и неприкосновенности наших границ.** С другой стороны, как отмечает глава нашего государства: **«В общественном сознании они все больше рассматриваются как плоть от плоти народа, как одна из важнейших составляющих нашей национальной государственности и независимости, как объект нашей всеобщей гордости».**

Второе. Организационно-структурный аспект. Реформа кардинально усовершенствовала структуру управления войсками, изменила состав, функции и назначение каждой войсковой единицы.

Третье. Оперативно-тактический аспект. Коренным образом были пересмотрены вопросы взаимодействия всех видов и родов войск, силовых структур, внедрена эффективная система управления войсками с широким использованием компьютерных и информационных технологий, созданы абсолютно новые формы подготовки военнослужащих – сержантские школы. Впервые в мировой практике получил жизненный статус новый вид службы – служба в МПР. В Военной академии и военных училищах сделан решительный поворот к достижениям науки.

Четвертое. Учебно-методический аспект. Усилено внимание к повышению интеллектуального уровня всех категорий военнослужащих, к профессиональной подготовке воинов, совершенствованию их тактического мастерства. Предметом особой заботы стала подготовка личного состава к успешным действиям в горных, пустынных условиях, в населенных пунктах, к действиям в автономном режиме.

Пятое. Духовно-нравственный аспект. В ходе военной реформы дальнейшее совершенствование получили все формы воспитания военнослужащих. Повысилась их действенность и эффективность. Результатом этой работы явилось то, что наши военнослужащие беспредельно преданы своей независимой Родине, верны своему воинскому долгу, народу и Президенту.

В силу того, что впервые в истории нашей страны рядовой солдат, сержант непосредственно приобщены к решению стратегических задач по защите независимости, мира и стабильности, обеспечению мирной жизни наших людей, наши командные и воспитательные кадры успешно решают задачу формирования не просто исполнительного военнослужащего, а самостоятельной, инициативной, высокоинтеллектуальной и профессионально подготовленной личности, способной решать самые сложные и самые ответственные задачи по защите независимой Родины, ее территориальной целостности и мирной жизни народа.

Успехи в военном реформировании огромны. Они осязаемы, ощутимы. Они очевидны, потому что на невиданную высоту сегодня **поднят престиж военной службы,** которая не на словах, а на деле стала почетной обязанностью и священным долгом каждого гражданина страны.

Можно смело утверждать, что, развиваясь в соответствии с концепцией военной реформы, наши Вооруженные Силы превратились в гибкий, слаженный, мобильный боевой организм, оснащенный по последнему слову военной науки и техники, вооруженный единством взглядов, воли и действий, опирающийся на всемерную поддержку и любовь народа, силой, способной решать самые сложные задачи нашего сложного времени и военно-политической обстановки в мире и регионе.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ЗАОСТРЯЯ ВНИМАНИЕ НА ГЛАВНОМ

– Готовя достойную встречу 15-й годовщине независимости Республики Узбекистан, – рассказывает заместитель командира по воспитательной работе капитан М. Рузиев, – мы основное внимание сосредоточили на решении задач боевой и общественно-политической подготовки, на укреплении воинской дисциплины, повышении бдительности и обеспечении постоянной боевой готовности.

В ходе подготовки к празднику на новый уровень была поднята воспитательная работа с личным составом. Командир, его заместители оказывали и оказывают необходимую помощь офицерам, сержантам подразделений в решении стоящих задач, учат их искусству организаторской и воспитательной работы.

Если где-то обнаруживалось отставание в подготовке воинов, командование тщательно продумывало, как устранить этот недостаток. Группе специалистов давались поручения обстоятельно изучить положение дел на местах. Они проводили показные занятия, анализировали недостатки в обучении солдат и сержантов, помогали конкретно организовать соревнование по задачам и нормативам.

И результаты такого отношения к делу налицо. Маяками соревнования в честь Дня независимости здесь по праву считаются взвод капитана Б. Дустмурадова, группы лейтенантов А. Тулабаева, В. Саттарова, А. Алимбетова. В ходе учебы эти офицеры-передовики соревнования умело обеспечивают комплексное обучение воинов, добиваются качественной отработки учебных задач, отличного освоения, умелого применения и правильной эксплуатации имеющейся в их распоряжении техники.

Соревнование по своему существу – процесс творческий и в данном коллективе не укладывается в какие-то раз и навсегда установленные рамки. Оно здесь открывает широкие возможности для проявления инициативы. Только в этом году воины – передовики учебы выступили с рядом ценных начинаний. Они призвали сослуживцев бороться за овладение смежными специальностями, обеспечение полной взаимозаменяемости, за продление межремонтных сроков эксплуатации техники, экономию материальных ресурсов.

– Успеху личного состава, – говорит капитан М. Рузиев, – во многом способствует постоянный и тщательный анализ результатов соревнования. Не констатация фактов, а разбор их в свете принятых обязательств, показ отношения воинов к учебе и службе, раскрытие нравственных «пружин» их поведения и путей достижения успехов. Именно на этом и сосредоточивается внимание при подведении итогов соревнования.

Нет таких вопросов учебы и службы воинов, которые бы не касались заместителя командира по воспитательной работе капитана М. Рузиева. Его интересует все, что относится к жизни коллектива. И он вместе с командиром несет ответственность за решение задач, стоящих перед личным составом. Всеми формами и методами они воспитывают воинов в духе постоянной боевой готовности, формируют у них высокие морально-боевые качества и, прежде всего, патриотизм, любовь к своей независимой Родине, мужество и отвагу, стойкость и выдержку.

В плане работы по подготовке к 15-й годовщине независимости Республики Узбекистан большое внимание уделяется разъяснению современной военно-политической обстановки в регионе, возможному характеру боевых действий, особенностям и подлым повадкам вероятного противника. Для этого в подразделении создана лекторская группа. Воинам разъясняется военная политика нашего государства, они знакомятся с реформированием Вооруженных Сил, с героической историей страны и наследием ее великих предков.

Проводимая работа приносит ощутимые плоды. Личный состав с присущей ему настойчивостью берет намеченные в соревновании рубежи, высокими результатами в учебе и службе готовится встретить День независимости.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

ИДЕТ МЕСЯЧНИК БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

ТРАНСПОРТ ТРЕБУЕТ ОСТОРОЖНОСТИ

XXI век не случайно называют веком высоких скоростей. В наше время для того, чтобы всюду поспеть, человек зачастую вынужден спешить. А спешка на дорогах нередко приводит к плачевным последствиям. Именно поэтому дорожно-транспортные происшествия (ДТП) порой привносят элементы негатива в нашу жизнь.

Как и во многих развитых странах, в независимом Узбекистане вопросы обеспечения безопасности дорожного движения возведены в ранг государственной политики. Однако степень эффективности проводимой пропагандистской работы не в последнюю очередь зависит и от личной внутренней дисциплины каждого участника дорожного движения, – будь то водитель транспортного средства, пешеход или пассажир. Предлагаемая нашим читателям специальная полоса направлена именно на воспитание у них этого чувства внутренней самодисциплины, понимания ответственности своей роли в важном деле обеспечения безопасности дорожного движения. Надеемся на активное обсуждение данной темы всеми категориями читателей – военнослужащими, членами их семей, представителями общественности, ветеранами. Уверены, что проблемы безопасности движения никого не оставят равнодушным, ведь каждый из нас, выйдя из дому, сразу становится участником дорожного движения.

В Вооруженных Силах проходит Месячник безопасности дорожного движения. Он призван акцентировать внимание всех категорий военнослужащих и членов их семей на вопросах соблюдения ими предельной осторожности будучи участниками дорожного движения. Об этом читайте сегодня интервью с начальником Харбий автомобиль назорати (ХАН) Министерства обороны Республики Узбекистан подполковником Тахиром ИБРАГИМОВЫМ.

– Товарищ подполковник, каковы основные цели и задачи проводимого месячника?

– К сожалению, несмотря на предпринимаемые меры, направленные на обеспечение безопасных условий прохождения военной службы, командованием отдельных воинских частей и учреждений не принимаются исчерпывающие меры по недопущению происшествий на дорогах, искоренению фактов получения военнослужащими травм в результате дорожно-транспортных происшествий. Это говорит о том, что в данном направлении предстоит еще немало поработать для коренного улучшения положения дел.

Поэтому одной из основных целей проводимого Месячника безопасности дорожного движения является доведение до всех категорий военнослужащих правил поведения участников дорожного движения, будь то водители или пешеходы, организация работы по профилактике ДТП во взаимодействии с региональными органами УБДД УВД на местах. Поставлены также задачи: усилить контроль над работой начальников контрольно-технических пунктов и техников подразделений, отвечающих за техническое состояние автомобилей, выходящих в рейс.

Особое внимание будет уделено обеспечению высокой личной примерности офицерского и сержантского состава в ходе служебно-боевой деятельности. Вместе с тем уже усилены меры по ежедневному контролю за проведением медицинского осмотра всего водительского состава, включая владельцев личных автомототранспортных средств.

– Каковы, на ваш взгляд, основные причины совершения дорожно-транспортных происшествий?

– Необходимо сказать, что прежде всего имеет место личная недисциплинированность некоторых военнослужащих, имеющих личный транспорт. На второе место можно поставить несоблюдение скоростного режима. Не менее актуальна и проблема необеспечения исправного состояния личного транспорта. И, наконец, не стоит сбрасывать со счетов и фактор несоблюдения дорожной этики участниками случившихся ДТП.

– Не могли бы вы проиллюстрировать примерами сказанное?

– Например, недавно офицер М.Сафаров на личном автомобиле ВАЗ-2106 совершил столкновение с автомобилем «Тико». В результате происшествия пострадавший был госпитализирован в городскую травматологическую больницу с травмами различной степени тяжести. Не вдаваясь в подробности этого ДТП, можно отметить, что при соблюдении правил дорожной этики оба водителя могли бы благополучно разъехаться.

Вот и военнослужащему по контракту Т.Гапурову при следовании на личном автомобиле ВАЗ-2102 излишняя уверенность в своем преимуществе проезда по главной дороге помешала предотвратить столкновение с автомобилем «Нексия», который выехал со второстепенной дороги. Конечно, водитель «Нексии» должен был уступить дорогу, однако, понадеявшись только на это, военнослужащий оказался в госпитале.

И все же самыми прискорбными являются отдельные случаи, когда водители после совершения ДТП покидают место происшествия, не оказав помощи потерпевшим. Потому хочется напомнить об уголовной ответственности за подобное деяние.

– Какие первоочередные меры намечено провести в масштабах месячника?

–В соответствии с приказом министра обороны в период проведения Месячника безопасности дорожного движения на общих собраниях личного состава частей и учреждений эти вопросы будут всесторонне обсуждены с участием представителей ХАН и правоохранительных органов в целях принятия действенных мер по поддержанию в войсках высокой дисциплинированности и уставного порядка.

Также запланировано провести дополнительные занятия по изучению офицерами и военнослужащими по контракту требований Правил дорожного движения и соответствующих директив начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, по итогам которых будут приняты зачеты. Поставлена задача: сократить до минимума планирование эксплуатации автомобильной техники в предвыходные и выходные дни, запретить в особых случаях использование транспорта без разрешения соответствующих командиров и начальников. Начальникам ХАН гарнизонов поставлена также задача еженедельного осуществления проверки организации парковой службы, технического состояния автомобильной техники, предрейсовой подготовки водителей и старших машин, проведения занятий по технической подготовке водительского состава.

– Каковы ваши пожелания читателям нашей газеты?

– Я бы хотел пожелать читателям газеты «Ватанпарвар», основную массу которых составляют военнослужащие и служащие Вооруженных Сил, быть предельно внимательными и осторожными на дорогах. Если это водители служебных или личных автомобилей, то хотелось бы пожелать всегда помнить об ответственности за жизни и здоровье своих пассажиров и других участников движения. Если это пешеходы, то искренне просил бы быть внимательнее при пересечении автомобильных дорог, особенно в позднее время. Транспорт от всех требует осторожности и внимательности, а от военнослужащих – в первую очередь. Ведь наши спешка и рискованная езда не только ставят под угрозу личные жизнь и здоровье водителей, но и самым прямым образом сказывается на уровне боевой готовности Вооруженных Сил нашей страны. Очень надеюсь, что и с членами своих семей военнослужащие проведут разъяснительную работу, ведь нередко участниками ДТП на дорогах становятся дети. Беречь наших детей –святая обязанность взрослых.

Беседовал майор Аблай КАМАЛОВ.

Внимание: конкурс!

ПОДРУЖИТЕСЬ С ПДД!

Аббревиатура ПДД знакома многим из нас еще с детства. Ведь уже в детских дошкольных учреждениях малышей начинают учить правильно переходить дорогу, объясняют значения цветов светофора. С этого номера мы объявляем начало конкурса «Будь внимателен на дороге». Его условия помогут каждому читателю «Ватанпарвара» определить уровень своих знаний правил дорожного движения. В конкурсе могут принять участие все – и водители автомобилей, и пешеходы, и пассажиры.

Целью конкурса организаторы ставят вооружение наших читателей новыми знаниями о ПДД, которые реально помогут повысить безопасность на дорогах вас самих, ваших близких и детей. Кстати, возраст участников не ограничен.

Ну, а победителей конкурса, организаторами которого являются «Харбий автомобиль назорати» (ХАН) Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар», ждут солидные призы. Участнику, набравшему наибольшую сумму баллов по итогам всех туров, будет вручен аудиомагнитофон, а за второе и третье места назначена бесплатная годовая подписка на газету «Ватанпарвар».

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели, дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем на конверте.

Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА.


ВОПРОСЫ ПЕРВОГО ТУРА


1. Что называется остаточным путем?
2. Где должен водитель остановить транспортное средство на дороге при наличии обочины?
3. В каком случае разрешается посадка и высадка пассажиров со стороны проезжей части?
4. Что должен учитывать водитель при выборе скорости движения?
5. Что обязан выполнить водитель транспортного средства, приблизившись к перекрестку, перед которым нанесена «стоп линия» и включен зеленый сигнал светофора?
6. Что понимается под «недостаточной видимостью»?
7. В каком случае увеличивается центробежная сила автомобиля на поворотах дороги?
8. Кто является «участником дорожного движения»?
9. Что обязан сделать водитель, приближаясь к трамваю попутного направления, остановившемуся посередине дороги?
10. Что в первую очередь должен сделать водитель, причастный к дорожно-транспортному происшествию?

ЖАНГОВАР ТЕХНИКА СОЗ БЎЛСИН









Офицер Мавлон Юнусов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимизда ҳарбий қисм техник назорат пункти фаолияти билан танишишга ҳаракат қилдик. Бизни у ерда техник назорат пункти бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Даврон Мамадиев қарши олди.

– Автомобиль паркидан чиқаётган ҳар бир техниканинг созлиги ва зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, уларнинг тўғри тўлдирилганлигини назорат қилиш менинг вазифамга киради, – деди кичик сержант Мамадиев. Бу орада ҳайдовчи навбатдаги ҳарбий машина автопаркни тарк этишга шайланганини билдирди. Шунда назорат пункти бошлиғи ҳамда парк бўйича навбатчилар аввало, автомобилнинг муайян йўналиш бўйича ҳаракатланишига рухсат берувчи, шунингдек, техника, ҳайдовчининг барча ҳужжатларини диққат билан кўздан кечирдилар. Албатта, ҳайдовчи ташқи кўриниши, соғлигининг умумий ҳолатига ҳам эътибор берилди. Сўнгра, машинани текшириш ишлари бошланди. Бу эса, руль гардишининг эркин йўли, ғилдираклар оралиғи ўлчамлари, қўшиш ва тормоз тепкисининг эркин йўли, қўл тормозининг тўлиқ йўли, тасманинг куч таъсирида букилиши сингари механизмлар махсус асбоблар ёрдамида текширилди. Шунингдек, автомобиль кўрсаткичлари ва умумий ҳолати кўздан кечирилди. Бу ишларнинг барига машиналарни текшириш майдончасида гувоҳ бўлдик. Табиийки, ҳарбий техникаларнинг ҳар бир кириб чиқиши, техник ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар, тегишли маълумотлар техник назорат пункти бошлиғи китобларида қайд этилади.

Шунингдек машиналарнинг, жанговар техникаларнинг соз ва яхши ишлашида техник ходимларнинг ҳам ҳиссаси катта. Шундай экан, автомобиль паркларида техникаларга кўрсатиладиган турли кўринишдаги хизмат турлари, уларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши, олиб бориладиган доимий кузатув ва текширувлар, жиҳоз ва кўрсаткичларнинг қатъий назорати, таъмирлаш ишларининг белгиланган тартибда олиб борилиши, бутловчи қисмларни алмаштириш ҳамда ёнилғи мойлаш меъёрларининг бузилмаслиги каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бу аввало, йўл ҳаракати хавфсизлигининг таъминланишига, қолаверса ишониб топширилган техникаларнинг узоқ муддат ва кўнгилдагидек хизмат қилишига олиб келади.

Катта лейтенант Мунир РАҲИМОВ. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ, ЖАВОБГАР


Йўл қоидаси – умр фойдаси, деган ҳикматли гапни кўп бора эшитганмиз. Афсуски, унга барчамиз ҳар доим ҳам бирдек амал қилмаймиз. Бунинг оқибатида эса, баъзан ўзимиз буни истамаган ҳолда йўл транспорт ҳодисаси сабабчиси, гувоҳи бўламиз. Ҳа, лоқайд ва беэътибор бўлишнинг оқибати баъзан ачинарли ҳолларга олиб келади. Биз йўл транспорт ҳодисалари олдини олишга оид қилинаётган ишлар, ҳарбий автомобиль назорати хизмати ходимларининг фаолиятини ёритиш мақсадида Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати хизмати нозирларидан бирининг иш фаолияти гувоҳи бўлдик.

... Шартнома бўйича хизмат сержанти Бахтиёр Заитов Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий машинани тўхтатиб, аввало ҳайдовчига ўзини таништирди. Ҳарбий автомобиль назорати хизмати катта нозири бўлмиш ушбу сержант биринчи галда ҳайдовчининг умумий ҳолатини кўздан кечирди. «Нега?» деган савол менда ҳам пайдо бўлган эди. Кейин билсам, ҳарбий хизматчининг ташқи кўриниши Умумҳарбий низом талабларига мос келиши, ҳарбий либос кийиш талаб ва шартлари бузилмаганлиги назоратдан ўтди, ўшанда. Кейин эса, навбатма-навбат ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий улов паспорти, йўл варақаси сингари тегишли ҳужжатлар текширилди.

Шунингдек, автомобилнинг умумий ҳолати ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ҳам катта нозир диққат-эътиборидан четда қолгани йўқ. Барча ҳужжат ва ҳарбий техника кўрсаткичлари талаб даражасида экан, ҳайдовчига оқ йўл тиланди. Кейин эса транспорт оқими ва унда ҳаракатланаётган машиналарни яна синчковлик билан кузата бошлади. Фурсатдан фойдаланиб, ҳарбий автомобиль назорати хизмати нозирини суҳбатга чорладик.

– Аввало, шуни таъкидлашни истардимки, автоулов бошқарувига ўтирган ҳар бир ҳайдовчи елкасидаги катта масъулият ва жавобгарликни юракдан ҳис этиши, доим сергак ва ҳушёр бўлиши зарур. Чунки у нафақат давлатимиз томонидан ишониб топширилган техника учун масъул, балки автомобилидаги инсонлар хавфсизлиги, соғлиги, керак бўлса ҳаёти учун жавобгардир. Шундай экан, рулда сусткашликка йўл қўйиш – бу ўз вазифаси, бурчига беписандлик билан, юзаки ёндашиш билан баробардир.

Суҳбатимиз шу жойга етганда, сержант Заитов ҳушгагини чалиб, таёқчаси-



бартараф этилади. «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» доирасида ўтказилувчи кўплаб тадбирларга келсак, уларнинг аксарияти ҳарбий автомобиль ҳайдовчилари ҳамда шахсий машинага эга ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари ўртасида бу борадаги тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллик билан олиб боришга қаратилади.

Дарҳақиқат, йўл ҳаракати хавфсизлигига фақат ойлик доирасида эмас, балки унга ҳар кун, ҳар лаҳза эътибор берилиши зарур. Чунки, барчамиз кундалик фаолиятимизда транспортнинг у ёки бу туридан фойдаланамиз. Демак, хавфсизлигимиз ҳар доим таъмин этилиши шарт. Аслида эса, ноҳуш воқеаларнинг олди олинишида йўловчи ёки пиёда сифатида биз ҳам, уловни бошқараётган ҳайдовчи ҳам, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари ҳам ўзимизнинг ҳушёр ва эҳтиёткорлигимиз билан муносиб ҳисса қўшамиз.

Катта лейтенант Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ. Комолиддин Тўраев суратга олган.

СТАТИСТИКА ПРОИСШЕСТВИЙ

ЦИФРЫ ГОВОРЯТ О МНОГОМ...



Как сообщили редакции в УБДД города Ташкента, за минувший месяц в столице произошло 66 дорожно-транспортных происшествий. Из них: 39 – наездов на пешехода, 8 – наездов на препятствия (столбы, деревья, бетонные ограждения), 16 – столкновений между транспортными средствами, 3 – падения пассажиров в общественном транспорте.

В результате 7 человек погибли, 83 – получили травмы различной степени тяжести, из которых детский травматизм составил 16 человек.

Итак, 24 июля в 12.50 по улице Амира Темура автомашина «Нексия», за рулем которой была гражданка М. Шоназарова, 1984 года рождения, не соблюдая скоростной режим, врезалась в автобус. В результате ДТП гражданка М. Шоназарова с различными травмами была доставлена в больницу.

25 июля в 12.00 часов возле остановки «Спутник-1» автомашина ЗАЗ-968 под управлением гражданина А. Исхакова, 1976 года рождения, сбила пешехода. В результате 7-летняя Н. Хакимова была доставлена в больницу со множеством ушибов. Причина ДТП – игнорирование водителем знака «Пешеходный переход».

26 июля по улице Ахмада Дониша автомашина «ДЭУ-Рейсер», за рулем которой находился гражданин Ф. Ильхомов, не справившийся с управлением, врезалась в бетонный столб уличного освещения. В результате ДТП водитель погиб на месте, а пассажир в тяжелом состоянии доставлен в больницу. Причина столкновения – несоблюдение скоростного режима.

29 июля в 2 часа ночи по улице Усмана Юсупова, напротив чайханы «Лабзак», автомашина «Пежо», за рулем которой находился гражданин Р. Азимов, 1962 года рождения, не справившийся с управлением, врезалась в дерево. Причина – несоблюдение скоростного режима. В результате водитель скончался от полученных травм на месте ДТП, чуть позже в больнице скончались и два его пассажира.

К сожалению, как отмечают специалисты УБДД города Ташкента, фактор риска ДТП на дорогах столицы присутствует всегда, однако строгое следование требованиям Правил дорожного движения позволит избежать печальных последствий. Цена вопроса здесь инвалидность или смерть, искалеченная судьба...

Записал старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.

Ёзги ўқув машғулотлари авжида

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Айни кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли қисм ва бўлинмаларда ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда. Айниқса, сафларга яқинда қўшилган ёш аскарлар учун бу давр ўта масъулиятли ҳисобланади.





МАҚСАД ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

Мотоўқчилар қисмида ҳам машғулотлар белгиланган режа асосида, кўнгилдагидек олиб бориляпти.

– Янги ўқув мавсумини бошлашдан аввал катта тайёргарлик ишлари олиб борилган, – дейди офицер Илҳом Бегимқулов. – Ҳар бир взвод шахсий таркиби ўзига бириктирилган ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаб, янги стенд, плакатлар, байроқчалар ясашди ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёш аскарлар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда, Умумҳарбий низомлар, низомга зид муносабатларнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро ҳурматда бўлиши, аскарнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.Мақсадимиз, ёзги ўқув мавсумини юқори жанговар шайликда ўтказиб, юксак марраларни эгаллашдир.

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Дарвоқе, ёш аскарлар ётоқхонаси, дам олиш ва жисмоний машғулотлар бажариладиган хоналар, спорт шаҳарчаси барча замонавий жиҳозлар, керакли техника билан таъминланган. Биз бевосита ёш аскарлар билан суҳбатлашдик:

– Мен, – дейди оддий аскар Фарҳод Алланиёзов, – ҳарбий хизмат ҳақида бошқача тасаввурга эга эдим. Ушбу ҳарбий қисмга келганимизга ҳали кўп бўлганича йўқ. Тўғрисини айтсам, мен ва сафдошларим бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, ниҳоятда қувондик. Жиҳозлар яп-янги, хоналар ёруғ ва шинам. Ҳукуматимиз томонидан бизларга қаратилаётган бундай диққат-эътибордан жуда хурсандмиз ва албатта, билдирилаётган юксак ишончни оқлашга бор куч ва билимимизни сарфлаймиз.

Аскарлар ётоқхонасида посбонларнинг мазмунли ва мароқли дам олишлари учун барча қулайликлар ташкил этилган. Маиший хизмат кўрсатиш, ювиниш ва кир ювиш хоналари зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Дам олиш хонасида телевизор-видео, шашка-шахмат, шунингдек, республика газета ва журналлари бурчаги ташкил этилган бўлиб, аскарлар ҳордиқ чиқариш вақтларини унумли ўтказишмоқда.

ПОСБОН САЛОМАТЛИГИ

Тиббий бўлимда фаолият кўрсатаётган санитария йўриқчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Муҳаббат Мирзаева беморлар, муолажа кўрсатиш, касалларни қабул қилиш хоналари билан таништирар экан, ёзнинг иссиқ кунларида аскарларнинг саломатлигига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Уларни офтоб урушидан сақлаш, ҳар хил юқумли касалликлардан асраш бўйича тегишли ишларни амалга оширдик. Барча ётоқхона ва ўқув машғулотлари ўтказилаётган жойларда қайнатилган янтоқли чой идишлари қўйилган. Ёш аскарларни шахсий гигиена ва тозаликка риоя қилишларини доимий назорат қилиб турибмиз. Тиббий пункт билан таништирар эканмиз, бу ерда ўз касбининг билимдонлари бўлган фидойи инсонлар хизмат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Бўлимимизда малакали тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этади, – дейди офицер Акмал Эрназаров. – Офицер Алишер Қўчқоров, оддий аскар Нодира Икромова, кичик сержант Раъно Нарзуллаевалар шулар жумласидандир. Улар ўзларининг ширинсўзлиги, масъулиятлилиги, меҳрибонлиги ва инсоний фазилатлари билан ҳарбий хизматчиларнинг қалбидан чуқур жой олишган.

МАҲОРАТЛАРИ ОШМОҚДА

Ҳарбий қисм автомобиль паркида бўлганимизда офицер Саидмурод Акбаров ўз гуруҳидаги ёш аскарлар билан техник тайёргарлик машғулотини ўтказаётган экан. У ёш аскарлар ҳақидаги фикрини қуйидагича изоҳлади:

– Ёш аскарлар билан ишлаш катта масъулият ва билим талаб этади. Гуруҳимдаги аскарлар саралар ичидан сараланиб келган, ақлан ва жисмонан етук йигитлардир. Шунинг учун улар билан машғулотлар ўтказиш давомида қийинчиликларга дуч келмаяпмиз. Ўғлонлар ҳар бир нарсага диққат-эътибор ила ёндашиб, ҳарб илми бўйича билимларини мустаҳкамлаб боришмоқда. Лавозимлари бўйича адашмасдан ўз жойларини эгаллаб, қандай ҳаракат қилиш, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳадан фойдаланиш сирларини пухта ўзлаштирмоқдалар. Бунда уларга сержантлар мактабини «аъло» баҳоларга битирган шартнома асосидаги хизмат кичик сержантлари – Ҳусниддин Шарипов, Ўрал Қурбоновлар яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

Ҳа, аскарларимизга яратилган шарт-шароитлар, ғамхўрликларни кўриб, қувонасан киши. Аскарларимиз ҳам намунали хизматлари, юксак даражадаги жанговар тайёргарликлари ва доимий ҳушёрликлари билан муносиб жавоб қайтаришади.

МУНОСИБ ТУҲФА

Ҳарбий қисмда Мустақиллик байрамига тайёргарлик ҳам авжида. Билим юртлари, маданият уйлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти, туман, шаҳар ҳокимлиги вакиллари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб, спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Ёзги мавсумда режалари катта, уларнинг. Юқори жанговар шайлик ва ҳушёрликни янада ошириб, машғулотларда тобланиб, юксак марраларни забт этиб, Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш ва янгидан-янги натижаларни қўлга киритиб, ўзларининг аъло хизматларини намоён қилиб, энг азиз ваънг улуғ байрамимизга туҳфа қилишмоқчи.

Аҳрор ОЧИЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Сборы молодых офицеров

СТАТЬ В СТРОЙ!

Казалось, совсем недавно в высших военно-образовательных учреждениях страны шла горячая пора выпускных экзаменов. Курсанты выпускных курсов держали ответ перед строгой комиссией на право пополнить офицерский корпус Вооруженных Сил. Но вот уже позади экзамены, незабываемые минуты торжественной церемонии вручения заветных офицерских погон, первое назначение на должность, знакомство с вверенным личным составом.



Все это означает, что жизнь военного человека не стоит на месте. Сегодня молодые офицеры готовы направить свою энергию на успешное претворение в жизнь задач, поставленных перед военнослужащими в свете военного реформирования Вооруженных Сил страны.

– Благодаря заботе руководства страны о молодых офицерах, для их становления созданы все необходимые условия, – говорит подполковник Алишер Муинов. – В частности, во всех военных округах проходят сборы молодых офицеров, куда в качестве преподавателей привлечены опытнейшие специалисты, имеющие богатый служебный опыт. Все это делается с единственной целью: оказать практическую и методическую помощь молодым офицерам в вопросах их адаптации к самостоятельной офицерской деятельности, работе с подчиненным личным составом.

Отрадно, что выпускники этого года, судя по первым итогам, также готовы ответить на эту заботу напряженным ратным трудом. В частности, офицеры, проводящие в столичном округе сборы, свидетельствуют – молодые люди, прибывшие для прохождения дальнейшей службы в округ, горят желанием служить, подтверждая профессиональный уровень полученных знаний.

По признанию самих лейтенантов, занятия на сборах дают им немало полезной информации по особенностям прохождения службы в округе, гарнизоне, закладывают нужное направление в нелегкий период становления.

– Эти сборы нам очень помогают, – говорит выпускник Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) лейтенант Зафар Аббосов. – Я уверен, что знания и навыки, приобретенные здесь, безусловно, пригодятся мне на месте службы. Я назначен командиром группы. Службу здесь считаю честью, ведь готовить военных профессионалов для нашей армии – почетно и ответственно.

Выпускник Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища (ЧВТКИУ) лейтенант Фаррух Мухиддинов уже в этом учебном году намеревается добиться успехов в соревновании на звание лучшей группы округа. Возможно, в его уверенности обозначены большие амбиции. А что, разве это так уж плохо, ведь сформированная в передовом коллективе психология победителей неизбежно влияет и на настроение молодого офицера.

Закончивший командный факультет Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) лейтенант Баходир Маматкулов обратил внимание на то, как на сборах преподаватели доводят необходимую в повседневной службе нормативную базу – приказы министра обороны, директивы начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, различные положения, инструкции. Лейтенант хорошо понимает, что эти документы помогут не только должным образом организовать парково-хозяйственную службу, но и в оформлении соответствующей документации.

Приятное впечатление остается от встречи на сборах с молодыми офицерами. Каждый из них оптимистично настроен, готов к добросовестной службе, личному участию в укреплении оборонной мощи страны.

Старший лейтенант Хасан ТУРАХАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Ҳарбий қасамёд

ОНТИГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР

Яқинда офицер Мурод Солиев хизмат қилаётган батальонда сафарбарлик чақируви резерви йиғини иштирокчиларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди.

Тантанада ҳарбий қисм шахсий таркиби, округ қўмондонлиги офицерлари, жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, йиғин иштирокчиларининг ота-оналари, ёру дўстлари қатнашишди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилингач бўлиб ўтган митингда нутқ сўзлаган округ қўмондонлиги вакили офицер Алишер Муинов, жумладан, шундай деди:

– Мана бугун сизлар ҳаётингиздаги унутилмас дақиқаларни бошдан кечирдингиз, яъни сизлар Ҳарбий қасамёд қабул қилдингиз. Ҳарбий қасамёднинг аҳамияти ўз халқига содиқ бўлишда, қасамёд қабул қилганларнинг зиммасига юкланадиган фахрли ва масъулиятли мажбурият эканлигида.

Шундан сўнг сўз олган Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Суяр Қурбонқулов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ходими Мирзоҳид Комиловлар ўз ҳис-ҳаяжонларини яширмасдан, тўлқинланиб гапирдилар.


Маросимда сўзга чиққан ота-оналардан, оддий аскарлар Дилмурод Ирисматов онаси Муҳтарам опа, Абдувоҳид Абдусатторов акаси Абдушукур ака, Носир Ўринов онаси Фотима опалар ҳам фарзандларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари билан табриклаб, уларнинг юрт посбонидек шарафли номга сазовор бўлганликлари ила фахрланишларини айтиб ўтдилар.

Сафдошлари номидан сўзга чиққан оддий аскар Абдувоҳид Минбаев бугунги қасамёд улар хотирасида абадий сақланиб, энг бахтли кунларидан бири бўлиб қолажагини қувонч билан таъкидлади. Бир ой ичида ҳарб илмидан олган сабоқларини, офицер ва сержантлардан орттирган тажрибаларини мустақил Ўзбекистон тинчлиги йўлида сафарбар этишга сўз берди, у.

Сўзга чиққанлардан офицерлар Авазбек Шералиев, Бахтиёр Юлдошевлар ҳам ўзларининг самимий истакларини билдиришиб, ўғлонларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилашди.

Тантанали тадбирдан сўнг аскарлар, ташриф буюришган ота-оналар ва меҳмонлар учун концерт дастури намойиш этилиб, байрамона дастурхон тузилди.

Ушбу байрам шукуҳи аскарлар ва уларнинг яқинлари қалбларида чуқур из қолдирганлигига ишончимиз комил.



Шубҳа йўққи, тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлонларимиз Ватанимиз тинчлиги, дахлсизлиги, халқимизнинг осуда ҳаёт кечириши учун лафзларида бир умр собит қолишади.Зеро, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, «Дунёда «Ватан» сўзидан азиз ва юракка яқин калом топилмагани каби, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф ҳам йўқдир».

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

ТАНТАНАЛИ РАВИШДА

Навоий гарнизонида сафарбарлик чақируви резерви батальонининг навбатдаги бир ойлик йиғин иштирокчиларининг тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Навоий ва Бухоро вилоятларидан чақирилган ёшларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди. Жумладан, «Нуроний» жамғармаси Навоий вилояти бўлими вакили О.Раҳматов, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раисаси Д.Равшанова, Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи подполковник У.Тешаевлар ҳам Ватанга содиқлик онтини ичган ўғлонларни табрикладилар.

Фарзандларини ушбу унутилмас воқеа билан қутлаш учун ота-оналар номидан сўз олган бухоролик Бўри Султонов ва Назира Муҳаммадиева, навоийлик Имом Бектаев ва Надежда Мельниковалар ўғилларига доимо мустақил Ўзбекистоннинг ишончли ҳимоячиси бўлишини тилаб қолишди.

Навоий шаҳри «Наврўз» маданият уйи санъаткорлар гуруҳи ташкил қилган концерт дастури эса тадбирга янада файз бағишлади. Йиғинда иштирок этган сафарбарлик чақируви хизматчилари учун байрамона тушлик уюштирилиб, ундан сўнг улар уйларига кузатилди.

Майор Мирзо АШУРОВ.

ШУКУҲЛИ ОНЛАР

Тошкент Давлат авиация институти ҳарбий кафедраси курсантлари ҳаётида унутилмас из қолдирган Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари бўлиб ўтди.

Асомиддин Тўраевнинг шогирдлари бу тантанага ҳар томонлама тайёргарлик кўрдилар. Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда уларнинг ҳар бири бу ерда эгаллаган билимлари билан ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари шубҳасиз.

Ҳарбий кафедра курсантларига жанговар санъат сирларидан тажрибали офицерлар Ҳасанбой Маҳмудов, Миродил Атаханов, Қодиржон Сатторовлар сабоқ беришди. Устозларнинг ўз навбатида шогирдлари Лазиз Ҳусниддинов, Салават Абдулин, Азамат Турдиев, Алексей Сарвиндан умидлари катта.

Тантанада олий даргоҳнинг ўқитувчилари, ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ота-оналар иштирок этишди. Шу куни курсантларни институт проректори Равшан Холхўжаев, офицер Сергей Проценколар қутлашди. Ўз навбатида курсант йигитлар ҳам устозларига миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Майор Саъдулло АМИНОВ.

Несение караульной службы – есть выполнение боевой задачи

БДИТЕЛЬНЫЙ ЧАСОВОЙ

Рядовой Акмаль Махкамов лишь весной этого года был призван в ряды Вооруженных Сил из Байсунского района Сурхандарьинской области. Но и за этот небольшой отрезок времени он сумел достойно зарекомендовать себя в родном воинском коллективе.

Впрочем, новичком он является лишь по сроку службы, а по возрасту старше некоторых своих наставников. Дело в том, что Акмаль был призван для прохождения срочной службы по окончании учебы в Аграрном университете и получении диплома бакалавра. Дипломированный менеджер-экономист сельского хозяйства со всей серьезностью стал осваивать секреты своей воинской профессии, так что успехи не заставили себя долго ждать. Одним из первых среди сослуживцев он заслужил почетное право нести службу по охране и обороне важных военных объектов в качестве часового.

– Рядовой Махкамов является образцом для товарищей в знании Общевоинских уставов, бдительном несении службы, – говорит о подчиненном командир секции рядовой Хуршид Аликулов. – Например, недавно им были задержаны неизвестные, пытавшиеся пройти к охраняемому объекту в ночное время.

Командир комендантской группы лейтенант А. Исаханов, проводя беседы с личным составом о необходимости высокой бдительности лиц караульного наряда, не раз приводил в пример отличников боевой учебы. При этом разговор всегда подкреплялся конкретными фактами из жизни группы, звучали фамилии отличившихся воинов, в том числе и таких, как рядовой А. Махкамов.

Слова командира вдохновляют бдительного воина еще более совершенствовать свои знания и навыки, зорко беречь военное имущество и технику на вверенном боевом посту.

Старший лейтенант Хасан ФАРУХОВ.

Охрана и оборона объектов является одной из приоритетных задач для каждой воинской части. Однако в нынешний период активизации сил международного терроризма и экстремизма она приобрела еще большее значение. Поэтому представляется актуальной пропаганда передового опыта лучших офицеров, обеспечивающих образцовое решение данных вопросов.



Охране и обороне объектов – повышенное внимание

УМЕТЬ ОРГАНИЗОВАТЬ ДЕЛО

Офицера Ойбека Саидова можно смело отнести к таким опытным лидерам, умело организующим эффективное проведение мероприятий по охране и обороне объектов военного назначения. За короткий период времени он сумел наладить четкую и эффективную организацию охраны и обороны объектов во вверенном подразделении. Эти успехи в ратном труде по достоинству отмечены вышестоящим командованием: он был награжден Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, а недавно удостоился и Памятного знака министра обороны.

– Высокая оценка ратного труда всего нашего подразделения, безусловно, вдохновляет, – подчеркивает офицер О.Саидов. – Однако хочется сказать о том, что эти награды являются оценкой работы всего коллектива части по успешной организации караульной службы.

Рассказывая о слагаемых достигнутого успеха, офицер подчеркнул, что первым этапом всей многогранной работы является организация боевого дежурства и дежурства по охране объектов, подготовка документации по планированию и проведению комплексных мероприятий.

На втором этапе самое пристальное внимание в этой части уделяется четкой реализации схемы трехэтапной подготовки караулов. Подбор личного состава для несения караульной службы осуществляется по согласованию с активом взвода, командирами подразделений. Особое внимание уделяется качеству проведения инструктажа лиц, заступающих в караул.

В третьих, важной особенностью является то, что места для несения службы оборудованы согласно требованиям Устава гарнизонной и караульной служб, директив министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, инструкций.

По итогам каждого месяца военнослужащим, отличившимся при несении службы в карауле, вручаются премии и ценные подарки.

В традициях командования части поощрение инициативы «снизу». На общих собраниях подразделений вносятся предложения по улучшению условий несения службы. Активность военнослужащих говорит о том, что фактор материальный играет здесь далеко не главную роль. Воспитательный процесс тут поставлен на такой уровень, который позволяет надежно охранять военные объекты от всяческих посягательств на них.

Процесс подготовки караульного наряда идет согласно имеющимся требованиям. Военнослужащие сдают зачеты по знанию положений Устава гарнизонной и караульной служб. Затем следует инструктаж на макете местности, тренировки различных нештатных ситуаций. И лишь потом личный состав допускается к несению боевого дежурства по охране и обороне объектов.

...Тем временем в караульном помещении продолжается боевая учеба с личным составом бодрствующей смены. Начальник караула лейтенант Шерзод Ахмедов инструктирует сержанта Отабека Мамирова, младших сержантов Исроила Бекмурадова и Асилжона Дадабаева. Воины-профессионалы четко и уверенно докладывают обязанности часового при приближении к охраняемому объекту постороннего лица.

У офицера Ойбека Саидова с годами выработалась привычка каждое утро перед входом в штаб воинской части непременно побывать в караульном помещении. Это отнюдь не от недоверия к подчиненным, а вследствие высокого уважения к нелегкому труду сослуживцев, проведших бессонную ночь ради мира и спокойствия товарищей...

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИНЛАР БЕСАМАР БЎЛМАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони И.А.Каримов миллий армиямиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганларидек: **«Ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш ўта муҳим масаладир. Бу – армиядаги хизматнинг барча бўғинидаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш лозим».**

Ҳарбий хизматчиларни давлатимиз раҳбарининг ушбу талаблари асосида тарбиялаш ҳар бир офицер, ҳар бир кичик командирнинг, айниқса, тарбиявий ишлар органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу боис тарбиячи офицерларни ўқитиш, уларга тарбиявий ишлар ташкил этиш ва олиб боришнинг замонавий ҳамда энг самарали усул ва услубларини ўргатиш бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда улкан аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ барча ҳарбий округ(гарнизон)ларда батальон, дивизион ва взводлар командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан ўқув-услубий йиғинлар ўтказилди. Тарбиячи офицерлар билим савияси ва тажрибасини орттиришга йўналтирилган ушбу йиғинларда:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгилаб берилган вазифаларни бажариш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг масъулиятли бурчи»;

«Тарбиявий ишларнинг ҳолати, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»;

«Тарбиявий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлик, ҳарбий жамоа фаоллари билан ишлашнинг асосий йўналишлари ва шакллари»;

«Шахсий таркиб сергаклиги ва ҳушёрлигини ошириш, ислом фундаментализми ва диний экстремизм ғояларининг қўшинларда тарқалишига қарши курашни ташкил этиш бўйича тарбиячи офицерларнинг вазифалари»;

«Ҳуқуқбузарлик ва интизомни қўпол равишда бузишларнинг асосий сабаблари, ҳарбий ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликдаги тарбиявий тадбирларнинг усуллари ва аҳамияти»;

«Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари»;

«Ҳарбий қисм ва муассасаларда маданий-маърифий ишларни ташкил этиш. Маданий-маърифий ишларнинг мазмуни, моҳияти, вазифаси ва йўналишлари»;

«Байрамларни муносиб кутиб олиш бўйича тузиладиган тадбирлар, дам олиш куни олди (байрамолди) ва дам олиш (байрам) кунлари режасини тузишга қўйиладиган талаблар» сингари мавзуларда ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий қисм ва муассасалар командир(бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий прокуратура ходимлари, олий таълим муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази вакилларининг маърузалари тингланди, тажриба алмашилди.

– Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия офицери Ф.Абдураҳмонов, Жиззах давлат педагогика институти фалсафа ва ҳуқуқшунослик кафедраси мудири фалсафа фанлари номзоди доцент М.Ҳошимхонов ва бошқа тажрибали мутахассислар ўқиган маърузалар бизда катта таассурот қолдирди, уч кунлик ушбу йиғинда анчагина тажриба орттирдик, – дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Хуршидбек Шерматов.

Самарқанд гарнизонида хизмат қилаётган тарбиячи офицер Жўрабек Тожиев йиғин иштирокчилари – Самарқанд ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия офицери И.Умирзоқов, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази вакили С.Тангиров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлиғининг ўринбосари Р.Пардаев сингари нотиқлар маърузаларидан мамнунлигини, йиғиннинг бесамар бўлмаганлигини билдирди.

Ҳарбий округ(гарнизон)ларда ўтказилган ўқув-услубий йиғинларда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов, Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг масъул ходимлари офицерлар Н.Носиров, Х.Жуманазаров ва бошқалар тегишли мавзулар бўйича сўзга чиқдилар.

Йиғин якунида тарбиячи офицерлар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасидаги йўриқнома ҳужжатларнинг талаблари бўйича тест синови ўтказилди.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

ПРИВЕРЖЕННОСТЬ ПРИНЦИПАМ ГУМАНИЗМА

Важнейшей задачей реформирования судебно-правовой системы Республики Узбекистан является последовательная, поэтапная либерализация уголовного, уголовно-процессуального законодательства, системы уголовного наказания. Ярким тому свидетельством стал Указ Президента от 1 августа 2005 года «Об отмене смертной казни в Республике Узбекистан», а также Распоряжение от 19 августа 2005 года «О мерах по совершенствованию законодательства в области либерализации уголовного наказания и судебно-правовой системы».

Цель очередного Распоряжения главы нашего государства от 29 июня 2006 года «О дополнительных мерах по подготовке законодательных, нормативно-правовых актов, подлежащих принятию в связи с отменой смертной казни в Республике Узбекистан» состоит в том, чтобы интенсифицировать работу по подготовке нормативно-правовых актов, связанных с исключением из системы уголовных наказаний смертной казни. Все эти правительственные документы играют судьбоносную роль в процессе построения демократического общества. Они не остались вне поля внимания как простых граждан, так и тех, кто посвятил свою жизнь служению правосудию. Среди них – старший преподаватель кафедры «Теория государства и права» Ташкентского государственного юридического института Игорь КУДРЯВЦЕВ:

– Мы неоднократно обсуждали с преподавателями и студентами значимость принятых документов, – рассказал при встрече Игорь Владимирович. – Отмена смертной казни в нашей стране была встречена с одобрением. При этом замена смертной казни на пожизненное заключение либо на длительные сроки лишения свободы отнюдь не является облегчением наказания. Не так просто провести всю жизнь в заключении в глубоком раскаянии или отчаянии. Рост или спад преступности в обществе зависит не столько от жесткости и строгости законов, сколько от уровня развития и духовно-нравственной атмосферы в стране.

До обретения Узбекистаном независимости 33 статьи Уголовного кодекса предусматривали смертную казнь. Однако, несмотря на жесткость законов, преступность не уменьшалась, а, напротив, увеличивалась.

Возрастание значимости человеческой жизни и либерализация законов – результат коренных реформ, проводимых по инициативе главы государства. Благодаря подобным проявлениям благородства и милосердия улучшается нравственный климат в обществе, растет самосознание народа. Следовательно, для сокращения преступности у нас создаются достаточно хорошие условия. Поэтому я считаю отмену смертной казни очень своевременным, верным и мудрым решением.

В настоящее время 118 государств мира в законодательном порядке отказались от смертной казни или же не применяют ее на практике. В частности, в 23 государствах действует мораторий на применение смертной казни и ее исполнение. Значит, наше государство выбрало наиболее оптимальный путь, соответствующий принципам гуманизма.

Ко всей этой работе в нашей стране привлечены сотни специалистов – не только юристов, но и экономистов, журналистов, экспертов различных ведомств, органов государственной власти и управления, ученые, широкая общественность, включая представителей махаллей.

Распоряжение «О дополнительных мерах по подготовке законодательных, нормативно-правовых актов, подлежащих принятию в связи с отменой смертной казни в Республике Узбекистан» является своевременным.

Все это свидетельствует о том, что Узбекистан целеустремленно следует по пути гуманизации законодательства, защиты прав и свобод человека, развития правовой культуры населения, обеспечения верховенства закона, формирования основ гражданского общества.

Записал Руслан ПРИМОВ.

ГЛУБОКО ПРОДУМАННЫЙ И ОПРАВДАННЫЙ ШАГ

Отмена смертной казни в Узбекистане является важным шагом в направлении реализации демократических ценностей и цивилизованных стандартов, считает известный польский правовед.

Отмена Указом Президента Узбекистана И.Каримова с 1 января 2008 года смертной казни в стране является событием, которое заслуживает оценки и признания. Приняв такое решение, Узбекистан войдет в число демократических государств, отменивших смертную казнь. Здесь уместно напомнить, что в Совете Европы с успехом реализуется концепция «Европа – зона, свободная от смертной казни». Государства, которые решают вступить в эту организацию, отказываются – и это условие членства в Совете Европы – от применения такой меры наказания. На сегодняшний день это повсеместно применяемый европейский стандарт. Сейчас к «семье» таких государств присоединяется и Узбекистан.

Отмена смертной казни не является легким решением. Опыт государств, в которых в последние годы имело место ее применение, показывает, что большая часть общества выступает за сохранение смертной казни. Органы власти должны показать решимость и целеустремленность, для того чтобы провести такую реформу.

Вместе с тем за таким решением стоит понимание важности цивилизованного развития и прогресса. Различными научными исследованиями многократно доказывалось, что смертная казнь в Уголовном кодексе не влияет на уровень преступности в стране. Должен побеждать аргумент «защиты жизни как наивысшей ценности». Человечество знает примеры, когда «постфактум» выяснялось, что казненный человек был невиновен. Поэтому во многих государствах, а в некоторых даже с XIX века, отменена смертная казнь, которая считается негуманным и противоречащим цивилизованным стандартам наказанием.

Отмена смертной казни должна сопровождаться определенными информационными и воспитательными усилиями. Речь идет о том, чтобы довести до общественности мысль, что шаг в этом направлении является глубоко продуманным и оправданным. Такой подход тем более является существенным, как показывает опыт некоторых государств, в том числе и Польши, что в случае особо жестокого и страшного преступления общество опять возвращается к дискуссии о возвращении в Уголовный кодекс этой меры наказания. Известны также случаи демагогического использования этого вопроса в предвыборной кампании.

Необходимо еще, чтобы до общества доходили сообщения о результатах судебно-исполнительной практики в странах, которые не применяют смертную казнь, и научные круги должны подкреплять такие политические решения своими исследованиями.

Я воспринимаю решение Президента Узбекистана с большим удовлетворением еще и потому, что в 1994–2006 годах имел возможность заседать на Генеральной Ассамблее Совета Европы. Я исполнял там функции руководителя подкомиссии по правам человека, а в последнее время – первого заместителя председателя комиссии по вопросам юриспруденции и прав человека. Знаю из личного опыта, в том числе и как докладчик Совета Европы по мониторингу отмены смертной казни в Армении, каким огромным и трудным усилием является принятие подобного решения. Думаю, что оно получит большой резонанс среди представителей политико-общественных кругов в государствах, которые трактуют отмену смертной казни как один из основополагающих тестов вхождения государства в сообщество демократической цивилизации.

Е.ЯСКЕРНЯ,
зав. кафедрой права Академии финансов, экс-депутат Сейма, бывший министр юстиции Польши.
ИА «Жахон».
(«Народное слово», 1 августа 2006 года).

УСТОЗ ОФИЦЕРЛАР МАЛАКАСИ ОШМОҚДА

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти профессор-ўқитувчилари ўқув-услубий йиғини доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида бўлдилар. Таъкидлаш жоизки, доимий равишда ўтказилувчи мазкур йиғиндан кўзланган асосий мақсад профессор-ўқитувчилар таркиби педагогик маҳоратини янада ошириш ҳамда илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдир.

Турли йўналиш ва ихтисосликка доир ўн миллиондан ортиқ адабиётга эга кутубхонага келган офицерларни зиё улашувчи маскан ходимаси Любовь Горбунова ушбу даргоҳ тарихи, илк ҳамда ҳозирдаги фаолияти, бўлимлари ва кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида батафсил гапириб берди. Сўнгра тингловчилар кутубхонага аъзо бўлиш, зарур адабиётни қай йўсинда топиш ва унга буюртма бериш шартлари, умуман кутубхонадан фойдаланиш борасида маълумотга эга бўлдилар, маълумотнома ахборот, чет эл адабиёти ва хорижий алоқалар, миллий библиография, ёшлар ахборот маркази, медиамарказ сингари бўлимлар иши ҳамда уларнинг йўналишлари билан яқиндан танишдилар. Хусусан, нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида сақланувчи қадимий адабиётлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, кутубхонанинг интернетда сайти мавжудлиги унинг каталог ва хизматларидан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини бериши, офицерларга тегишли маълумотларни олишда қулайлик яратиши таъкидланди.

Дарвоқе, ушбу даргоҳда ўқиш психологияси ва социологияси бўлими ҳам фаолият кўрсатиб, у бевосита муайян адабиётни мутолаа қилиш жараёни ҳамда олинаётган маълумотларни ўзлаштириш самарадорлиги, ўқиш қонуниятларини ўргатиш билан шуғулланади. Яъни, уларнинг асосий мақсади нима ўқилишидан қатъи назар кишига тўғри ўқишни ва муҳими уқиб олишни ўргатишдир. Табиийки, мазкур билимлар устоз офицерларга ҳарбий хизматчиларга илм ўргатишда қўл келади. Ўз навбатида бу борада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга келишилди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.





ЭҲТИЁТКОРЛИК ҲАР ДОИМ ЗАРУР

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ёнғин хавфсизлиги бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, ҳарбийлар ва хизматчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга ёз мавсумида ҳам катта эътибор қаратилган.

Бу борада гарнизонлардаги ёнғиндан сақлаш ва қутқариш ишлари хизмати нозирлари ҳарбий жамоаларга яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув машғулотлари, текширув ва тафтишларда мавжуд камчиликлар бартараф этилмоқда. Энг муҳими, командирлар, ҳарбий хизматчилар ёнғин хавфсизлигини кучайтириш фақат соҳа ходимларининг эмас, балки ҳар бир посбоннинг вазифаси бўлиши кераклигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳарбий объектларнинг, шаҳарчаларнинг ёнғинга қарши ҳолати қисм ички текширув комиссиялари томонидан қаттиқ текширилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Бу эса халқимизнинг яратувчилик меҳнати, пешона тери эвазига келган миллий бойлигимиз, ҳарбий иншоот ва биноларимиз хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳарбий қисм ва муассасаларда, мактаб ва болалар боғчаларида, ўз хонадонимизда ёнғин чиқишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга амал қилишларингизни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз:

– электр тармоғига уланган дазмол, иситиш асбоблари ва бошқа ускуналарни ишлатишда қоидаларга қатъий риоя қилинг;

– электр улагичлар изоляцияси соз ҳолда бўлиши керак. Агар электр улагич симлари эскирган, розетка ва патронлар носоз ҳолатда бўлса, тезда электромонтерни чақириб, бу камчиликларни бартараф қилинг. Бу билан сиз ёнғинни олдини олган бўласиз;

– кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Улар тез ёнувчан ва портловчи моддалар ҳисобланади;

– телевизор, радио ва бошқа электр анжомларни назоратсиз қолдирманг;

– уйда ёш болаларни ёлғиз қолдирманг ва уларнинг гугурт билан ўйнашига йўл қўйманг;

– хоналарда ҳамда ўринда ётган ҳолда сигарет чекманг.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали барчамиз ёнғиннинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкимизни, ўзимиз ва атрофимиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими.



ҲУШЁРЛИК – ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ



Бу сафар қаҳрамоним олдига бориш осон кечмади. Узоқ, шу билан бирга, машаққатли тоғ йўлларини босиб ўтишимиз лозимлигини, офицер Турғинмирзо Абдамитов гапириб берди. Командир ҳақ гапни айтган экан. Чегара постигача охирги 15 чақирим йўлдан фақат юк машиналарида ўтиш мумкин эди.

Тоғнинг паст-баланд, ўйдим-чуқур йўлларидан секин юриб бораётган автомашинада кетаётиб, табиатнинг ажиб мўъжизаси, гўзалликларига қайта-қайта дуч келиб, ниҳоят, манзилга етиб келдик. Чегара пости ҳудуди мен тасаввур этганимдан анча зиёда, ҳар қандай кимсани ўзига мафтун этувчи ҳудудда жойлашган экан. Постда шахсий таркиб учун барча шароитлар яратилган экан.

Спорт майдончаси, дала ошхонаси, билъярдхона, хизмат ҳайвонлари учун ажратилган жойлар тартибли қилиб қўйилган. Айниқса, чодирларда жойлашган аскарлар ётоқхонаси, тиббий пункт жуда қулай ва ораста.

Албатта, мана шундай тоғлар орасидаги чегара постида яратилган бундай шароитлар ҳар қандай кишини қувонтириши табиий.

Ушбу чегара пости бошлиғи офицер Собиржон Исоқов билан чегарачилар хизмати ва ўзи ҳақидаги суҳбатимиз самимий тарзда кечди. Табиатан хушмуомала, ўз касбини тўлиқ ўзлаштириб олган командир ютуқлар ва муаммолар, хизмат кечинмалари тўғрисида фахр билан гапириб берди.

Ўтган йили офицер Собиржон Исоқов Қуролли Кучларда касблар бўйича ўтказилган танлов ғолиби бўлиши билан бирга, у бошчилик қилаётган чегара пости «Энг илғор пост» деган шарафли номни қўлга киритган.

– Киши танлаган касбини севса ва уни ардоқлаб хизмат қилса, ўз устида тинмай меҳнат қилса, албатта ютуқларга эришади.

Андижон вилоятининг Балиқчи туманида туғилиб, Учқудуқ шаҳрида вояга етган Собиржон ҳужжатларини ўша пайтдаги чегарачилар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртига топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, курсантликка қабул қилинди. Унга билим юртида олган билимлари, ҳақиқий хизматни бошлагач, жуда ҳам қўл келди.

Ўтган қисқа, лекин сермазмун олти йилнинг ҳар йили унинг ҳаётида турли янгилик, ютуқларга, энг муҳими, танлаган касбидан фахрланиш каби ижобий сифатларга бой бўлди.

Бу йиллар ичида у давлатимизнинг турли чегара постларида хизмат қилиб, чегарачи деган касбнинг асл мазмуни, моҳиятини чуқур англаб етди.

– Ҳозирда мен хизмат олиб бораётган пост мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди бўлиб, бу ерлар фақат тоғликдан иборат. Чегарачи бундай жойда хизмат қилиши учун, аввало, соғлом, жисмонан чиниққан бўлиши, қолаверса, ҳарбий анжомлар ва техникадан фойдаланиш усулларини мукаммал билиши лозим.

Офицер Собиржон Исоқов ютуқлар тўғрисида сўзлар экан, шахсий таркиб ва командир ўртасида қачонки, ўзаро ишонч пайдо бўлса, бу албатта, юқори натижаларга олиб келади. Командирнинг ҳар бир аскар юрагига йўл топа олиши муҳимдир. Ана шундагина ғолиблик ўз-ўзидан келаверади, дейди.

Собиржон хизматда эришган ютуқларидан ташқари, ўз бахтини шу ердан топди. У хизмат олиб бораркан, оқила, ҳарбий хизмат муаммоларини тушунадиган ва ўзи учун бир умр елкадош, ҳамроҳ бўла оладиган Гулнорахонни ҳам шу тоғу тошлар қўйнидаги сўлим қишлоқда учратди.

– Аёл киши учун чегарачи билан тақдирини боғлаш қанчалик мушкул ва қанчалик ёқимли? – савол назари билан қарайман Гулнорахонга.

– Оилада эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч бўлса, биз – аёллар ҳамма нарсага чидаймиз. Мен Собиржон акамни севиб турмуш қурганман. Шунинг учун ҳам ҳар қандай қийинчилик, вақтинчалик айриликлар бизга тўсиқ бўла олмайди. У кишига доим муносиб бўлишга, ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Кимки ҳаётда нимагадир қизиқиб, интилиб, орзу-ҳавас ила яшаса, меҳнат қилса, у албатта, кўзлаган мақсадига эришади.

Биз юқорида чегарачи деган номни севиб, ардоқлаб, унга кўнгил бериб хизмат бурчини ўтаётган бир инсон ҳаёти ва хизмати ҳақида айрим фикрларни айта олдик, холос. Ватан олдидаги вазифасини чуқур англаган ҳолда чегараларимиз дахлсизлигини қўриқлаётган офицер Собиржон Исоқовнинг келгусида орзуларини, ниятларини амалга ошувида омадлар тилаймиз.

Подполковник Холмурод ОЛЛОНАЗАРОВ.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Ҳарбий техника шарҳи

ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ЖАНГОВАР РАЗВЕДКА МАШИНАЛАРИ

Ушбу мақоламизда газетамизнинг аввалги сонларида (№28,29) берилган мавзуни давом эттириб, Буюк Британия ва Франция давлатлари қуролли кучларида фойдаланилаётган разведка машиналари (РМ) ҳақида маълумотлар бериб ўтамиз.

Буюк Британия. 475 машинадан иборат бўлган Англия РМлари таркибига ғилдиракли «Фокс» (200 та) ва гусеницали «Симитер» (275 та) русумли машиналар киради, бироқ улар амалий жиҳатдан ўз ресурсларини ишлаб берганлар (ўтган асрнинг 70-йилларидан буён фойдаланиб келинмоқда).

Ҳозирги вақтда ушбу машиналарни модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Симитер»ни модернизация қилишда унга «Камминз» фирмасининг дизель двигатели ҳамда башняга 30 мм.ли автоматик тўп ўрнатилиши кўзда тутилган эди. Ушбу ишлар амалга оширилганидан сўнг машина «Сейбр» деб номланди.

Бундан ташқари, Англиянинг «Элвис» фирмаси «Скараб» (4х4) русумли зирҳли автомобиль ишлаб чиқди ва у Буюк Британия ҳамда Бельгия армиялари қуруқликдаги қўшинларининг асосий РМси бўлиб қолиши тахмин қилинмоқда. Бундай машиналарга бўлган эҳтиёж Буюк Британияда 500 та атрофида, Бельгияда эса 170 тани ташкил этади. Машинани серияли равишда ишлаб чиқариш ҳақидаги қарор ҳали қабул қилинмаган. РМнинг зирҳли корпуси экипажни ўқ отиш қуроллари ўқи ва мина парчаларидан тўлиқ ҳимоя қилади. «Скараб»нинг узел ва агрегатлари (двигатель ва трансмиссия) Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмасида ишлаб чиқилган, юқори ўтувчанлик қобилиятига эга бўлган кўп мақсадли «Унимог–1600» (4х4) енгил автомобилида мавжуд бўлган узел ва агрегатларга ўхшаш. Янги РМнинг жанговар оғирлиги 10,4 тонна. Асосий қуроллари: 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт ва 20 мм.ли автоматик тўп ёки танкка қарши бошқарилувчи ракета. Разведка жиҳозлари – кундузги тепловизион камера ва лазер дальномер (масофа ўлчагич). Уни авиатранспортда олиб учиш мумкин (бунинг учун ҳарбий-транспорт авиациясининг С-130 «Геркулес» самолётидан фойдаланилади).

Буюк Британияда «Виккерс дефенс системз» (VDS) фирмаси мамлакат Мудофаа вазирлиги буюртмаси бўйича FRES (Future Rapid Effects System) дастури доирасида истиқболли жанговар машиналар оиласини яратиш борасида илмий текширув ва конструкторлик ишларини олиб бормоқда. Ушбу туркум таркибида Американинг RSV машинасига ўхшаш бўлган, разведка ускуналари комплекси билан таъминланган РМ ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Франция. Француз РМлари парки таркибига 1946 та жанговар машина, шу жумладан ғилдиракли AMX-10 RS (317 та) ва ERC-90 F4 (187 та), шунингдек зирҳли VBL M-11 (1442 та) автомобиллари киради.

AMX-10 RC (6х6) 1976 йилдан буён жанговар қуроллар таркибида. Машина корпуси ва башняси алюминий қотишмасидан пайвандланган ва экипаж ҳимоясини яхши таъминлайди. Экипаж 4 кишидан иборат. Унинг асосий қуроли 105 мм.ли G-2 тўпи бўлиб, ундан ўт очиш НАТОнинг стандарт ўқ-дорилари ёрдамида амалга оширилади. Тунда ўт очишни олиб бориш учун паст даражали DIVT-13-LLLT телевизион аппаратураси ўрнатилган. Двигатель ва трансмиссия корпусининг қуйруқ қисмида жойлашган. Гидропневматик илгич ҳайдовчи томонидан йўл шароитларига мос равишда бошқарилиши мумкин.

2000 йил ўрталарида зирҳ ҳимояси, ҳаракатчанлик ва ўт очиш қудратини янада ошириш мақсадида ушбу РМни модернизация қилиш бошланди. Корпус ва башня қўшимча зирҳ билан қопланди, 105 мм.ли G-2 тўпи такомиллаштирилган F2 тўпи билан алмаштирилди, учиб келаётган танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни йўналтириш тизимларини нейтрализация қилиш учун ИК-тизими, «Талес» фирмасининг тепловизион камераси ўрнатилди.

Машина «ўзиники-ўзга»ни аниқлаш тизими (IFF), «Талес» фирмасининг PR4G русумли янги алоқа воситалари, шунингдек GPS навигация тизими билан таъминланди.

ERC-90 «Сагайа» (6х6) русумли РМ Франция армияси қуруқликдаги қўшинларининг қуроллари таркибига 1979 йилда қабул қилинган. У шунингдек Жанубий Африка ва Африка мамлакатлари армияларига ҳам етказиб берилган. Машина экипажи 3 кишидан иборат. Жанговар оғирлиги 9,1 т. Серияли равишда икки турдаги – сузувчи ва сузмайдиган машиналар ишлаб чиқарилади. Сузиш вақтида ҳаракатланиш ғилдираклар айланиши (тезлиги 4,5 км/соат) ва сув оттич (водомёт)лар (7,2 км/соат) ёрдамида амалга оширилади.

Модернизациялаштирилган ERC-90 F4 (6х6) машинаси «Мерседес-Бенц» фирмасининг қуввати 170 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ва «Ренк» русумли автоматик трансмиссиядан таркиб топган янги кучланиш блоки билан фарқланади. Машинанинг юриш захираси 700-900 км.гача ошган.

РМнинг қуроллари (90 мм.ли тўп ва унга жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли пулемёт) «Жиат» фирмасининг TS-90 русумли икки ўринли башнясига ўрнатилган.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

Табиий муолажалар

СЕҲРЛИ АЛОЭ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Алоэнинг асл ватани – Жанубий Африка. Бу ўсимлик совуққа чидамсиз. Лекин худди шу совуқ таъсирида тери учун керакли бўлган фойдали моддаларни ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам алоэдан тайёрланган шифобахш шарбатларни салқин жойда сақлаш тавсия этилади. Совуқда алоэнинг фойдали хусусиятлари янада ошади.

Афсоналарга кўра, гўзал Клеопатра пардоз воситаси сифатида алоэ шарбатидан унумли фойдаланган. Африкаликлар эса қадимда ёвуз руҳларни қўрқитиш мақсадида алоэ шохчасини чайлалари эшигига осиб қўйишган. Ҳозирги кунга келиб, грек тадбиркорлари ёмон кўзлардан асрасин, деб уни офисларининг кўринадиган жойига осиб қўйишади. Бу ўсимликнинг дориворлиги ҳақида кўп ўқиганмиз. Уй шароитида алоэдан юз ва соч учун фойдали ниқоблар тайёрлаш усулларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Улардан ўзингизга кераклисини танлаб, тайёрлаб олишингиз мумкин.

СОЧГА НИҚОБ

Соч толасини мустаҳкамлаш ва қазғоқдан қутулиш учун ҳар куни бошингизга алоэ шарбатини суртинг. Бир ҳафтада бир марта бир ош қошиқдан алоэ шарбати, асал, бир чой қошиқ ўсимлик мойи қўшиб, ниқоб тайёрланг. Ушбу озиқлантирувчи ниқобни бошингизга суртгач, ярим соатдан кейин ювиб ташлайсиз.

ҲУСНБУЗАРГА ҚАРШИ

Ҳуснбузар тошадиган юзни алоэли лосьон билан артиб туриш яхши фойда беради. Бунинг учун: алоэнинг битта каттароқ баргининг шарбати олинади. Унга тенг миқдорда ароқ ва сув аралаштириб, лосьон тайёрланади, ҳар куни юз териси артилади. Бу лосьонни музлаткичда сақлашни унутманг.

ҚЎЛГА

Сотувда таркибида алоэ бўлган кремлар кўп. Худди шундай қўл кремини уйқудан олдин қўлга суртиб, ипли қўлқоп кийиб ётиш керак. Бу муолажа қуруқлашган қўл териси учун жуда фойдали. Алоэ баргини кўндалангига кесиб, қўлга суртиш ҳам яхши самара беради.

ҚУЁШ УРГАНДА

Ёзда офтоб уриш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бундай вазиятда биринчи ёрдам воситасини алоэ ўташи мумкин. Терининг қуёшдан куйган жойига иккига бўлинган алоэ баргини ёпиштиринг ёки шарбатини суртинг. Бир зумда оғриқдан халос бўласиз.

ЮЗГА

Ажинга қарши ниқоб: бир ош қошиқ алоэ шарбати ва икки ош қошиқ илитилган асал.

Бу қизиқ!

ЮРАГИ ТЎХТАГАН ОДАМ

Австралиялик Билл Морганга бир лўли аёл олдин бир марта ўлиб, сўнг бадавлат бўлиб кетишини айтган эди. Қарангки, ўн йил ўтиб бу башорат рўёбга чиқди...

Соппа-соғ юрган Билл автоҳалокатга учради. Фожиа жойига етиб келган шифокорлар юрак фаолияти тўхтаб қолганини ва мижоз клиник ўлим ҳолатига тушганини қайд этдилар. Замонавий ускуналар ёрдамида ва тинимсиз уринишлар эвазигагина уни ҳаётга қайтаришди.

Бир ойдан сўнг мижозга шифохонадан жавоб берилди. Билл тўппа-тўғри матбуот дўконига борди. Қайтимига лотерея чиптаси таклиф қилишди. Хушламайгина олган чипта унга омад келтирди ва Билл 150 минг Австралия доллари соҳиби бўлди. Ютган пулига ферма харид қилди. Энди фермаси унга ҳар йили катта даромад келтиряпти.

2006.06.6

666 ни иблис рақами дейишади. Лекин ҳамма ҳам бу рақамдан қўрқмас экан...

Голландиядаги никоҳдан ўтказиш бўлимларига ўз никоҳларини 6 июнь санасида расмийлаштиришларини сўраб, ариза билан мурожаат этадиганлар жудаям кўп. Чунки кўпчилик 2006 йилнинг 6-ойи, 6-санасида никоҳдан ўтганлар бахтли бўлади, деб ишонишаркан.

Масалан, Эншеде номли кичик шаҳарчада шу кунга 17 та ариза тушган. Бошқа кунлари эса, одатда, кунига бир-иккита никоҳ рўйхатга олинади.

Учта олтининг ашаддий ишқибозларини амстердамлик жуфтлик ортда қолдирди: улар шунчаки 2006 йилнинг 6 июнида эмас, ҳатто, тонгги соат олтида бир-бирига узук тақиш истагини билдиришганди.

ОЧКИ ПРОТИВ ГОЛОВНОЙ БОЛИ

Темные очки могут быть не только элементом собственного стиля и защитой от солнца.

Инженер Рик Косби уверяет, что разработанные им солнцезащитные очки «Trigger Optics» не только красивы, но также служат для избавления от головной боли. Он обнаружил в световой волне гармоники, которые благотворно влияют на самочувствие и избавляют как от мигрени, так и от периодических головных болей.

Очки могут как предотвращать боли, так и облегчать их. Причем создатели обещают вернуть потраченные покупателем деньги, если очки не помогут!

СВЕТЯЩИЙСЯ БРАСЛЕТ

Кому-то понравится футболка с эквалайзером, и он твердо решит, что просто обязан купить себе такую, ну а кому-то наверняка придется по душе разработка японского дизайнера Такими Йошида под назвнаием «Bassglow».

Это – светящийся браслет, изменяющий свой цвет в зависимости от уровня шума. Такой аксессуар наверняка понравится любителям шумных концертов и ночных клубов. Браслет реагирует на басы и ритм музыки постоянной сменой цветов. Чувствительность браслета регулируется при помощи специальной ручки. Работает устройство от батарейки, которая обеспечивает до 10 часов непрерывного свечения.

НАРУЧНЫЕ ЧАСЫ-ТРАНСФОРМЕРЫ

Когда смотришь на некоторые прототипы устройств, очень хочется, чтобы их заметила какая-нибудь богатая компания и вложила деньги в разработку.

Это относится и к концепции устройства «Triple Watch Cell Phone». Это наручные часы, которые с легкостью могут быть трансформированы в сотовый телефон-раскладушку. Идея просто гениальная, особенно если учесть, что в летнее время года телефон не очень удобно носить с собой.

По замыслу автора, часы можно использовать для ответа на телефонные звонки, даже когда они находятся на руке. Для этого предназначена кнопка громкой связи, нажав на которую, можно ответить на звонок или положить трубку. Дизайнер предполагает, что она будет особенно удобна для водителей, которые смогут разговаривать по телефону, не отрывая руки от руля. Кроме этого предполагается, что «Triple Watch Cell Phone» будет поддерживать «Bluetooth», благодаря чему можно будет разговаривать, используя головной телефон.

МИНИ-МЫШКА

Японской компанией «Green House» была выпущена оригинальная модель мышки...

Эту модель отличало то, что мышка была предназначена для работы одним пальцем. Несмотря на то, что тогда устройство признали неудачным и неэргономичным, эту идею взяла на вооружение всем известная компания «LG International».

Выпущенная ею мышка – размером не больше зажигалки. С ней, как и с японской предшественницей, можно работать, используя только один палец. Вместо двух привычных кнопок тут всего одна. Если щелкнуть по ней в верхней части, она работает как левая кнопка на обычном манипуляторе, а если в нижней – как правая. А колесико на миниатюрной мышке расположено сбоку.

Во, ажаб

МИЖОЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Қадим замонлардан бери одамлар саломатликни сақлаш ва касалликларни даволашда мижозга катта аҳамият бериб келишган. Мижозни билиш киши танаси учун жуда муҳим. Қадимги табиблар мижозни тузатиш билан касалликларни йўқотишган. Мижозни билмасдан касалликларни даволашга киришмаганлар.

МИЖОЗ НИМА?

Маълумки, ҳар бир мураккаб жисм оддий жисмларнинг ўзаро бирикишидан тузилган. Оддий жисмларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти мавжуд бўлиб, улар бир-бирлари билан бирикканида янги бир хусусият пайдо қилади. Масалан, тупроқ билан сув аралаштириб, оловда қиздирилганда бутунлай бошқа бир хусусиятга эга бўлган жисм пайдо бўлади. Худди шундай ҳар хил унсурларнинг (олов, сув, тупроқ) ўз қувватлари билан бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият – хусусият вужудга келади.

Унсурлардаги қарама-қарши хусусиятларнинг бирбирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мижоз дейилади.

МИЖОЗНИ АНИҚЛАШ

Киши мижози тўрт хилдан қайси бирининг хусусияти бошқаларига нисбатан устунлигига қараб аниқланади:

1. Ушлаб кўриб аниқлаш. Бунда минтақа об-ҳавосига мос соғлом одам танасига текширилаётган одам танаси мос келиш-келмаслиги қиёс қилинади. Агар улар бир хил бўлсалар бу мижознинг мўътадил эканидан далолат беради. Агар текширилаётган кишининг бадани совуқлиги ёки иссиқлиги, ҳўлроқлиги ёки қуруқроқлиги ҳис қилинса, шунга қараб хулоса чиқарилади.

2. Шунингдек, танада ёғнинг камлиги иссиқликдан, бунинг акси совуқликдан, гўштнинг камлиги қуруқликдан, кўпи ҳўлликдан далолат. Бундан келиб чиқадики:

– иссиқлик ва қуруқликнинг белгиси танада гўшт ва ёғнинг камлиги;

– қуруқ ва совуқликнинг белгиси мускулнинг камлиги ва мойнинг кўплиги;

– иссиқлик ва ҳўлликнинг белгиси танада гўштнинг кўплиги ва ёғнинг камлиги;

– ҳўл ва совуқликнинг белгиси танада гўшт ҳамда ёғнинг кўплигидан.

3. Сочлардан аниқлаш. Мижоз сочларнинг ранги, ўсиш тезлиги, қалин-сийраклиги, йўғон ёки ингичкалиги, жингалак ёки силлиқлигига қараб аниқланади. Энг аҳамиятлиси сочнинг ранги ҳисобланади.


Қора соч мижознинг иссиқлигидан, сариқлиги совуқлигидан, очранг ҳамда қизиллиги мўътадиллигидан, оқлиги эса қуруқлиги ва совуқлигидан далолат беради.

Қалин соч мижознинг иссиқлигини, сийрак соч совуқлигини, тез ўсиши қуруқлигини, секин ўсиши ҳўллигини, жингалак бўлиши иссиқлиги ва ҳўллигини билдиради.

Минтақа ва одамнинг ёши сочларни ўзгартиришини ҳисобга олиб, мижозни аниқлашда бу жиҳатга ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

4. Буғдой ранг ва қизил бадан мижознинг иссиқлигидан, сариқлиги ва малларанглиги ўта иссиқлигидан, ганч ранг ва оққа мойиллиги мижознинг совуқлигидан, хиралиги ўта совуқликдан, оқ ранглиги ҳўлликдан, қорамтирлиги мижознинг қуруқлигидан далолатдир. Бақлажон рангидаги тери совуқ-қуруқ, қўрғошин рангли тери совуқ-ҳўл мижозликнинг белгиларидир.

СКАНВОРД



ВЫ И ВАШИ ДЕТИ

ТЕСТ

Взаимоотношения родителей и детей – извечная, передающаяся из поколения в поколение проблема. Почему в одних семьях царят мир и взаимопонимание, а в других – дети и родители не перестают конфликтовать? Кем вас считает ваш ребенок? Попробуйте выяснить это при помощи теста.

1. Ребенок получил двойку – ваши действия?
– Заставлю сидеть дома и зубрить – **2**;
– помогу ребенку разобраться с новой темой и выучить урок – **3**;
– получил двойку, получит и тройку, ничего страшного – **1**;
– пойду в школу и устрою учителям выволочку – **4**.

2. Если ребенок возьмет без спроса деньги, каковы будут ваши действия?
– Задам хорошую трепку! – **2**;
– проведу беседу, постараюсь все объяснить – **3**;
– пускай берет, для него и работаю – **4**;
– мои деньги где попало не валяются – **1**.

3. Сколько времени в день вы общаетесь с ребенком?
– Необходимый минимум – **2**;
– денно и нощно – **4**;
– все свободное время – **3**;
– у меня нет лишнего времени для общения – **1**.

4. Вы читали своему ребенку в детстве перед сном книги?
– Систематически – **3**;
– изредка – **1**; – никогда – **0**;
– ни к чему ребенку перед сном забивать голову всякой ерундой – **2**.

5. Как ваша семья проводит летний отдых?
– Папа – на запад, мама – на юг, дети – в лагерь – **1**;
– стараемся всегда быть вместе: и дома, и в походах, и на море – **3**;
– отправляем детей гостить к родственникам или в лагерь – **2**;
– куда ребенок пожелает, туда и поедет – **4**.

6. Как часто вы даете детям советы?
– Ежеминутно – **2**;
– упаси господь советовать – **4**;
– по необходимости – **3**;
– советую всем никому никогда не советовать – **1**.

7. После ссоры с ребенком кто первый идет на примирение?
– Тот, кто первым осознает свою неправоту – **3**;
– никто и никогда – **1**;
– конечно, должен ребенок – **2**;
– всегда я, жалко ребенка – **4**.

8. Доверяет ли вам ребенок свои секреты?
– В минуту откровений – да – **3**;
– все секреты узнаю от соседей и знакомых – **4**;
– его секреты мне ни к чему – **1**;
– никуда не денется – **2**.

9. Стараетесь ли вы исполнить все желания своего ребенка?
– Безусловно, все до единого – **4**;
– да, если позволяют средства и время – **3**;
– желание – да, капризы – нет – **2**;
– дети должны выполнять желания родителей – **1**.

10. Способны ли вы передать своего ребенка на длительный срок (более месяца) на воспитание казенному учреждению или родственникам?
– Только если вынуждают обстоятельства – **3**;
– именно так я и поступаю – **2**;
– ни в коем случае – **4**;
– пусть живет, где хочет – **1**.

Отметьте ваши ответы и подсчитайте сумму полученных баллов.

От 10 до 15 баллов:

РАВНОДУШНЫЙ. Вы считаете детей побочным продуктом своей жизни, свалившимся невесть откуда. Лозунг: «Хочу пожить для себя!» – является отправной точкой в построении ваших взаимоотношений с ребенком. Вы живете своей жизнью, в которой ребенку не находится место. Прохладное отношение к ребенку с вашей стороны не порождает у него ответного чувства привязанности. С каждым годом вы все дальше отдаляетесь друг от друга. Обыденные встречи не несут теплоты и радости от общения. Материальная сторона – единственное, что вас еще связывает. После обособления этой части жизни произойдет окончательный разрыв хрупкой связующей нити, и, надо полагать, ваши встречи станут нежеланными обоюдно.

От 16 до 25 баллов:

ДЕСПОТ. Вы пребываете в полной уверенности, что вы – глава семьи. И поэтому ребенок должен непременно слушать вас и беспрекословно выполнять все ваши требования. Ваши суждения – истина в последней инстанции. Мнение ребенка, его интересы и проблемы вас интересуют мало. У вас имеется четкий план действий в отношении воспитания и обучения ребенка. Сопротивление ребенка вашему неистовому напору только подливает масло в огонь. Не в силах противостоять, ребенок пытается отойти в сторону от постоянного конфликта, замыкаясь в себе и молча выслушивая морализирования неистового родителя. Не исключено, что в будущем, вырвавшись из-под вашего неусыпного надзора, «послушник» будет делать все наоборот тому, чему вы его неустанно учили долгие годы. Просто так! Назло...

От 26 до 34 баллов:

ДРУГ. У вас доверительные отношения с ребенком. Вы в курсе всех его маленьких несчастий и радостей. Ребенок считает вас самым близким другом и старается не огорчать ни словом, ни действием. Но если такое случается, то вы быстро находите пути примирения, и конфликт не превращается в затяжную войну. Вы уверены в действиях своего ребенка и способны предугадать его поведение в той или иной ситуации. Ребенок видит в вас надежную опору и защиту. Вы говорите друг с другом на равных, не переходя на примитивное панибратство. Вы требовательны и в меру строги к своему ребенку. Ваши отношения построены на обоюдном уважении.

От 35 до 40 баллов:

ПРИСЛУГА. Ваш ребенок откровенно помыкает вами. По собственному желанию вы поступили к нему в услужение, потакая с малых лет всем его капризам. Подрастая, он все чаще перестает считаться с вашим мнением. Вы в отчаянии думаете: «Что случилось с моим ласковым малышом?» Вам и невдомек, что он просто встал на философскую позицию Птолемея и откровенно полагает, что вся вселенная крутится вокруг него. Впереди еще тот миг, когда придет Коперник и объяснит устройство мироздания, переворачивая сознание вашего воспитанника с головы на ноги. Только поможет ли это? Как знать...

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

7 АВГУСТ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

Профилактика муносабати билан душанба, 7 август куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Гайратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Қалқон».
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Умр дафтари».
О. Шарофиддинов. 1-қисм.
18.40 «Назм ва наво».
19.15 ТВ-анонс.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». Э. Лутфуллаев.
22.00 «Тақдир туҳфаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Шум болалар.
16.30 Болажон.
16.40 SMS-танлов.
16.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.05 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилларида).
17.25 «Моя мечта». Дунё таомлари.
17.55 Анонслар.
18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 6-қисм.
18.40 SMS-танлов.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Ватан ҳақида ўйлар.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 SMS-танлов.
19.45 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Оқшом қўнғироқлари.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Фараҳли ноябрь». Бадиий фильм.
22.00 Давр.
22.35 Кўнгил таронаси.
22.45 «Фараҳли ноябрь». Бадиий фильм (давоми).
23.35 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Мультфильм «Покахонтас».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.50 «Ҳимоя».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.15 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
19.55 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.15 «Анонс».
20.20 «Индаба». Телесериал.
20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.45 «Анонс».
21.50 «Кино мўъжизалари». Илмий-оммабоп фильм.
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Доктор Жекл ва Мистер Хайд». Бадиий фильм.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
9.30 «Детективы».
10.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».
10.55 «Мониторинг».
11.15 «Талисман». Сериал.
12.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
12.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Андижон» — «Машъал».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортимиз маликалари».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Жизнь прекрасна». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
23.45 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

8 АВГУСТ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Ёз — ўтмоқда соз»:
9.10 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.10 «Диёр оҳанглари». Республика телевизион фестивали. Сирдарё вилояти.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.15 «Қалқон».
12.30 «Қорақалпоқнома».
12.50 «Тақдир туҳфаси». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Заковат».
16.20 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Зомин илҳомлари».
17.40 ТВ анонс.
17.45 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Агар Сиз...»
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Умр дафтари».
О. Шарофиддинов. 2-қисм.
18.40 «Пойдевор».
Видеофильм. 1-қисм.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Тақдир туҳфаси». Телесериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Шоҳсупа.
16.40 Ракурс.
16.55 Ватан ҳақида ўйлар.
17.00 Радиодан кўрсатамиз...
17.20 SMS-танлов.
17.25 «Journal» (инглиз тилида).
17.40 Футбол-2006.
17.55 Болалар табассуми.
18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 7-қисм.
18.40 Давр мавзуси.
18.55 Ватан ҳақида ўйлар.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Оқшом қўнғироқлари.
19.45 SMS-танлов.
19.50 ТВ-дорихона.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 Автопатруль.
20.30 SMS-танлов.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Танишинг, Жо Блэк». Бадиий фильм.
22.00 Давр.
22.35 Кўнгил таронаси.
22.45 «Танишинг, Жо Блэк». Бадиий фильм (давоми).
00.40 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 Мультфильм «Покахонтас».
18.30 «Пойтахт» (рус.).
18.45 «Анонс».
18.50 «Репортаж».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.15 «23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
19.40 Мусиқа SMS.
19.55 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Индаба». Телесериал.
20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.50 «Бахтли бўлинг» (рус.).
22.15 «Инсон ва қонун».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультсериал.
8.45 «Болалар спорти».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
9.40 «Детективы».
10.15 Жаҳон спорти. Теннис.
11.10 «Талисман». Сериал.
12.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
12.40 «Жизнь прекрасна». Сериал.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Пятое измерение».
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.25 «Жизнь прекрасна». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Майдон ортидаги одам».
22.05 Гребля на байдарках и каноэ. Чемпионат мира.
22.35 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
23.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Ёз — ўтмоқда соз»:
9.10 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.00 ТВ анонс.
10.05 «Агар Сиз».
10.25 Ғ.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50 «Тақдир туҳфаси».
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик» дастури.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Эркин иқтисодиёт».
17.45 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.05 «Бизнинг кутубхона».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Умр дафтари».
О. Шарофиддинов. 3-қисм.
18.40 «Пойдевор».
Видеофильм. 2-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Тақдир туҳфаси». Телесериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.35 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Аппанман». Мультсериал.
8.35 «Фан» туркуми.
8.45 Эврика.
9.00 «Елғон асираси». Сериал.
9.45 Футбол-2006.
10.00 Давр.
10.20 «Аловуддин-2». Мультфильм.
11.20 «Янги авлод» шоуси.
11.45 Давр мавзуси.
12.00 «Ҳаҳҳаҳа» театр студияси намойиш этади.
12.35 Автопатруль.
12.55 Ватан ҳақида ўйлар.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Фан» туркуми.
14.25 Якшанба нонуштаси.
14.55 Ёнимдаги бахт.
15.00 «Экспедиция». Сериал.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 «Ватанпарвар» дастури.
17.20 SMS-танлов.
17.25 Замондош.
17.40 Ёшлар куйлаганда.
17.55 Анонслар.
18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 8-қисм.
18.40 Каталог.
18.50 SMS-танлов.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 «Бу шундай бўлган эди...»
20.00 Спортлото.
20.10 «Оила тилсими». 1-қисм.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ноттинг-Хилл». Бадиий фильм.
22.00 Давр.
22.35 Кўнгил таронаси.
22.45 «Ноттинг-Хилл». Бадиий фильм (давоми).
23.40 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.50 «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Ҳамшаҳарлар».
22.10 «Аския».
22.15 «Сержило экран».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 1-қисм.
Мультфильм.
«Пойтахт» (рус.).
«Интервью».
«Телекурьер-маркет».
«23,5 даражали бурчак остида». Ҳужжатли телесериал.
«ТВ-юрист».
«Пойтахт».
«Индаба». Телесериал.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультсериал.
8.45 «Болалар спорти».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Ўзбек спортининг 15 фасли».
9.40 «Детективы».
10.15 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
10.35 «От Эвереста до райских садов». Документальный фильм.
11.15 «Талисман». Сериал.
12.00 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
12.40 «Жизнь прекрасна». Сериал.
13.15 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.15 «Сам себе режиссёр».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Жизнь прекрасна». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Формула-1».
22.50 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
23.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Ёз — ўтмоқда соз»:
9.05 1. «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
2. «Ён қўшни — жон қўшнилар». Видеофильм.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бағот». «O'zbektelefilm».
12.25 «Дўст бўлайлик».
12.50 «Тақдир туҳфаси». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Бир ўлка-ки...»
15.40 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «Ромео ва Жульетта».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Умр мазмуни».
18.40 «Пойдевор».
Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Ватан туйғуси».
22.00 «Тақдир туҳфаси». Телесериал.
23.15 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.45 «Оила сирлари». Бадиий фильм.
1.05 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Аппанман». Мультсериал.
8.35 «Фан» туркуми.
8.45 Полапон.
9.00 «Елғон асираси». Сериал.
9.45 Китоб жавони.
10.00 Давр.
10.20 «Сув париси». Мультфильм.
11.50 CINEMANIYA.
12.10 Юртим юраги.
12.20 Усмирлар симфоник оркестри.
12.30 ТВ-дорихона.
12.40 Замондош.
12.55 Ватан ҳақида ўйлар.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 «Фан» туркуми.
14.25 Оила тилсими. 1-қисм.
14.50 Ватан ҳақида ўйлар.
15.00 «Экспедиция». Сериал.
16.00 Давр.
16.15 SMS-танлов.
16.20 Шарқ оҳанглари.
17.30 SMS-танлов.
17.35 Чемпион сирлари.
18.00 «Ўнинчи қироллик». Бадиий фильм. 9-қисм.
18.40 Болалар табассуми.
18.45 Сифат белгиси.
18.55 Ватан ҳақида ўйлар.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 SMS-танлов.
19.45 Оқшом қўнғироқлари.
19.50 Матонат.
20.05 «Оила тилсими». 2-қисм.
20.30 SMS-танлов.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Терминал». Бадиий фильм.
22.00 Давр.
22.35 Кўнгил таронаси.
22.45 «Терминал». Бадиий фильм (давоми).
23.50 Орзулар бекати.

ТОШКЕНТ

20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.20 «Индаба». Телесериал.
20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жозиба».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» (рус.).
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига: «Матърифат фидойилари».
22.05 «Тунчироқ».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.50 «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 2-қисм.
«Ўзбекистон» — «Нефтчи».
«Ватанпарвар» дастури.
Мультсериал.
«Болалар спорти».
«Хабарлар» (ўзб. тилида).
«Ёлғон асираси». Сериал.
«Ишқ эртаги». Телесериал.
«Ахборот».
«Ассалом, Ўзбекистон!»
Кундузги дастур

БОБУРШОҲ САБОҚЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Асардаги муҳораба майдонларидаги ҳаёт-мамот жанглари, буларнинг орасида шоҳ, султон Бобурнинг шахсий жасорати ва мардлиги саҳнаси алоҳида диққатни тортади. Ушбу саҳифаларни варақлашдан олдин Шайбонийхон қўлидан Самарқандни тортиб олган ва отаси пойтахт этган бу улуғвор шаҳарга яна салтанат байроғини тиклаган 19 ёшли Бобурнинг ўша даврнинг сиёсий, ижтимоий, ҳарбий-стратегик каби нозик томонларни ўзининг давлатчилик қарашлари билан баён этганлиги кишини ҳайратга солади.

Биз қуйида келтирадиган нисбатан каттароқ бу парчада Бобурнинг ёшлигига қарамасдан ўша давр тарихий воқеаларига ўта зийраклик билан ёндошганини, ўзининг ҳарбий юришларини ўша даврнинг йирик султонлари Ҳусайн Бойқаро ва Шайбонийхон салтанати ва ҳарбий салоҳиятлари билан қиёсан таҳлил этганлигини кўрамиз.

Нисбатан фахриянамо бу парчадан бошидан ўтаётган ҳар бир тарихий воқеаларни шунчаки турмушнинг навбатдаги кўргилиги эмас, балки ўтмишдан сабоқ ва келажак дарси сифатида қабул қилган Бобурнинг теран таҳлилий қарашлари, саркардалик дарси сифатида қабул қилиш мумкин. Бобур юқорида номлари зикр этилган икки забардаст, ёшлари анча улуғ саркардаларга нисбатан юксакроқ шижоат кўрсатганлигини, ўзининг ҳарбий маҳорати, мардлиги ва шижоати Ҳусайн Бойқаро ва Шайбонийхон шиддатидан паст эмаслиги, аксинча устунлигини билдирар экан, ўз ютуқларидан ифтихор ва ғурурланиш ҳиссини пайқаш қийин эмас.

Бобур ўзининг Самарқанд шаҳрини Шайбонийхондан тортиб олиш ҳолатини Ҳусайн Бойқаронинг 1469 йили ўша пайтда Хуросон султони бўлган Ёдгор Муҳаммад мирзо қўлидан салтанатни эгаллагани билан қиёсан тасвирлар экан, ўзига нисбатан Ҳусайн Бойқарога беш ҳисса шароит осон эканлиги, унинг ғаними Ёдгор мирзо ҳарбий салоҳияти паст, Ҳирот қўрғонининг муҳофазасига бепарволиги ва бошқа салбий жиҳатларини кўрсатар экан, шу тасвирлар замирида кўз ўнгимизда тарихчи Бобур, ўз даврининг ҳарбий, давлатчилигининг юксак тадқиқотчиси сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. «Бобурнома»даги бу воқеалар тасвирланган сатрларнинг биридан иккинчисига кўзимиз кўчар экан, муаллифнинг ҳар бир воқеани рақамлаб «аввал буким», «иккинчи буким»... «бешинчи буким» тарзида таҳлил этиб, ўзининг юксак шахсий жасорати, ҳарбий маҳорати ва зукколигини гўё рақамлаб китобхонга тақдим этаётгандай, бу тилсиз рақамлар кўз ўнгимизда ёш сарлашкар, султон Бобурни бор бўй-басти билан гавдалантиргандай бўлади.

Мана ўша парча: «Султон Ҳусайн мирзо ҳам Ҳирини ушбу йўсунлуқ ғофиллиқта олибтур. Вале иш билур киши олида равшан ва инсофлиқ эл қошида мубайяндурким, бу иш била ул иш орасида тафовутлардур ва ул олиш била, бу олиш орасида кўп фарқ бордур. Аввал буким, Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечурган улуғ ёшлиқ подшоҳ эди. Иккинчи буким, ғаними Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо эди, ўн етти-ўн саккиз ёшлиқ бетажриба ўғлон йигит эди. Учунчи буким, ғанимнинг ичидин кайфиёт ва ҳолотни билган киши Мир Али мирохўр мирзоға кишилар йибориб, ғофиллиқта ғаним устига келтурди. Тўртинчи буким, ғаними қўрғонда эмас эди, Боғи Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо олғон маҳалда Ёдгор Муҳаммад мирзо ва тавобии андоқ ичкуликка тушган экандурларким, ул кеча Ёдгор Муҳаммад мирзонинг эшигида уч киши экандур, алар ҳам маст, ўзи ҳам маст. Бешинчи буким, ул мартаба ғофиллиқтаўқ келди ва олди».

Заҳириддин Бобурнинг Шайбонийхон устидан ғолиб келиб, Самарқандни эгаллаганлиги ва ўзи ҳамда Шайбонийхонга берган баҳосида тарихчи ва саркарда Бобурнинг мураккаб қиёсий таҳлили ва фақат ҳақиқий воқеалар асосида фикрини баён этган холис саркарданинг хулосаларини мутолаа қиламиз. Бу парчада Бобур бирданига бир неча сарлашкарларнинг ҳарбий қобилиятига баҳо беради. «Бобурнома» ўқувчисининг кўз ўнгида энг аввало Бобурнинг шахсий жасорати ўтади. У хоҳ Ҳусайн Бойқаро, хоҳ Шайбонийхон ва Ёдгор Муҳаммад ҳақида гапирмасин, энг аввало ўзининг салтанат бошлиғи сифатидаги қобилияти, лашкарбошилиги ва ҳарбий тактикага бўлган муносабати очила боради. Қиёсий таҳлил Бобурнинг тарих, давр, темурийлар салтанатига бўлган муносабатини, юрт олиб юрт беришлик у даврда оддий ҳол бўлса-да, ҳар бир муҳорабанинг ўзига хос томонлари, моҳияти, мақсади, зафар ва мағлубиятини бизга ёритиб боради. Бу сатрлар темурийлар салтанати ичида тахт талашиш шиддат билан давом этганини, темурийлар салтанатининг ашаддий душмани Шайбонийхоннинг тахтни эгаллашга бўлган интиқ интилишлари, шу қатори Бобурнинг ғолиблик нашидаси ва соф инсоний ғурури тасвирида ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ҳолатини кўз ўнгимизда гавдалантиради: «Мен Самарқанд олғонда, ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди. Иккинчи буким, менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди. Учинчи буким, бизга Самарқандтин ҳеч киши келмайдур эди. Агарчи шаҳр эли манга кўнгуллук эди, вале Шайбоқхоннинг қўрқунчидин ҳеч киши бу хаёлни қила олмас эди. Тўртунчи буким, менинг ғанимим қўрғонда эди, ҳам қўрғони олилди, ҳам ғанимни қочурулди. Бешинчи буким, бир мартаба Самарқанд қасдиға келиб, ғанимға туйдуруб, иккинчи мартаба келганда Тенгри рост келтурди, Самарқанд фатҳ бўлди».

Юқоридаги матннинг яна бир жиҳатига эътиборни қаратишни истар эдик. Бобурнинг келтирган далилларида фақатгина гап унинг Шайбонийхон устидан эришган ғалабаси ҳақида бормаётир, бунда юксак ғалаба аломатлари, далиллар сероб. Масалан, агар Ҳусайн Бойқаро Ёдгор Муҳаммадни қўрғондан ташқарида, маст ҳолатда олиб салтанатга эришган бўлса Бобур ҳушёр, тажрибали, ёши улуғ Шайбонийхондан қалъани ҳам эгаллаб олган, ғанимини қалъадан қочиб кетишига эришган ва бошқалар. Айнан ана шу уч-тўрт қаватли қиёсий таҳлилда биз Бобурнинг юксак ҳарбий маҳоратини, Оллоҳ унга ёшлигидан юксак ҳарбий маҳорат ва шижоатни ато этганлигини кўрамиз.

Юқоридаги парчаларнинг яна бир нозик, Бобур шахсиятини юксакликка кўтарувчи жиҳати мавжуд. Ушбу қиёслашларни ўқувчисига тақдим этган Бобур бир жиҳатдан хижолат тортади, гўё ўзини-ўзи мақтаяпти, деган фикрни бартараф этиш учун бу қарашларининг чин эканлигини, бу воқеаларни «Бобурнома»га киритиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Бу деганлардин ғараз элга санг кам урмоқ эмас, баёни воқеи бу эрдиким, мазкур бўлди. Бу битилганлардин мақсад ўзини орттурмоқ эмас, рости бу эрдиким, мастур бўлди».

«Бобурнома»да унинг муаллифининг шахсий шижоати, муҳораба майдонида кўрсатган мардлик ва жасорат ҳақида жуда кўп мисолларга дуч келамиз. Бемалол айтиш мумкинки, Бобурнинг ҳарбий маҳорати ва унинг ўзининг шахсий жасорати алоҳида тадқиқот мавзуи, йирик монографияга бемалол материал берувчи хазина. Биз Бобурнинг ана шу мардлигини ўзида акс этган бир-икки мисолни таҳлил этиш билан кифояланамиз.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.
(Давоми бор).

МАЪРИФАТ НИМАДИР, ЖАҲОЛАТ НАДИР?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарға сарф этмоқдадурлар» **(Ўша асар, 145-146-бетлар).**

Жаҳолат деганлари қачондир тарихда бўй кўрсатгану энди қайтиб келмаслиги аниқ бўлган ҳодиса эмас. Таассуфлар бўлсинки, у ҳар бир замонда қайсидир кўринишларда намоён бўлаверади. Миллатни ич-ичидан емиради. Тараққиётдан неча юз йиллар орқада қолишига сабаб бўлади. Таназзул гирдобига тортади. Бинобарин, ҳар бир миллатни, унинг вакилларини жаҳолатдан қутқаргувчи ягона восита – илм ва маорифдир. Кимки илм ва маорифга муносиб даражада эътибор берса, шубҳасиз, саодатга эришади. Акс ҳолда...

Мунаввар Қорининг «...миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарға сарф этмакдадурлар» деган сўзларини ўқиганда беихтиёр бугун китоб дўконларини ресторану кўнгилочар барларга айлантираётган баъзи бир «тадбиркор»лар, «пултопармон»лар хаёлга келади. Бундайлар, таассуфки, миллат болалари ўқиётган мактабга ёки жамият ҳаётининг миятнинг бахти. Акси бўлса-чи? Мабодо жоҳил кимса арбоб даражасига эришса-чи?! Кейинги бир неча йил давомида вилоятлар халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз сўзлаган нутқларни тинглар эканман, собиқ шўролар тузуми бизнинг миллий ахлоқимизга нақадар оғир жароҳат етказганини яққол ҳис этдим. Мамлакатимиз раҳбарининг ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш, баҳсга киришиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари қанчалик аҳамиятли эканини янада теранроқ англагандек бўлдим.

Лекин шуниси аниқки, жоҳил гарчи маълум муддат бирон бир лавозимга, мукофотларга, яна аллақанча имтиёзларга эришмасин, кунлар ўтиб бир кун албатта элнинг назаридан қолади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: «Жоҳил моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг қўрқинч фақирлик ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиги ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладургон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорликдур» **(Абдулла Авлоний. Ўша асар, 74-бет).**

Маърифатпарварларимиз шу каби фикрларни ёзар экан, анчайин бир қоғоз қоралашни мақсад қилмаган. Кўнгилларидаги дардни, армонларни, орзуларни баён этган. Улар миллат ғамини ўз ғами деб билган. Унинг истиқболи ёруғ бўлиши учун астойдил куйинган. Бу йўлда молини ҳам, жонини ҳам аямаган. Мақсадлари ягона бўлган – миллатни жаҳолат гирдобидан қутқармоқ, чинакам маърифатга эриштирмоқ, тараққий этган миллатлар даражасига кўтармоқ. Афсуски, уларнинг бу ниятлари армонлигича қолиб кетди. Улар маърифат истаганлари учун жаҳолат қурбони бўлди.

Бугун биз чинакам маърифий жамият қуришни мақсад қилганмиз. Жамият ҳаётида кечаётган ҳар қандай ислоҳотдан кўзланган бош мақсад – миллатнинг нурли истиқболи, уни барпо этажак авлоднинг камоли. Бу хайрли мақсад фақат ва фақат юксак интеллектуал салоҳият, бошқача айтганда, ҳақиқий маърифат орқали амалга ошмоғи мумкин. Шундай экан, миллатнинг ҳар бир зиёлиси жамиятнинг маърифий даражасини юксалтиришда ўз улуши бўлишига интилмоғи ҳам фарз, ҳар қарздир.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ.

ҲАР БИР МИЛЛАТНИ, УНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ЖАҲОЛАТДАН ҚУТҚАРГУВЧИ ЯГОНА ВОСИТА – ИЛМ ВА МАОРИФДИР. КИМКИ ИЛМ ВА МАОРИФГА МУНОСИБ ДАРАЖАДА ЭЪТИБОР БЕРСА, ШУБҲАСИЗ, САОДАТГА ЭРИШАДИ.

ютуқларини ҳам, муаммоларини ҳам кўрсатиб бериши зарур бўлган матбуотга ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин сохта обрў йўлида миллионларни сарфлаётганида заррача ачинмайди...

Яқинда қурилган шундай ресторанлардан бирига тарихимизда ўтган мунаввар зотлардан – авлиёлардан бирининг номини берибдилар. Бу – жаҳолатга далил ахтариб узоққа бориш шарт эмаслиги исботидир, уялиш керак!

«Дунёда энг ҳазар қилинадурғон иллат жаҳолатдур, – деган экан Суқрот ҳаким. – Мен ҳатто кўрга ҳам жоҳилга ачинганимдек ачинмайман. Зеро, жоҳилнинг ўз ихтиёри билан қилган ҳаракати кўрнинг ихтиёрсиз қилган ҳаракатидан-да хунукроқдир».

Афлотуннинг жаҳолатга берган таърифи янада таъсирлироқ: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан-да зарарлироқдир. Инсон энг оғир юқумли касалликдан сақлангани каби жаҳолатдан ҳам ҳазар қилмоғи зарур».

Жамиятда жоҳиллар қанча кам бўлса ва улар аксариятга таъсир этиш имконига эга бўлмаса – жамият шунчалик соғлом бўлади.

МАШИНАСОЗЛИГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

1968 йилда собиқ республика министрлар совети «Пахта учун мўлжалланган Т28Х4М русумидаги тракторларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш муносабати билан «Ташавтомаш» заводини тезкор суръатда қайта қуриш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. 1969 йили «Ташавтомаш» Тошкент трактор заводига айлантирилди. 1970 йили январь ойининг охирларида пахта учун мўлжалланган, қуввати 50 от кучига тенг, Т28Х4 русумдаги, серияли ишлаб чиқариладиган дастлабки трактор йиғилди. Унга ТТЗнинг ўзида тайёрланган бир ғилдиракли олдинги кўприк ва гидравлик рул бошқаруви ўрнатилган эди.

1976 йилдан ТТЗ қуввати 60 от кучига тенг, Т28Х4М русумдаги тракторларни серияли ишлаб чиқаришга ўтди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан заводнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ўсиб, ривожланиб борди. Шестерня ҳамда валларга ишлов бериш бўйича темирчилик, метиз, термогалваника ва трансмиссияни йиғиш цехлари, кабина йиғиш конвейири, бўёқчилик комплекслари қурилиб, ишга туширилди. Иссиқ ва совуқ штамплар ҳамда парма, зенкер, фреза, сидиргич каби кесувчи асбобларни ишлаб чиқариш бўйича асбобсозлик ва штамплаш цехи, дастгоҳлар ва юк кўтаргич механизмларга хизмат кўрсатувчи таъмирлаш-механика цехи қурилди. 1983 йили корпусли механизмларни ишлаб чиқариш бўйича қуюв комплекси ишга туширилди.

Собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши, ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, дастлабки йиллар қийинчиликлари Ўрта Осиёдаги энг йирик заводни ҳам четлаб ўтмади.

Ёш мустақил республикамиз ҳукумати ўз олдига улкан эзгу мақсадларни қўйган эди. Энг биринчи галдаги вазифалар сирасига мамлакатни иқтисодий инқироздан асраш кирарди. Бунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг аҳамияти катта эди. Бу ғоят мураккаб давр ҳали кўпчиликнинг ёдида, албатта. Қанчалик мураккаб, қийин иқтисодий ҳолатга қарамасдан барча соҳаларда бўлгани каби ўзбек машинасозлиги тарихида ҳам янги, мисли кўрилмаган жўшқин фаолият, давр бошланди. Трактор заводи республика машинасозлигининг асосий таянчи сифатида янги куч билан фаолиятини бошлади. Бу дегани мамлакат иқтисодини кўтаришда асосий тармоқлардан ҳисобланган қишлоқ хўжалигини зарур техникалар билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминлашни кўзда тутарди. Иқтисодий кўтарилиш мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳеч кимга қарам бўлмаган қудратли давлатнинг шаклланишида беқиёс аҳамиятга молик эканлигини бугун катта-ю ёш яхши англайди, албатта.

Завод қайта жиҳозланиб, сон-дастур бошқарувли дастгоҳлар, конвейер хилидаги пресслар, автомат пайвандлаш ускуналари ўрнатилди. 1992 йилдан бозор эҳтиёжларини қондириш мақсадида ТТЗ-80.10 ва ТТЗ-80.11 русумдаги тракторлар серияли равишда йиғишга киришилди, кам қувватли (30 от кучигача) тракторлар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини замонавий техника билан таъминлаш бўйича биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида завод ТТЗ-100К русумдаги, 92 от кучига эга бўлган тракторни ишлаб чиқди ҳамда серияли ишлаб чиқаришга жорий қилди. Қисқа давр оралиғида ана шу моделдаги уч мингдан зиёд трактор истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу даврга келиб заводда тажрибали мутахассислардан иборат ривожланган конструкторлик-технология базаси фаолият кўрсата бошлади. Ушбу база коммунал ва қурилиш хўжаликлари учун тракторнинг юклагич, асфальтқирқич, ғалтакмола (каток) ва бошқа турларини ишлаб чиқиш ҳамда яратишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан заводни техник қайта жиҳозлаш лойиҳаси тасдиқланди. 1998-2004 йиллар мобайнида ТТЗ ОАЖда металл тахталарини бичиш, вал ҳамда шестерняларга ишлов бериш, корпусли механизмларни тайёрлашни назорат қилиш, бўёқ тайёрлаш ва бошқалар бўйича замонавий технологияга асосланган жами ўттиз еттита дастгоҳ ҳамда асбоб-ускуна жорий этилган.

Кейинги йилларда тракторларнинг ички ва ташқи қиёфаси ўзгартирилди. Шовқин даражасини пасайтириш ва кабина интерьерини яхшилаш мақсадида ички тузилмасига ўзгартиришлар киритилди. Тортиш кучини 1,2 тоннадан 1,8 тоннагача оширувчи кучайтирилган осма тизим ўрнатилди.

2002 йили корхона қуввати 60 – 120 от кучига тенг, «Кейс-Нью-Холланд» тракторига ўхшаш бўлган янги хил тракторларни яратиш бўйича конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтда янги тажрибавий трансмиссиянинг дастлабки нусхаларини йиғиш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ТТЗ ОАЖ маҳсулотлари чет элларда ҳам энг ҳаридоргир ҳисобланади. Бунда мустақил мамлакатимизнинг хориж давлатлари билан ўрнатган ҳар томонлама фойдали бўлган ҳамкорлик алоқаларининг салмоқли ўрни бор.

Завод ўз фаолиятида асосий эътиборни трактор қисмлари ва агрегатларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришга қаратган. Собиқ иттифоқ даврида корхонада тайёрланган қисмлар бор-йўғи 5 фоизни ташкил этарди. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич 90 фоиздан зиёдроққа ошди. Ўн беш йил давомида маҳсулотларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқиш йўлга қўйилди ва бу соҳада бой тажриба тўпланди. Корпусли механизмлар, вал, шестерня, оператор ўриндиғи, қоплама қисмлар, кабина, транспорт ва пахтачилик моделлари учун олд ва орқа кўприклар, юқори босим остидаги резина шланглар учун қисмлар ва яна қатор буюм, мосламалар ана шу тажриба маҳсулидир.

Шу давр ичида ўн минтга яқин трактор қисмлари маҳаллий тарзда ишлаб чиқаришга ўтказилди. Завод ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа вилоятларидаги корхоналарда маҳсулотларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни кунларда ТТЗ тайёрлов жараёнлари билан боғлиқ бўлган қуюв, темирчилик, пайвандлаш-пресслаш, метиз, кабина, корпусли механизмлар, трансмиссия, йиғув ишлаб чиқариш, бўёқчилик комплексларини ўз ичига олувчи қудратли ишлаб чиқариш-техника базасига эга. Бу эса мамлакатимиз машинасозлигининг асосий таянчи, юртимиз иқтисодий қудратини янада юксакларга кўтаргувчи йирик корхонанинг муваффақиятли одимларини белгилайди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

НАМУНАЛИ ТАРБИЯ МАСКАНИ



Андижон бирлашган техника мактабида «Шонли Ватан тарихи» музейи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу маскан 2002 йил 14 январда ўз ишини бошлаган бўлиб, йилдан-йилга кенгайиб, шаклан ва мазмунан бойиб бормоқда.

Айни пайтда музей 16 та бўлимдан иборат бўлиб, буюк бобокалонларимиз Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардалар ҳаёти ва фаолияти ифодаланган экспозициялар ёшларимиз билими, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади. Музейнинг мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти тарихи, «II жаҳон уруши даврида Андижон вилояти», «Ўлкамиз тарихи» каби бўлимлари барчада катта таассурот қолдиради. «Истиқлол берган имконият» дея номланувчи бўлимда эса вилоятда мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар, фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар ишини намойиш этувчи экспонатлар, айниқса, «ЎзДЭУавто» корхонаси фаолиятига оид лавҳалар музейга ташриф буюрувчилар эътиборини тортиши шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, Андижон вилоят кенгаши қарори билан вилоятдаги барча ўқув муассасалари тингловчи, курсантлари алоҳида режа асосида музейга ташриф буюради. Эндиликда эса музейимизни Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчилари, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги коллеж ва академик лицейлари талабалари ҳам бажонидил томоша қилмоқдалар.

Қуйида музейимизнинг «Ташриф китоби»га ёзилган айрим дил сўзлари билан таништирамиз.

«Коллежимизда 41 нафар ҳарбий чақириқ ёшидаги йигитлар бор. Улар аъло ўқиши, Ватанимиз тарихини пухта ўрганиши учун «Шонли Ватан тарихи» музейига саёҳат уюштириб, жуда тўғри иш қилганимиздан мамнун бўлдим. Ҳақиқатдан ҳам музей экспонатлари, техника мактаби ҳаёти талабаларда яхши таассурот қолдирди. А. Аҳмедов, Андижон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси».

«Андижон бирлашган техника мактаби лицейимизга оталиқ ёрдами кўрсатади. Айниқса, чақириққача ёшларни ўқитиш самарали ўтишида амалий кўмак беради. Биз йигит-қизларни музейга олиб келамиз. Ёшлар ўқув зали ва техника воситалари, спорт анжомларидан фойдаланадилар. Бундай ҳамкорлик бизга жуда қўл келяпти. В. Актишев, Андижон юридик лицейи ўқитувчиси».

Эндиликда биз музейда халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг мудҳиш оқибатлари, зиён-заҳматини ифодаловчи бўлим очмоқчимиз. Унда дастлаб 2005 йил 13-14 май кунлари содир бўлган Андижон воқеалари акс эттирилади. Ҳаққоний ҳужжатлар асосида тарихнинг «қора кунлари»-ни кўрсатмоқчимиз.



Техника мактаби жамоасининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли, шу жумладан, ҳарбий чақириқ ёшидаги ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ислоҳотларни тарғиб этиш, фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш борасидаги тарғибот ишлари ва маданий- маърифий тадбирлар режаси бўйича изланишлари таҳсинга лойиқ, деб айтиш мумкин. Мактаб бошлиғи Турсинбой Жалолов 2001 йилда «Шуҳрат» медали билан мукофотланганди. Яқинда эса ташкилот Марказий кенгаши томонидан ташкил этган «Энг малакали ўқув муассаса раҳбари» республика танловида ғолиб чиқиб, Фахрий ёрлиқ ва Мудофаа вазирлигининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди. Нуфузли мукофот нафақат техника мактаби, балки бутун андижонлик «Ватанпарвар»чиларни, ёшларни ҳарбий хизматга маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан тайёрлашда фидойилик кўрсатишга руҳлантириб юборди. Ишончим комилки, Андижон вилоят кенгаши ташкилотларига қарашли барча ўқув юртларида келгусида ҳам тизим янада такомиллаштирилиб, янада юқори натижалар қўлга киритилади.

Раҳмонжон МАДРАҲИМОВ,
МК «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилояти кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги полковник.

2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

МИЛЛАТНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ



Лутфия ва Садулло Рустамовларни нафақат Шаҳрисабзда, балки бутун Қашқадарё вилоятида ҳам кўпчилик яхши танийди. Бу икки фидойи инсон узоқ йиллардан буён эл соғлиғи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам олий тоифали кўз касалликлари шифокори. Оилада фарзандлар ҳам уларнинг касбларига меҳр қўйиб улғайишди. Айниқса, ўғиллари Муҳаммадсултон ота-она касбига бўлакча меҳр қўйди. Қуйида ана шу ёш ва иқтидорли мутахассис ҳақида ҳикоя қиламиз.

Муҳаммадсултон тенгқурларидан фарқли равишда барвақтроқ катталар оламига кирди. Яъни, тенгдошлари кўча чангитиб ўйнаб юрганларида у кўпроқ ота-онаси ёнида бўларди. Болакай кўз шифокорларининг машаққатга тўла, нозик, шу билан бир қаторда мўъжизакор меҳнатларига гувоҳ бўлиб улғайди.

Исмларда ҳам ҳосият бор дейдилар. Ўзбек офтальмологиясининг асосчиси, педагог-олим Муҳаммаджон Комиловни Лутфия ва Садулло Рустамовлар ҳам кўплар қатори устоз – пиру комил сифатида чексиз ҳурмат қилардилар. Ана шу ҳурмат белгиси сифатида яхши ниятлар ила ўғилларига Муҳаммадсултон исмини қўйишди. Айни кунларда яхши ниятлар ўз мевасини бериб, Муҳаммадсултон ўзбек офтальмологияси соҳасида кўзга кўринган мутахассислардан бири бўлиб етишган.

– Ўзимни бошқа касбда тасаввур ҳам қилолмайман, – дейди Муҳаммадсултон Рустамов. – Нокамтарликка йўйманг-у, аммо отам Садулло Рустамовни кўпчилик касбдошлари билимдон мутахассис сифатида тан оладилар. Мен бундан ғурурланаман ва уларни биринчи устозим деб биламан. Ўқиб юрган кезларим таътил бошланди дегунча Шаҳрисабзга ошиқардим. Бу ерга келиб, отам билан ёнма-ён, у кишини кузатиб, маслаҳатлар сўраб ўзимга ишончимни мустаҳкамлаганман, билимимни оширганман.

Ёш шифокор профессор Холидбек Комилов раҳбарлиги остида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозир Муҳаммадсултон Шаҳрисабз туманидаги Новқат қишлоғида жойлашган кўз касалликлари шифохонасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

2005 йилнинг май ойида Одесса шаҳрида академик Филатовнинг 130 йиллик юбилейига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда дунёнинг 110 мамлакатидан мутахассислар иштирок этишди. Юртимиздан оддий қишлоқ касалхонасининг тажрибали шифокори Муҳаммадсултон Рустамов ўз маърузаси билан қатнашди. Шу нуфузли анжумандаёқ у дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган мутахассис-олимлар эътиборини ўзига жалб қилди. Ёш мутахассис ишига асосан Шарқ ва Осиё давлатларидан келган мутахассислар катта қизиқиш билдирдилар. Чунки Муҳаммадсултон Рустамов ўз маърузасида баъзи бир кўз касалликларининг қуруқ иқлим шароитида ривожланиши ва уларнинг олдини олиш, муваффақиятли даволаш усуллари ҳақида тўхталган эди.

Ана шу сабаб ёш мутахассисни навбатдаги Германия давлатида бўлиб ўтадиган анжуманга таклиф қилдилар. Бу ерда у юқоридаги муаммони ҳал қилишнинг илмий асосланган йўлларини тавсифлаб берди. Шу тариқа миллатдошимиз ўзининг ўткир заковат соҳиби эканлигини халқаро анжуманларда намойиш этди.

Кўҳна Шарқ азал-азалдан турли илм-фанларнинг кони, асл манбаи бўлиб келган. У шу туфайли оламга буюк алломаларни туҳфа этди. Биргина Абу Али Ҳусайн ибн Абдулла ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино фаолиятига эътибор беринг-а. Унинг тиббиёт соҳасидаги билимлари ва даволаш санъати шундай сарҳадларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳакимлари маслаҳат сўраб, аллома ҳузурига кела бошладилар. 16 ёшида истеъдодли ҳаким ва файласуф сифатида танилиб улгурган ибн Синони кўп ўтмай Шарқда «Шайх ар-раис», яъни «Донишмандлар етакчиси» деб атай бошлаганлар. Рус мутафаккири П.Чаадаев «Инсоният анъаналарининг буюк хазинаси бўлмиш Шарқни ўрганинг», дея Шарққа юксак баҳо берганида юз карра ҳақдир.

Офтальмология соҳасида эришаётган ютуқларига қараб Муҳаммадсултон Рустамовнинг бой илмий меросни пухта ўзлаштираётган аждодларига муносиб ворис эканлигига амин бўласиз. Новқат кўз касалликлари шифохонасида сунъий гавҳар қўйиш операциялари мана бир неча йилдирки, муваффақият билан амалга ошириб келинмоқда. Бундай мураккаб операциялар аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган қатлами ва болалар учун бепул амалга оширилади.

– Дўхтир ака укол қилсалар сираям оғримайди (ишончи қаранг!), – дейди олти яшар Баҳромжон.

– Султон ўғлимдан миннатдорман, – дейди қамашилик 70 ёшли онахон Ҳалима Ҳайитбоева. – Энди ёруғ оламни кўрмай қоламан деб ўйлаган эдим. Илоё қўллари дард кўрмасин!

– Муҳаммалсутоннинг шифокор сифатида ўзига ишончи атрофдагиларга, беморларга дадиллик бахш этади, – дейди шифокор Ҳасан Жалилов.


Ҳа, у бугун касбдошлари, тажрибали мутахассислар, шифо топаётган юзлаб беморлар эътирофига, миннатдорчилигига сазовор инсон. Унинг бу даражага эришишида ота-онаси, устозлари, тажрибали мутахассислар Эшонқул Валиев, Меҳрож Омонов, Жўра Ашуров каби тажрибали мутахассисларга эга бўлган Новқат шифохонасининг алоҳида ўрни бор.

Чекка қишлоқ касалхонасида тинимсиз ўқиб изланишлари билан дунё олимлари эътиборини қозонган истеъдодли ёш ҳаким, миллатнинг фидойи фарзанди Муҳаммадсултон Рустамовга бундан кейинги жўшқин фаолияти янада сермаҳсул бўлишини тилаб қоламиз.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

САМОУБЕЖДЕНИЕ, САМОПРИКАЗ И САМОВНУШЕНИЕ



Простыми, но достаточно эффективными приемами выхода из опасных ситуаций и поддержания требуемого в данный момент психического состояния являются самоубеждение и самоприказ.

Самоубеждение предполагает аргументированное доказательство самому себе необходимости проявления чего-либо, например бдительности, как важного фактора личной безопасности. При появлении отвлекающих мыслей и желаний человеку следует вступить во внутренний диалог с самим собой, мысленно обосновывая важность и значимость поддержания оптимального уровня бдительности. При этом полезно дать оценку своему психическому состоянию и как можно ярче представить негативные последствия ослабления бдительности. Важно вспомнить поучительные примеры, факты, связанные с потерей бдительности и наоборот.

Направить свое эмоционально-волевое состояние в требуемое русло можно силой самоприказа. Он срабатывает как пусковой сигнал для волевого действия при конкретизации своих мыслей: «Будь внимателен!», «Стоять!», «Вперед!» и т.д. Здесь уместно вспомнить примеры важности самоприказа в преодолении трудностей в самых разных жизненных ситуациях, а также примеры овладения ими.

Следует подчеркнуть, что самоубеждение и самоприказ взаимосвязаны. Самоприказ становится наиболее действенным, если он делается на основе самоубеждения, а самоубеждение приводит к волевому акту, если оно завершается самоприказом выполнить принятое решение.

Рассматривая самовнушение как метод волевой саморегуляции, необходимо отметить, что оно, как и самоубеждение, в качестве основного инструмента также предполагает использование слова. Но если самоубеждение осуществляется через механизмы сознательного подчинения человеком своего состояния ясным и логичным целям деятельности, то самовнушение производится на подсознательном уровне и требует несколько заторможенного тонуса коры головного мозга. Далее целесообразно подчеркнуть, что овладеть основами волевой саморегуляции (самовнушения) непросто, особенно самостоятельно.

Правила осуществления самовнушения:

– словесные формулы самовнушения следует повторять мысленно 5 – 6 раз, воображая при этом реализацию вызванных состояний;

– словесные формулы должны быть короткими, понятными, категоричными и не вызывать сомнения в реальности их выполнения в конкретной ситуации. При этом никакой самокритики, полная уверенность в себе и своих возможностях;

– формулировки проводятся в утвердительной форме, т.е. не должны содержать отрицаний. Например, фраза «Я не хочу спать» может вызвать обратную реакцию, поскольку глагол активнее и сильнее, чем отрицательная частица «не», которая обычно теряется в подсознании. Вместо «Я не рассеян» нужно внушать себе «Я сосредоточен». Поэтому, формулируя позитивные самовнушения, не стоит упоминать о сне вообще (например, «Я бодр и активен»).

В заключение необходимо подчеркнуть, что самовнушение может дать значительный положительный эффект в том случае, если человек настойчиво и систематически будет следовать правилам волевой саморегуляции. Опыт показывает, что тот, кто проявляет неверие или нетерпение, весьма часто разочаровывается, начинает скептически относиться к самовнушению и в конце концов перестает им заниматься. Успех приходит к тому, кто упорно, шаг за шагом преодолевает собственную лень по выработке внимания и полного сосредоточения на своих словах. В конце каждого этапа саморегуляции формулы самовнушения нужно подкреплять самоубеждением, доказывая себе, что этот метод принесет вам большую пользу. Во время занятий нельзя раздражаться, отвлекаться на посторонние раздражители. Обязательно следует осуществлять самоконтроль за возникающими состояниями.

Нуритдин САФАРОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Война не прекращается

Международное сообщество предпринимает максимум усилий по прекращению нового ближневосточного конфликта. В Совбезе ООН разрабатывается резолюция, направленная на прекращение огня, с призывами к сдержанности к Израилю обращаются США, Россия, страны Евросоюза, Египет, Иордания, Саудовская Аравия – государства, выступающие против всех проявлений терроризма.



Явка с повинной

В районные отделы внутренних дел Чечни явились с повинной еще пять боевиков, сообщили Интерфаксу по телефону в правоохранительных органах республики. Всего с 30 июля, когда прозвучало обращение к боевикам с призывом сложить оружие, около 80 членов НВФ на Северном Кавказе обратились в правоохранительные органы. Кроме того, как сообщил пресс-секретарь МВД Чеченской республики М. Дениев, в Чечне задержано два боевика из банды Доки Умарова.



Помощь в создании ракет

Северная Корея тесно сотрудничала с Ираном, чтобы создать баллистические ракеты дальнего радиуса действия, возможно, используя при этом китайские технологии, а сейчас строит на своем восточном побережье пусковые установки для размещения ракет, которые нацелены на военные объекты Японии и США. Об этом говорится в докладе эксперта по проблемам безопасности Юн Док Мина из государственного Института международных отношений и национальной безопасности (ИФАНС).



Выяснена причина катастрофы

Причиной катастрофы аэробуса А-310 авиакомпании «S-7» в аэропорту Иркутска стал левый двигатель. Во время торможения он включился на взлетный режим. Почему это произошло, специалистам МАК должны объяснить американские конструкторы двигателей, пишет «Коммерсант». Расследование показало, что, несмотря на специфику иркутского аэродрома, а также плохие метеоусловия и усталость пилотов, командир «Airbus» Сергей Шибанов посадил лайнер безукоризненно.



«Eurotunnel» стал банкротом

Суд в Париже признал банкротом компанию «Eurotunnel», оператора железнодорожного туннеля под Ла-Маншем. Компания, накопившая долгов на 9 млрд. евро (около 11,5 млрд. долларов), обратилась в суд с просьбой защитить ее от кредиторов, с которыми ей пока не удалось достичь договоренности о реструктурировании долга. Суд принял ее доводы. Теперь «Eurotunnel» начнет новый раунд переговоров с кредиторами, сообщает Би-би-си.



Экстравагантные отели мира

Туристический сайт «TripAdvisor» опубликовал десятку самых экстравагантных отелей мира. Ледяной отель: «Ice Hotel Quebec-Canada», Канада; отель-тюрьма: «Malmaison Oxford Castle», Англия; лодки империи: «Imperial Boat House», Таиланд; «Fantasyland Hotel & Resort», Канада; башни Амазонки: «Ariau Amazon Towers Hotel», Бразилия; оазис в пустыне: «Al Maha Desert Resort», ОАЭ; отель-вигвам: «Wigwam Motel», США; пещерный отель: «Yunak Evleri», Турция; коррида: «Quinta Real Zacatecas», Мексика; домик Барюи: «Madonna Inn», США.



В Южной Африке выпал снег

Впервые за 25 лет в крупнейшем городе ЮАР Йоханнесбурге выпал снег, а по всей стране установилась беспрецедентно низкая температура. Последний раз в Йоханнесбурге снег выпадал 11 сентября 1981 года, передает AFP. Служба погоды страны предупредила на своем сайте о низкой температуре в юго-восточных районах страны. Ожидается, что снег продолжит падать в некоторых провинциях.



Важнейшее качество карьериста

Профессионализм и ответственность – эти качества необходимы для того, чтобы быть хорошим работником. Однако, как выяснилось во время исследования, помимо профессиональных качеств карьеристу необходимо уметь правильно выстраивать отношения с начальством и подчиненными, знать, когда стоит взять ответственность на себя, а когда лучше переложить ее на коллег.

(www.NEWSru.com).

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ.

Мулоҳаза учун мавзу

ҚЎШНИНИНГ ҲАҚҚИ

Қушларнинг ёқимли чуғур-чуғуридан уйғониб, ҳовлига чиққан Абдуқодир отанинг кўзи қўшниси Ҳакимжон томонга тушиб, «субҳоналлоҳ» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Тонг ғира-ширасида шундай кўринаяпти шекилли, дея яқинроқ бориб қаради. Йўқ, кўзлари алдамаган экан. Девор ўрнида тўсилган шиферлар бир метр ичкарига – аввалги жойига олинган, унинг ортига қурилган қўйхона-ю товуққоналар бузиб ташланган эди. Шу пайт икки йилдан бери гаплашмай юрган Ҳакимжоннинг айни тонг палласида ўзгача бир самимият билан салом бериши отанинг ҳайратини янада оширди.

– Хом сут эмган банда эканмиз, хато қилмасликнинг иложи йўқ шекилли, – деди Ҳакимжон отахон билан сўрашар экан. – Ўша пайтда тушунтирмабсиз ҳам. Икки оғиз сўз билан танбеҳ ҳам бермадингиз.

Қўшнисининг астойдил хафа бўлаётганини кўрган отахон энди ўзи хижолат бўла бошлади.

– Эй ўғлим, – деди у Ҳакимжонга. – Бу омонат дунёда ҳеч ким бирор нарса билан кетган эмас. Шу сабаб биз учун ернинг аҳамияти сезилмади.

Бомдод намозини ўқиб бўлгач, қўшнига инсоф бергани учун Аллоҳга шукроналар келтирди. Лекин қўшнининг нима сабабдан ўзгариб қолганига ақли лол эди.

Абдуқодир ота маҳаллага биринчи бўлиб иморатини битириб кўчиб келди. Уйни битирди-ю, ҳовли атрофига девор қилишга шошилмади, сим тўр билан ўраб қўя қолди. Аста-секин қўшнилар ҳам уйларини қуриб кела бошлашди. Чап томонига Мўмина ая болачақаси билан кўчиб келганида уйдагилар бир хурсанд бўлишган бўлса, ўнг тарафга Ҳакимжон келганида янада кўпроқ мамнун бўлишди. Лекин…

Пешин намозидан қайтган отахон ҳовлисидан эшитилаётган бақир-чақир товушни эшитиб, юраги ҳапқириб кетди. Қанча тез юрмасин оёғи орқага кетаётганга ўхшарди. У кириб келганида Ҳакимжон отанинг тўнғич ўғли – Собирнинг гирибонидан тутиб олган, оғзига келган ҳақоратли сўзларни қайтармасди. Отахон келиб, унинг кучли қўлларидан ўғлининг ёқасини бўшатиб олди ва савол назари билан ўғлига қаради.

– Ҳаким акамга ҳовлилари торлик қилаётган эмиш, – деди Собир жаҳлини зўрға босиб. – Биз тортган сим тўрни суриб, бир метрдан кўпроқ ерни ўзларига қўшиб олаяптилар.

Уйимизни лойиҳасини олиб чиқсам, отиб юбордилар. Болалари кўп бўлса, бировнинг ҳовлисига кўз тикиши керакми, дада?

Абдуқодир ака қараса ҳақиқатан ҳам анчагина майдонни ҳовлисига қўшиб, девор учун жой ажратиб қўйибди. Собир отасидан ўз ҳақини ажратиб олишини кутган эди. Отахон эса кутилмаганда Ҳакимжонга қараб:

– Ишингизни давом эттираверинг ўғлим, шу ер сизга керакми, олақолинг деди-ю, Собирни ва оила аъзоларини уйга олиб кириб кетди. Ҳакимжон гарчи ўз мақсадига эришган бўлса-да, ўшандан бери қўшничилик қилмайди, ҳатто гаплашмасди ҳам. Бугун эса…

Абдуқодир ота Ҳакимжоннинг тижоратда бирга ишлайдиган оғайнилари билан жума намозини ўқиш учун масжидга киргани-ю, у ерда қўшничилик ҳақи ҳақида маъруза бўлгани, унда кимки қўшнисининг еридан ёки умуммулки – кўчадан ўз ҳовлисига қўшиб олган бўлса, қиёматда ўша ерни бутун оғирлиги билан кўтариб юриши ҳақида гап бўлганини, бундан қўрқиб кетган қўшни дарҳол девор ўрнини асл ҳолига келтириб қўйганини қаердан ҳам билсин?

Муборак МИРКАМОЛОВА.

ВО ВЕКИ ВРЕМЕН

Родина!
Душевней есть ли слово?
Ты моя и мать, и отчий дом.
Где найти приметнее другого
В словаре подробнейшем, каком?!
Пусть еще ты нынче молодая,
Преуспеть сумела ты во всем,
И не в силах нечисть никакая
Быть помехой на пути твоем.
Стать твоя, известно, безупречна,
И ничуть не хуже ты других –
Цвесть и цвесть тебе на веки вечные
В значимых свершениях твоих.
Видятся в туманной дымке горы,
В изумрудной зелени – поля,
Как мила внимательному взору
Щедрая узбекская земля!
Здесь землей особенно гордятся
Люди, как единая семья,
И в чести несметные богатства –
Вот какая Родина моя!..

Николай БУРТЫШЕВ.



ЕРНИНГ ПИРИ

Қишлоғимизда Насириддин бува деган инсон яшаб ўтган. Ҳамма у кишини даланинг пири деб атарди. Чунки қишлоқ хўжалиги, унинг техника ва технологияси, қолаверса, чорвачилик бўйича ҳам Насириддин бувининг олдиларига тушадиган киши бўлмаган. Бу соҳалардаги бир қатор ихтироларини ҳамқишлоқлар ҳамон қўллаб келишади.

У кишининг ибратли ҳаёти ва ўзлари суйган соҳаларида қилган янгиликлари ҳақида қишлоқдаги одамлардан эшитганман. Бундай қизиқарли ҳикоялар ҳамон эл орасида тилдан-тилга кўчиб юради.

КУШАНДА

Рўзғорга бироз ёрдам бўлар деб ҳовлимиздаги томорқага сабзи сепгандик. Аксига олиб ўша йили эрта баҳорда ёғингарчилик кўпайиб кетиб, эгатларни роса ўт босди. Ҳатто, сабзини очиб бўлмас даражага келиб қолди.

Дам олиш куни эди, отам эрта саҳарда ҳаммамизни уйқудан уйғотиб, сабзи ўтоққа туширдилар.

– Бай-бай-бай, куннинг қиздиришини қаранг, хамирни ерга кўмсанг, нон бўлиб, пишаман, дейди-я, – ишдан қочиш учун шундай нағмалар қила бошладим. Синглим ҳам баҳор офтобида қорайиб кетишини айтиб, ўзини четга ола бошлади.

–Ҳа, албатта, бундай иссиқда одамга сабзи ўтоқ ёқармиди, ўлмаган деҳқонларнинг жони.

Кун қиёмга келдиямки, икки метр нарига силжимагандик. Сабзини қолдириб, ўтни олиб ташлаш борган сари қийинлашиб бораётгандек туюлаверарди. Хунобимиз ошиб, пешонамиздан қора тер оқиб, ерга тирмашаётгандик, эшикдан кириб келган қўшнимиз Асқар ака жонимизга оро кирди.

– Э, нима қиляпсизлар? Сабзини ҳам ўтоқ қиларканми? Насириддин буванинг усулини қўлласангиз-ку бу азобдан осонгина қутиласиз, қўясиз, – деди қўшнимиз, бизга ачиниб.

– Фойдаси бўлармикин, деб шубҳаланиб тургандим-да, – дедилар отам, худди, шу таклифни кутаётгандек.

– Буни мен бир неча марта синовлан ўтказганман. Агар, ҳозир керосин олиб келиб сепсангиз, эрталабгача бегона ўтдан асар ҳам қолмайди, – деди Асқар ака ўзининг берган маслаҳатидан ғурурланиб…

Шу куни кечга томон отам қаердандир катта идишда керосин топиб келдилар, сабзи эгатларига роса ўхшатиб сепдик. Ҳовлини сассиқ ҳид босиб кетди, димоғимиз бўғилиб, ўлаёздик. Бироқ эрталаб уйғонганимизда эса, сабзи ўтоқ азобидан қутилганимиз учун хурсандлигимиздан керосин ҳидини ҳам бурнимиз сезмай қолди. Чунки эгатлардаги бегона ўтлар керосин таъсирида куйиб кетган, сабзилар эса худди аскардек тик терилиб турарди.

Кечки дастурхон атрофида отам Насириддин буванинг сабзи ўтоғи пайтида қилган ихтиросини гапириб бердилар.

Ўшанда Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йиллар экан. Насириддин бува Хонобод қишлоғидаги «Қорасув» хўжалигида механизатор бўлиб, ўша пайтдаги илк керосинда юрадиган тракторлардан бирини ҳайдар эканлар. Бир куни хўжалик раиси бувани чақиртириб, қишлоқ этагидаги ерларга сепилган сабзи ариқларини культивация қилишни буюрибди. Эртасига саҳардан то кун ботгунича сабзи пайкалида трактор овози тинмабди. Сўнгги ариқни тугаллаб, уйга кетишни мўлжаллаган Насириддин бува моторга зўр берибди. Эгасидек тинкаси қуриган трактор ҳам шу ерда тақ этибди-ю ўчибди, қўйибди. Кун кеч бўлиб қолгани учун Насириддин бува уни тузатишга уринмабди. Эртаси тонгда далага етиб келган бува бир зумда тракторни тузатиб, уни яна бир бор кўздан кечириш учун трактор атрофини айланибди. Не кўз билан кўрсинки, тракторнинг ёқилғи идишидан оққан керосин эгатдаги бегона ўтларни куйдириб юборган. Сабзи поялари қандай бўлса, шундайлигича турарди. Бу мўъжизага унчалик ҳам ишонмаган Насириддин бува экин пайтида ногаҳон ўзи яратган ихтиросини қўллаб кўрибди ва керосин сабзи эгатидаги бегона ўтларни ўлдиришнинг энг яхши усули эканлигига амин бўлибди…

САБАБИНИ ЭНДИ БИЛДИМ

Мўмин ака ҳар доим кўчада кўриб қолса, мендан ўпкалайверади. Гўёки ундан картошка етиштириш сирларини яширармишман. Шунинг учун ҳам мен эккан картошка яхши ҳосил бериб, у киши етиштирган картошка майда бўлиб қолармиш. Экин парваришида нималарга эътибор беришимни миридан сиригача айтиб берсам ҳам ўша гинахонлик давом этаверди.

Бир куни бу масалада Насириддин буванинг фарзандларига берган маслаҳатини эшитиб қолдим ва Мўмин аканинг эккан картошкалари нима учун яхши ҳосил бермаслигининг сабабини тушундим.

Бу усулда эндигина иш бошлаган пайтлари фарзандлар эрта баҳорда помидордан бўшаган ерларга картошка экмоқчи бўлишибди. Оталари эса бунга қарши чиқибди.

– Картошка билан помидорнинг озуқаси бир хил бўлади. Агар уларни кетма-кет экасаларинг, бирортасидан ҳам яхши ҳосил ололмайсизлар, – дея ўғилларини огоҳлантирибди.

Ўз билганларидан қолмаган фарзандлар эса ҳосилдан бўшаган иссиқхона ерларига картошка экишибди, кейин эса помидор. Ҳосил пишган пайтда оталари нақадар ҳақ эканлигига амин бўлишибди. Картошкадан тайинли ҳосил олишолмабди. Танаси бошмалдоқдай бўлиб, бўйи одам бўйидан ҳам ўсиб кетадиган помидор палаклари бу сафар паст-паст бўлиб қолибди. Ҳосилнинг энг каттаси ёнғоқдек экан…

Шу-шу фарзандлар ҳар ишда отанинг маслаҳатидан чиқмайдиган бўлишибди. Ҳозир ҳам Насириддин бувадан қолган илмий мерос ва тажриба фарзандларга, қолаверса, қишлоқ аҳлига асқотмоқда. Ана шу гапларни Мўмин акага айтиб берган эдим, у киши бироз ўйланиб турди-да, деди:

– Ҳақиқатан мен ҳам картошка билан помидорни доим кетмакет экаман. Помидор ҳам унчалик яхши бўлмайди. Балки бунинг сабаби ростдан ҳам ана шу кетма-кетликдамикан-а.

Келаси йил картошка ҳосилини йиғиштирадиган пайтда Мўмин акани яна йўлда учратдим, оғзи қулоғида.

– Насириддин бува ҳақ эканлар. Помидор етиштирмайдиган ерларимга картошка эккан эдим, ҳосилдорлик жуда зўр бўлди, – деди хурсандчилигини яширолмай. Мен ҳам шундан буён гинаю таналардан қутилдим.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

Маънавият

БОЛАНГИЗ НИМАНИ ЭШИТАЯПТИ, … НЕЛАРНИ КЎРАЯПТИ?

Инсоният ҳаётидаги ҳар бир жаҳонгирнинг ёки дунёда яшаб ўтган ҳар қайси машҳур саркарданинг қўшинлари орасида албатта битта мусиқий «гуруҳ» бўлган. Шундан биламизки, куй, мусиқа ва қўшиқнинг ватанпарварлик, уни ҳимоя қилиш, аскарларнинг жанговар руҳини кўтариш йўлида хизмати беқиёс. Бугунги қўшиқчилик ҳақидаги фикрлар ҳарбийлар, уларнинг оила аъзоларини ҳам бефарқ қолдирмаса керак. Зеро, ватанпарварликни куйлаш, тарғиб қилишда қўшиқдан кучли қурол бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам санъатнинг бу туридаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаслигимиз зарур.

Мусиқанинг кучи бўлакча: у сўз иштирокисиз ҳам инсоннинг ички кечинмаларига нозик таъсир қилади…

Қадимда Хусравшоҳнинг Шабдиз исмли жуда чиройли ва ақлли қорабайир оти бўлган экан. Шоҳ отини жуда яхши кўрганидан: «Агар ким отимни ўлди, деган хабарни олиб келса, мен ҳам уни қатл қилишларига ҳукм этаман», дебди. Кунларнинг бирида Шабдиз жон беради. Отбоқар нима қилишини билмай, энг атоқли созанда Борбадга ёлвориб, шоҳга бу хабарни ашула орқали етказишини сўрабди.

Шунда Борбад ўта мунгли бир оҳангда куй чалиб, шоҳга энг яхши кўрган нарсасини йўқотганини англатибди. Бу нозик ишорани теран тушунган шоҳ: «Шабдиз отимдан айрилибман-да!» деб дод солиб юборибди. Куйнинг сеҳрини қарангки, Борбад ўз санъати билан хабарчини ўлимдан, шоҳни эса ичган қасамидан қутқарибди.

Мусиқани одамларгина эмас, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳам «эшитади», улар ҳам куйдан «таъсирланади». Қайсидир йили италиялик боғбонлар узумзорларига мумтоз мусиқаларни қўйишади. Куй оҳангида узумлар тез ва мазали бўлиб пишади, токларнинг ҳосилдорлиги ортади.

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида қадимда аждодларимиз буғу, кийик каби ҳуркак ҳайвонларни, ҳатто какликни ҳам қўшиқ ва куй орқали ҳеч қанақа қуролсиз, қўллари билан овлашгани ҳақида ёзади: «…Ҳиндларнинг кийик овида қўллари билан уларни тутиб олишганини ўзим кўрдим. … Бизнинг элатларимизнинг ҳам буғуларни овлашда шундай қилганларини кўрамиз, буғулар кийикларидан кўра ёввойироқ бўладилар; элатларимиз буғулар галасини кўрганларида уларнинг атрофига давра олиб, бир хилда товуш билан ўзгартирмай, то буғулар одатлангунларича куйлай берадилар. Кейин даврани аста-секин торайтирадилар, бора-бора буғулар қимирламай қолишади ва уларга зарба бериш (тутиб олиш) мумкин бўлади. Ҳатто, каклик овлайдиганлар кечаси мис идишларини бир хилда куй билан ўзгартирмай чала бериб, уларни қўллари билан тутиб оладилар» (Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. – Т:. «Фан», 1965, 157-бет).

Куйнинг кучини жиловлаб бўлмайди. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов қаламига мансуб «Жамила» қиссасининг бош қаҳрамони Жамила Дониёрнинг ашуласи асирига айланиб, ўз уйини, бинойидек эрини ташлаб кетгани бунга мисол.

Бугунги қўшиқларимиз ҳам ёшларимиз маънавияти ва ахлоқига салбий таъсир қилаётгандек, назаримда. Уларда баъзи иллатлар пайдо бўлди. Биринчидан, санъат орқали фаҳш ошкора тарзда тарғиб қилинаяпти. Иккинчидан, миллийлигимизга мутлақо мос келмайдиган Ғарб маданияти ёшларимиз онгига сингдирилмоқда. Учинчидан, ҳар хил тиллардан сўзларни билиб-билмай аралаштириб қўллаш орқали тилимиз софлиги бузилмоқда. Тўртинчидан, шева ва сўзлашув услубига хос, кўпроқ вульгаризмни эслатадиган сўзларни қўшиш билан қўшиқ матни саёзлаштирилмоқда. Бешинчидан, қофиясиз, тутуруқсиз шеърлар, мантиқсиз фикрлар ҳам қўшиқ бўлиб, халқ оммасига «тақдим» этилмоқда.

НАҲОТКИ, ШУ ЎЗИМИЗНИНГ ХОНАНДА ЛОЛА БЎЛСА?

Қўшиқларга ишланаётган клипларнинг маънавий жиҳати яна ҳам кўпроқ ташвишлантиради.

Клип – биз учун янгилик эмас, аслида. «Тоҳир ва Зуҳра», «Мафтунингман», «Маҳаллада дув-дув гап» ва «Ўтган кунлар» каби фильмларда қўшиқлардан фойдаланилгани учун кинонинг таъсирчанлиги янада ошган. Ёки таниқли санъаткор Ботир Зокировнинг «Раъно» ашуласига олинган клип ўша пайтда шу ном билан юритилмаган бўлса-да, унинг муҳим шарти – қўшиқнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган.

Бошқа қизлардан ташкил топган янги «Сетора» гуруҳи эса эллдаги фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки уларнинг ярим-ялангоч «демократия»сини ҳам ўзимизга татбиқ этишимиз керак, деб ҳисоблайди. Бу борада «Ишонма» номли қўшиқларининг клипида уларнинг ўзлари ўзбек қизларига «намуна» бўлиб беришади. Учаласи ҳам момоларимизнинг: «Қизлар бегоналар кўзига тик қарамайди, эркак киши билан қўл олиб кўришмайди», деган ўгитларини писанд этмай белларини, оёқларини бутун бўйи билан очиқ кўрсатишдан уялишмайди.

Ҳали ҳеч бир ўзбек қизи телеэкранларда Гулноз - («Бас-бас»)дек ярим-ялангоч бўлиб, рақсга тушмаган. «Ёлғон сўзлаб», «Ҳаёт», «Кетар бўлдинг», айниқса, «Ёлғизгинам» қўшиғи билан ҳаммани лол қолдирган, дилларимиздан жой олган Лола Аҳмедова («Омон-омон»)нинг янги клипидаги раққосаларнинг белларидан тепада фақаттина кўкрак кийими кийиб чиқишгани ва хонанданинг ташқи кўринишига қараб, наҳотки, шу ўзимизнинг Лола бўлса, деб қоласан.

Ҳатто, уйдаги ҳамма эшикларни тамбалаб, сочларини ювган бувиларимизнинг невараси бўлмиш Шоира Отабекова («Диги-диги») ўғил болалар билан бирга ҳовузда чўмилади.

Ўзбеклар гўшангага, ётоқхонасига бошқалар киришини ирим билишади. Бегоналар у ерга киритилмайди. «Сетора» қизлари эса («Биламан») тўшакда қўшиқ куйлашади.

Бунақа клипларни кўриб, ўйлаб қоласан. Хонандаларимизга нима бўлган ўзи? Ахир, «Наврўз», «Мустақиллик» байрамларида ва Конституция кунига бағишланган тантаналарда ҳеч ким бунчалик очиқ кийиниб чиқмайди-ку. Миллатимиз қадрлайдиган хонандалар энг сара, янги ижодини халққа тақдим этиладиган бу байрамларда миллийлигимиз куй ва қўшиқлар орқали дунёга кўз-кўз қилинади. Шундай экан, ёш санъаткорларимиз катта айёмлардаги концерт дастурларидан андаза олишлари, Президент олдида айтиладиган қўшиқлар, санъат аҳлининг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши ёш ижодкорларимизга намуна, мезон бўлиши шарт.

«ОТАНГ МОСКОВГА КЕТГАН…»

Ўзбекча кийинишни ўзига ор билувчилардан фарқли ўлароқ, моҳир теннисчимиз Ирода Тўлаганованинг теннис тарихида биринчи бор ўз миллий кийими – атлас кўйлакда кортга чиққани қанчалик таҳсинга сазовор. Ирода Дилроз («Эски шаҳрим») ва Гули Асалхўжаева («Гунча эдим»)ларнинг кийган атлас кўйлаги ўзига ҳам, қизларимизга ҳам жуда ярашади. Ҳар қандай шароитда ҳам биз ўзлигимиздан, ўзбеклигимиздан кечмаслигимиз керак.

Телевидение – миллионлаб фуқароларнинг назари тушадиган минбар. Экран қаршисида хонандаларнинг ярим-яланғоч тарзда кўринишларини, клипларидаги ўзлигимизга ёт кадрларни нуроний отахон ва онахонларимиз, энди мустақил ҳаётга кириб келаётган қизларимиз, йигитчалар томоша қиладилар. Бачкана, фаҳш ошкора тарғиб қилинаётган клиплар, табиийки, иймон-эътиқодли кишиларни асабийлаштириб, эътирозларига сабаб бўляпти.

Қолаверса, бу – санъат орқали ёт мафкурани тарғиб қилиш-ку! Шу жойда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини эсга олсак, ҳар томонлама ўринли бўлади: «…Беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади («Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ миллатни – миллат қилишга хизмат этсин». «Тафаккур», 1998 йил, 2-сон, 5-6-бет). Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирда бирор миллатни йўқ қилиш, қулга айлантириш учун катта қўшин шарт эмас. Саркарда Наполеон айтганидек: «Бирор мамлакатни маҳв этиш учун у ерга битта газета юбориш кифоя».

Кимдир эътироз билдириши мумкин. Ҳаётда улардан баттар кийинган, уятсизликни ўзига касб қилиб пул топаётган «қиз»лар, «кўча»га чиққан хотини ҳисобига кун кўраётган эркаклар йўқми, деб. Лекин «иллат изланганга иллатдир дунё», деганларидек, ёмонликларни, фаҳшни достон қилиш билан яхшиликка, маънавий софликка эриша оласизми? Ёмонлик ёмонликни туғдиради, асло яхшиликни эмас. Нуқул шунақа нарсаларни кўрсатаверсак, тескари тарғиботга, яъни ҳаё ўрнига ҳаёсизликнинг урчиб кетишига йўл очиб бермаймизми?

Бизда ҳаётдаги барча ёмон нарсалар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасин, деб берилган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзбек аёллари болаларини отанг ўқишда, сенга кийим олиб келиш учун Москвага кетган, деб жигарбандларига аслида нима бўлаётганини билдиришмаган. Бундан мақсад, фақат тоза туйғуларга тўла бўлган қалб ва тиниқ тасаввурларга ошно бўлган бола онги уруш ва унга нафрат деган совуқ туғёнлар билан булғанмаслиги, лойқаланмаслигининг олдини олиш эди. Ёш вужудни оғир руҳий зарбалардан асраш эди.

Шаҳзода (Зилола Мусаева)нинг эса бу борада фикри бошқача. У ҳатто, Ҳазрат Алишер Навоийнинг рост гапириш оқилнинг иши, лекин ҳамма ростни ҳам ошкор қилиш оқиллик эмас, деган ҳикматларини тан олмайди. Назаримда, бу замондошимиз ҳаётда нима бўлса, ҳаммасини очиқча кўрсатиш тарафдори. Унда агар озгина ор-номус, ҳаё бўлганида бир йўла иккита («Ҳаёт айт» ва «Қайт») қўшиғида учта барзангининг бир ўзбек қизини мажбурлаб, номусига тегаётганини болаларимизга кўрсатишдан ийманган бўларди.

Биз ҳар қандай шароитда ҳам маънавий масъулиятни унутмаслигимиз, қизларимиз юзларидан шармҳаё пардасини йиртиб ташлашга хизмат қилиши мумкин бўлган клипларни яратишдан мутлақо тийилишимиз керак.

УЙИ ЯКСОН ҚИЛИНГАН ҲОФИЗ

«Шарқ» гуруҳи («Мани-мани»), Шаҳнозабону («Другая»), Лола Аҳмедова («Омон-омон»), Ирода Дилроз («Ёр бўлдим») деганлари очиқлигини ўзбекча ва русча қўшиқларга қачонлардир мусулмонларни тоатдан чалғитган омил – арабча рақс тушиш орқали ҳам тарғиб қилса бўлади, деб ҳисоблашади. Шу билан бирга, бошқа тиллардаги ашулаларни бузиб айтишади.

Қолаверса, улар каби ашулачиларнинг ижодий «гулдаста»сида «…ўзимизнинг бой мусиқий меросимиз бўлгани ҳолда, чет эл оҳангларига тақлиддан иборат сунъий ва ясама қўшиқлар кўпайиб бораётгани ачинарлидир. Шеъри – ўзбекча, мусиқаси ажнабий. Оқибатда айрим ёшларимиз ҳақиқий санъатнинг фарқига бормай, хориж қўшиқларига кўр-кўрона ружу қўймоқда. Бунга ким айбдор? Аввалambор – ўзимизнинг тақлидчи хонандаларимиз… Бир нарсани унутмаслик керак: ўзбек хонандалари фақат миллий қўшиқлар билан жаҳонга танилиши мумкин! Бошқа халқларнинг санъатини куйлаб, машҳур бўлган ижрочини ҳали ҳеч ким кўргани йўқ» (А.Азизхўжаев «Ғоявий курашда бўш келмайлик». «Тафаккур», 2004 йил, 3-сон, 16-бет).

«Феруз I», «Феруз II» деган мақомларни кўп эшитгансиз. Бу йўналишларнинг ижодкори Хоразм шоҳи Феруз бўлган. Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида шоҳ ва шоир Феруз саройда базм уюштиради. Даврадаги хонанда «Феруз I»ни куйлаб туриб, хатога йўл қўяди. Шунда шоҳ ўша хонанданинг уйини бузишни буюради.

Базмдан сўнг уйига қайтган хонанда кўрсаки, уйи ер билан яксон қилинган. Шунда у шоҳ олдига бориб, бунинг сабабини сўраганида, Феруз: «Сен менинг қўшиғимни бузиб айтдинг. Уйингни тузатиб оларсан. Ижодим келажакка бузиб етказилса, мен уни қандай қилиб тузатаман», деган экан.

Феруз-ку ўз қўшиғини бузган ижодкорни шундай жазолаган экан, ҳозирги кунда ўзлари маънавий қашшоқ шеърлар битиб, ижро этаётган, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган хонандаларнинг жазосини ким бериши керак?! Уларга қандай жазо берилиши лозим? Улар етказаётган маънавий зарарни ким қоплайди? Менимча, энг яхши жазо ҳозирги бўш қўшиқларни вақт ўтиб ҳеч ким эшитмай қолиши бўлса керак. Санъаткор учун халқ эътиборидан қолишдан ортиқ жазо бўлмас.

МАККАПОЯДАГИ ТЎЙ

Хонандалар – миллий санъат кўзгуси. Ёшлар уларга қараб кийинишади. Йигит-қизлар ўзлари ёқтирган ашулачиларга тақлид қилишади. Шунинг учун хонандаларимиз миллий маънавиятимизга, ўзлигимизга мос равишда замонавий кийимлар кийишса, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Анвар Санаевнинг «Соғиндим» номли ашуласи клипидаги келинчакнинг боши узра гулдастани турмушга чиқмаган дугоналарига улоқтиришини қандай тушуниш керак? Бу ҳам Ғарб халқлари одатини тарғиб қилиш эмасми? Ундан ташқари, ўзини ҳурмат қилган дунёдаги ҳеч бир куёв тўйида меҳмонларни ташлаб, хотини билан бирга маккажўхори экилган далага кириб кетмаса керак…

Абдували Ражабов («Ёмғирлар») эса, нуқул арча шаклидаги АҚШ байроғини «реклама» қилгани қилган. Бундан унинг мақсади нима?

«ЁПИШМАГАН ГАЖАКЛАР»

Дунёда буюк сиймоларга, ҳатто жонзотларга ҳам ёдгорлик ўрнатилган. Лекин ҳеч жойда сўзга, шеърга, қўшиққа ёдгорлик ўрнатилмаган. Бизда эса авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Турналар» шеърига (бу шеърни Марк Бернс маҳорат билан куйлаган) Чирчиқ шаҳрида ёдгорлик ўрнатилган.

Халқимиз томонидан ҳақиқий санъатнинг бу тарзда қадрланишига баъзи хонандалар тилимизга ҳар хил бошқа миллат сўзларини қўшиб куйлаган қўшиқлари орқали «ёпишмаган гажак» бўлишмоқда.

Даврон Эргашевнинг баъзи Ғарб урф-одатларини ўзига сингдириб, миллий удум ва қадриятларимиздан номус қиладиган айрим «шахс»лар (улар ўзларини «замонавий ўзбеклар», «янги ўзбеклар» деб билишса, керак-да) дидигагина мос тушадиган «Законний» деган мана бу қўшиғига эътибор бериб кўрайлик:

□Слушай мани, жонгинам,
Эта песенка твоя.
Девушка сладкая, река моя,
То что маленький, ты не смотри,
Зато, какой я красивый внутри.

Халқимиз «Худо» сўзини айтишда анча эҳтиёткорона муносабатда бўлади. Ҳар жойда ҳам бу сўз қўлланавермайди. «Зеро» гуруҳи («Йўқ проблем») учун бундай муаммо йўқ:

Йўқ проблем, Худойим
Йўқ проблем.
Это понятно всем
Ҳар доим.
Йўқ проблем,
Йўқ понимаешь, проблем.

«Божалар» гуруҳининг «Жийда гуллаганда» қўшиғини тинглаб, ие, булар жийда эрта баҳорда эмас, кеч баҳорда гуллашини ҳам билмайдими, деб қоласан:

Эрта баҳор, ёмғирлар ёққанда,
Кўча, атроф гуллар билан тўлганда…
Баҳор келиб жийда гуллаганда,
Асалари қўнар экан гулларга.
Севги ҳумор, салом севишганларга
Ишлар қаллай, привет жононларга.

Ўзбекча сўзларга бошқа тиллардан ҳам сўзларни аралаштириб, бу тарзда қуйлаш тилимизга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, бугунги ёш хонандалар ҳар хил шеваларда куйлашни ҳам урфга айлантиряпти:

…Ухлавотти Марио,
Дам овотти, Марио.
Манимча, бу Марио
Жаҳлимни биладиё.
Қаттасан, эй Марио,
Кемайсанми, Марио.
Манимча, бу Марио
Келмаса керак (Даврон Эргашев, «Кечиргин, тамом»).

Менимча, дунёдаги Марио исмли ҳеч бир йигит ўзбекчани тушунмаса керак.

Ҳар ким ўзининг шевасида қўшиқ куйласа, асар ёзса, бундай ижод намуналари адабий тилимиз софлигига салбий таъсир қилиб, уни саёзлаштиради. Лаҳжа, шева – сўзлашув услубига хос. Шеър матни эса фақат бадиий тилга қурилиши, унинг ривожи учун хизмат қилиши керак.

ХУЛОСА

Бизнинг ҳозирги қўшиқчилигимиз ҳақидаги бу фикрларимизни ўқиган газетхон «бу муаллиф замондан орқада қолибди-да», деб ачиниб қўйиши ҳам мумкин. Эҳтимол, ростдан ҳам биз ва биздек ўйлайдиганлар замондан орқада қолгандирмиз. Лекин замонани, унинг талабларини ким яратади? Ўзимизми?

Агар эркинлик деб ҳамма нарсага йўл берилади-ган бўлса, у ҳолда тубанликка қараб кетаётган замонга эргашишимиздан не наф? Буюк Арастунинг машҳур гапини эслайлик: «Ҳаддан ташқари эркинлик даҳшатли қулликни келтириб чиқаради».

«Даҳшатли қуллик» – талаб ва истакларимиз борасида бениҳоя эркинликни истаб, кўнглимиз тусаганича ҳаракат қилиб, кейин майда, бир қадар ахлоқсиз, ҳатто, тубан майлларимиз, яъни нафси амморанинг қулига айланиб қолишимиз эмасми?

Лекин бу билан жамоатчиликни ҳам оқлаб бўлмайди. Маънавий қашшоқликка эътувчи қўшиққа қарши сизу биз курашмасак, ким курашади?

Оллоёр БОБОНОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими.

МАЪНАВИЯТ

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Ленара БАКИРОВА по профессии – продавец. Миловидная девушка привлекает внимание покупателей не только внешними данными, но и умением расположить к себе, неповторимым обаянием. Увлекается музыкой, любит животных. В часы досуга занимается изучением иностранных языков – английского, французского и итальянского. Ее мечта – стать высококвалифицированным переводчиком.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

«КАМОЛОТ»НИНГ ЯНГИ САЙТИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон кенгаши ўзининг www.kamolot.tk. сайтини очди. Унда ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида мазкур кенгаш фаолияти, Оролбўйи ёшларининг ҳаёти ҳақидаги қизиқарли мақолалар, хабарлар, фотосуратлар жойлаштирилган.

Сайт Нукус шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси Қарлиғаш Эшонова ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастурининг махсус лойиҳаси кўмагида яратилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

«КАМАЛАК»НИНГ САЙЁР ЙИҒИЛИШИ

«Камалак» республика болалар ташкилоти 7-14 ёшдаги тўрт миллиондан ортиқ болани бирлаштиради. Яқинда Наманганда ушбу ташкилотнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

«Камалак» ташкилотининг республика кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари иштирокида ўтган мазкур йиғилишда ишдаги муваффақият ҳамда камчиликлар муҳокама этилди.

«Камалак»нинг мактаб, коллеж ва лицейлардаги бирламчи ташкилотлари ишини яхшилаш, ташкилот сафига янги аъзоларни жалб қилиш, бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ёшлар бўлимлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Шуҳрат Дадажонов куй басталаган ҳамда ижро этган қуйидаги қўшиқ матни муаллифи Иброҳим Жиянов бўлиб, ушбу ижод намунаси қалблардан жой олмоқда.

ОЗОД ЮРТ МАДҲИ

Мард фарзандларинг бор юртим,
Ҳам жасур, ҳам марду майдон.
Ёвузларга ўз жонин ҳам,
Қалқон этгувчи ҳар замон.

Ҳар қарич ерингни бизлар,
Қилурмиз кўзга тўтиё.
Юртим сенинг жамолингдан,
Нурга тўлар кенг дунё.

НАҚОРАТ:
Мусаффо бўлсин осмонинг,
Гулга тўлсин бўстоним.
Мангу бўлсин истиқлолинг,
Муқаддас юрт Ўзбекистоним,
Гўзал Ватан Ўзбекистоним.

Ўғил-қизинг яйраб ўсган,
Боғлар жаннат бўстонидир.
Бағринг обод этган наво,
Тинч меҳнатнинг достонидир.

Асрлардан асрларга,
Камол топиб етгин юртим.
Темур каби саркардалар,
Руҳларин шод этган юртим.

НАҚОРАТ.

Ўлкамизни ўрганамиз

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА

Ситораи Моҳи Хосса... Бу гўзал обидага илк бор зиёратга келган киши унинг бетакрор меъморий қиёфасини кўриб ҳайратини яширолмаслиги табиий. Чунки XIX-XX асрлар Бухоро шаҳарсозлик санъатининг ноёб дурдонаси ҳисобланган бу мажмуа қурилишида Шарқ ва Ғарб услублари уйғунлаштирилган бўлиб, ушбу сифатлар билан алоҳида ажралиб туради.

Обиданинг дастлабки иморатлари 1826 – 1860 йиллари қурилган. Олдин унинг ўрнида ўн гектарли боғ барпо этилган. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ҳужжатлар фондида сақланаётган XIX асрга оид лойиҳаларга қараганда, ўша даврда кўпгина бинолар, кўшклар, шийпонлар қурилиши охиригача етказилмаган ёки бизнинг давримизгача сақланмаган. XIX асрнинг охири, яъни 1860-1885 йилларга келиб машҳур меъмор Остонақул Ҳафизов Ситораи Моҳи Хоссанинг янги лойиҳасини яратган ҳамда қурилишни давом эттирган. Бироқ бу ердаги сарой ва хушманзара боғ 1885 – 1910 йилларда барпо қилинган.

Қурилишга меъмор уста Ҳожи Ҳафиз раҳбарлик қилган. Мазкур сарой Исфахон ва Бухоро меъморчилигини ўзида акс эттирган. У квадрат шаклидаги бино бўлиб, унда кўпроқ рус меъморчилигининг таъсири сезилиб туради. Сабаби, уни қуришдан олдин бир гуруҳ бухоролик усталар Европа қурилишига оид янгиликларни ўрганиш учун атайлаб Петербург ва Ялтага юборилган.

Ёзги саройнинг асосий бинолари ўтган асрнинг бошларида қурилган. Шу даврдан бошлаб сарой мажмуаси янги ва эски саройга ажратиладиган бўлган. Янгисининг умумий майдони 6,7 гектардан иборат бўлиб, у чорбоғ, қабулхона, масжид ва филхоналарни ўз ичига олган. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлигига қарамай, боғнинг режаси алоҳида. Боғ темурийлар давридаги қадим Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Мазкур боғ саҳни бир-бирига перпендикуляр кетган йўлаклар билан тўртта тўғри бурчакли майдончаларга бўлинган. Боғнинг қоқ ўртасида эса саккиз хонали кўшк – меҳмонхона қурилган. Бу бинонинг деворлари, шифти худди Бухоронинг зардўзи кашталарини эслатадиган қилиб ишланган, олтин ва кумуш суви югуртирилиб, «кундал» нақшлар билан безатилган.

Боғнинг жанубида ойнавандли гулхона бўлган. Унинг ёнида икки қаватли бино – канизакхона, ёғочдан қурилган масжид, гозғон мармаридан қурилган – ўша пайтда Марказий Осиёдаги энг катта (53х46 метр) ҳовуз жойлашган. Боғнинг тўрида, ҳовуз жанубида ҳайвон ва паррандалар учун майдонча ҳамда филхона барпо этилган.

Ситораи Моҳи Хосса чиндан ҳам номига монанд гўзал иншоотдир. Унга ойга монанд юлдузлар дея таъриф берилиши бежиз эмас. Боғнинг шимоли-ғарбий бурчагида ҳам алоҳида дид ва юксак санъат билан янги сарой қурилган. Бу саройга асосий кириш дарвозаси унинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган. Дарвозахона кошин ва рангли шишалар билан безатилган. Дарвоза устидаги равоқ, гулдаста ва пештоқ Марказий Осиё биноларига хос бўлмаган тўқ қизил, кўк-гунафша, ҳаворанг сополлар билан қопланган. Унинг тепа қисмида ганчдан ишланган кўзлар ва ярим ой шакли туширилган рамзий безаклар ўрнатилган. Дарвозахонадан эса ташқари ҳовлига кирилган.

Янги саройнинг расмий қабулхонаси биноси «П» шаклида қурилган бўлиб, унда ҳашаматли айвон, саломхона, ётоқхона, даҳлиз ва кутиш заллари, ойнавандли чойхона, мирзахона, зиёфат ва шохмот заллари жойлашган. Саройнинг жануб томонидаги хоналар якка қабуллар учун мўлжалланган. Бу ерда энг яқин амалдорлар қабул қилинган. Саройда ишлатилган қандиллар Варшавадан, лампочкалар Венадан, паркет поллар Россиядан, дераза ва эшик тутқичлари, қулф, илгичлар Англиядан, кафелли печлар Олмониядан, рангли шишалар Франгистондан келтирилган. Уйларни маҳаллий усталар безатган. Ёғоч ўймакорлиги билан бажарилган шифт ва деворларнинг гулдор ҳамда жимжимадор қилиб безатилишини бухоролик усталар бажарганлар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бу ердаги тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, уларни таъмирлашга эътибор кучайди. Хусусан, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Ситораи Моҳи Хосса меъморий мажмуаси қайта ёшарди. Бу ердаги халқ амалий санъати музейи фаолияти тубдан кўриб чиқилди. Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси филиали ҳисобланган мазкур музейнинг экспозиция майдони 2200 квадрат метр бўлиб, ундан мингдан ортиқ осориатиқалар намойиш қилинаяпти. Мазкур музей уч бўлимдан иборат. Бош қароргоҳда халқ амалий санъати ва сарой жиҳозлари кўргазмаси, хонаи ҳашт, яъни саккиз бурчакли меҳмонхонада эса XIX-XX асрларга оид Бухоро миллий либослари намойиш этилмоқда.

Бугун Шарқ гавҳари ҳисобланган Бухорога ҳар йили минглаб чет эллик сайёҳлар ташриф буюришади. Шаҳар бўйлаб саёҳат эса Ситораи Моҳи Хосса ёзги саройидаги музей томошаси билан ниҳоясига етади. Чунки бу ердаги қадим аждодларимизга хос ҳар бир ёдгорлик ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.



ЙИГИТЛИК БУРЧИ

қисса

III боб. ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Чой ичишди, кабоб ейишди. Барибир кутилган воқеа юз берди. Ўша одам узр сўраб уларнинг ёнига келиб ўтирди.

– Сени кўриб ўғлим, бир нарса эсимга тушиб кетди, – деди нотаниш одам Алишернинг эгнидаги формасига ҳавас билан қараб.

– Йигирма беш йил аввал мен ҳам армияда хизматда бўлгандим. Тайгада. Йўл қурилишида хизмат қилгандик. Бир куни кутилмаган ҳодиса содир бўлдию, бутун ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Мен жуда интизомли аскар эдим. Менинг онам, укам ва синглим бор эди. Бир куни нимаям бўлдию, бир хизматдош аскар билан уришиб қолдим ва унга оғир тан жароҳати етказиб қўйдим. Шундан кейин, мени аҳлоқ тузатиш батальонига олти ойга юборишди. Роса алам қилди. Мен билан ҳарбий хизматга келган йигитлар уйига қайтиб кетишди. Мен эса жазоландим. Отам мен ўн икки ёшлигимда ўлиб кетган, автоҳалокатда ҳалок бўлганди. Ёлғиз онам мени, укам ва синглимни боқиб катта қилаётганди. Ёмон аҳволга тушиб қолдим. Бу қилмишим жуда қимматга тушди. Онам эзилиб-сиқилиб ётиб қолди. Ахлоқини тузатиш батальонида эса бунақа отпускалар берилмасди. Шунақа қилиб десангизлар, уёқда синглимга совчилар келибди, ўзи яхши кўрган йигитдан. Аммо совчилар сўраб-суриштириб, мени нега армиядан қайтмаганимни, хизматим яна олти ойга чўзилганини эшитишибди-ю айнишибди. Шундай қилиб, мен яна бир хатога йўл қўйдим. Ўн саккиз ёшга тўлган синглимнинг бахтига ҳам зомин бўлдим. Менинг ўша хатойим укамга ҳам салбий таъсир кўрсатди. У институтни битиргандан кейин ҳам дурустроқ ишга киролмади. Бунга ҳам мен айбдор эдим. Ана шундагина, мени командирларим, ҳарбий прокуратура ходимлари бекорга огоҳлантирмаганларини эсладим. Аммо энди жуда кеч эди.

Буни устига онамнинг хасталиги кучайиб кетибди. Мен унинг жанозасидан икки кун ўтгандан сўнг уйга етиб келдим. Шўрлик, мени исмимни қайта-қайта тилга олиб жон берган экан. Мен шундай қилиб, ўзимга ҳаёт берган азиз одамимдан ҳам ажралиб қолдим. Узр, вақтларингни олдим, – деди нотаниш киши ҳикояси сўнгида. – Жуда эҳтиёт бўлиш керак. Эсингда турсин, бир босган қадамингни бошқа боса олмайсан. Шунинг учун, доим ҳушёр бўлиш, ўйлаб иш қилиш керак! Яна бир марта кечирасизлар. Эзмалик қилиб бошларингни қотирдим.

– Йўқ, раҳмат, – деди Жасур, – жуда яхши гапларни айтиб бердингиз! Ҳар бир киши ҳарбий ҳаётдами, буёқдами қонунни ҳурмат қилиши керак. Қонунни бузиш, ҳаётни ҳам бузиб юборади. Раҳмат, сизга амаки. Соғ бўлинг!

Улар нотаниш киши билан хайрлашиб, кўчага чиқишди.

Бу ғалати учрашув бир умр Алишернинг хотирасига муҳрланиб қолди...

Ўн кунлик таътил жуда тез ўтиб борарди. Алишер бу кунлар ичида Нигора билан яна икки марта учрашди. Негадир бу қизни кўрмаса бўлмайдигандек, усиз ҳаётида нимадир етишмаётгандек ҳис қилди ўзини. Улар энди тез-тез, ҳар ўн беш, ҳар йигирма кунда хат ёзишиб туришга ваъдалашдилар. Орадан икки кун ўтгач, Алишер яна ҳарбий қисмга қайтди.

Бахтиёрнинг тинчи бузилиб қолди. Ўша куни кутубхонада Маликани кўргани, уни орқасидан кузатиб борганидан бери ҳаловати йўқ эди.

Шу ҳақда онасига гапириб, «Яхши қиз экан. Жуда чиройли», деганди онасининг жаҳли чиқди.

– Ким экан ўзи? Ота-онаси ким? Опа-укалари борми? Қанақа одамлар? – деди лаби-лабига тегмай. – Кутубхонада учратдим, деб хомхаёл сураверасанми? Аввал, кўр, бил, совчилик қочмас!

– Менга ишонаверинг, ойи, – жиғибийрони чиқди Бахтиёрнинг. – Зўр қиз деяпман-ку. Орқасидан бориб, уйини ҳам аниқлаб келдим. Бир бориб, кўриб келинг!

– Кейин нима? – қошларини чимирди онаси. – Гижбадабанг тўйни бошлаб юборамизми?

– Мен сизга бунақа демаяпман-ку! – жаҳли чиқди Бахтиёрнинг. – Аввал, кўринг! Кейин мени айтди дейсиз!

Бахтиёр ичкарига кириб кетди. Онаси унинг ортидан қараб қолди-ю ўйга толди: «Гапида жон бор. Ўғил-қизларни вақтида уйлантириб, вақтида узатиш керак. Ўғил болаларни 22–25 ёшида уйлантирмасанг, кейин танлашга тушади. Қизиқ, нега қизларни бунақа эрта турмушга берадилар? 17–20 ёшдаёқ шошиб қолишади. Худди бир нарсадан қуруқ қолишаётгандек! Аввал ўқисин, юрсин, кўрсин, бирон касб-ҳунарли бўлсин, институтни битирсин. Ана кейин оила, бола-чақа бўлаверади. Дарвоқе, Бахтиёр йигирма бешга тўлди. Айни вақти келиб қолганга ўхшайди...»

Ёзнинг ўрталари эди. Лейтенант Маҳмудов умумҳарбий олий ҳарбий билим юртини тугатгандан бери биринчи марта офицерлик таътилига чиқиши эди. Қизиқ, Улуғбек бу кунларни қанчалик орзиқиб кутган бўлса, шунчалик тез зерикиб қолди. Билим юртидаги тўрт йиллик ўқиш давомида ҳарбий интизомга ўрганиб кетганмиди, «фуқаро ҳаёти»га кўникиши бирмунча қийин кечарди.

Мана орадан кўп ўтмай, яна хизматга отланди. Аскарлар орасига боради. Қарийб ўзи билан тенгқур йигитлар. Қандай қарши олишаркин уни? Ҳар бир аскарнинг юриш-туриши, ўзлаштириши, тажриба орттириши энг аввало командирларига, яъни лейтенант Улуғбек Маҳмудов сингари ёш офицерларга боғлиқ. Ҳали қанақа қисмга тушади, худо билади. Мана, уч кундан бери шу ҳақда ўйлагани-ўйлаган.

Отаси ҳам ҳарбий эди. Ҳозир истеъфода. Майор унвонигача хизмат қилди. Академияга кириш унга насиб қилмади. Ҳозир мактабда бошланғич ҳарбий тайёргарликдан дарс беради.

Улуғбек ўзидан ташқари яна бешта лейтенантни жўнатишаётганини эшитганди, лекин кимлар, ҳали яхши билмайди. Ҳарбий билим юртида ўқиб юрган даври пайтлари ҳам бир давр экан. Фақат ўқиш, бошқа ҳеч нима билан иши йўқ эди, зиммасига ҳеч қандай масъулият юкланмаганди. Энди-чи?

Онаси уни овқатга чақирди-ю, Улуғбекнинг ҳаёли бўлинди. Чиқди. Онаси қўй гўштидан сомса ёпган экан. Чой ичиб ейишди. Негадир отасидан дарак йўқ эди.

– Ҳали хизматга кетгач бунақа таомларни қумсаб қолсам керак, ойи! – ҳазиллашди Улуғбек сомса еятуриб.


–Ҳеч қиси йўқ, ўрганиб кетасан, – деди онаси.

«У ҳам собиқ ҳарбий хотини-да, шартта кўнглидагини айтади-қўяди. Отамдан юққан» – ўйлади Улуғбек.

Ниҳоят, ҳориб-чарчаган отаси кўринди. Салом-аликдан кейин дастурхонга келиб ўтирди. Улуғбек яна бир пиёла чой ичиб, оғайнисига телефон қилиш учун қўшни хона тарафга ўтиб кетди.

Полковник Баҳодир ҒАФУРОВ.

Шу кунларда ёшу қари, барча касб эгалари Мустақиллик байрамининг 15 йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш, катта шодиёналар билан нишонлаш орзусида яшамоқдалар. Айниқса, ҳарбий санъаткорларимизнинг улуғ айёмга тайёргарлик жараёни ҳар қачонгидан ҳам қизғин.



МАЙДОН УЗРА МАҒРУР ҲАРБИЙЛАР

Бош майдонда намойиш этилиши мўлжалланаётган композиция репетицияси аллақачон бошланиб кетган. «Ҳарбий блок»нинг асосини одатдагидек Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мудофаа вазирлиги Алоҳида намунали-кўргазмали ҳарбий оркестри жамоалари, шунингдек, МХХ Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ҳарбий оркестрларининг чиқишлари ташкил этади. Оммавий саҳналарда кўплаб ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари иштирок этишиб, жанговар қурол билан саф машқларини бажарадилар.

– Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтгим келади, – дейди биз билан суҳбатда дастур бадиий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Шуҳрат Дадажонов, – мана бешолти йилдан бери ҳарбийларимизнинг Мустақиллик байрами тантаналаридаги чиқишлари юксак баҳоланиб келинмоқда. Бу эса бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Дастур иштирокчилари буни жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам барча репетицияга, машқларга ўта талабчанлик билан қарамоқда. Тўғри, ҳали байрам дастуримизга кўплаб ўзгаришлар киритилади, ҳар бир ҳаракат, мусиқа, оҳангнинг ўзаро мутаносиблиги, мантиқий боғланиши ижодий баҳс ва мунозараларда янада сайқалланади. Лекин шундай бўлса-да, дастур ҳақида қисқача тўхталиб ўтишим мумкин. Биринчидан, иштирокчилар сони янада кўпаяди. Кун сайин янгиланаётган, ислоҳотлар жараёнида куч-қудрати ошаётган миллий армиямиз, интеллектуал ҳарбийлар қиёфаси, ёш аскарнинг Ҳарбий қасамёд қилиши, соғинч мактубини йўллаши, ота-она, севикли ёрнинг аскар йигитнинг дил изҳорларини ўқиётганлари ҳаракат, жанговар куй ва мусиқа, видеолавҳалар орқали намойиш қилинади. Бир сўз билан айтганда, халқ ва армиянинг якдиллиги, ўзбек армияси бор экан, мамлакатимиз, халқимиз тинчлиги,осойишталигига ҳеч ким раҳна сололмаслиги қисқа лаҳзаларда акс эттирилади. «Халқ посбонлари», «Биз ҳеч кимга Ватан бермаймиз», «Алоқачи аскар» каби қўшиқлар орасидан танлаб олинадигани эса байрам тантаналарида янграйди.

Суҳбатимиздан кўп ўтмай майдон узра мағрур турган ҳарбийлар сафи жанговар мусиқа садолари остида ҳаракатга келди. Посбонлар шахдам қадамлар ташлаган ҳолда гоҳ ўнгга, гоҳ чапга юзландилар, жанговар қуролларини маҳорат билан ўйнатиб, турли машқлар бажардилар. Бу қайта-қайта такрорланди. Ҳаммаси рисоладагидек. Аммо дастурнинг саҳналаштирувчи режиссёри, Қуролли Кучлар хизматчиси Анатолий Голошапов бадиий раҳбар билан биргаликда ўзаро уйғунликка, мутаносибликка соя солиши мумкин бўлган арзимаган хато ёки камчиликни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмасдан қўймайди. Минбардан тушиб қандай ҳаракатланиш, қандай гапириш, мурожаат қилиш кераклигини эринмасдан кўрсатиб ўтади. Хуллас, Мустақиллик байрами тантаналарига тайёргарлик машқлари ҳарбийча шижоат, тартиб-интизом, уюшқоқлик билан узоқ давом этади. Фурсатдан фойдаланиб, ҳозиргина ташкилотчилар билан репетиция жараёнини қизғин муҳокама қилган Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиевдан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни сўрайман. У катта ишонч билан шундай дейди:

– Мана, машқлар қандай қизғин кетаётганига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Албатта, ҳар йилги байрам тантаналарида ҳарбийлар дастурини янги-янги шакл ва кўринишларда намойиш этиш осон иш эмас. Шунинг учун дастурга четдан таниқли бастакорлар, шоирлар, саҳналаштирувчи режиссёрларни ҳам жалб этганмиз. Ижодий баҳс ва мунозаралар қанча кўп бўлса, масъулият ҳисси қанча юқори бўлса, шунча яхши. Энг муҳими, ҳарбий санъаткорлар, иштирокчилар, ташкилотчилар халқимизга, томошабинларга манзур бўладиган, ёшу қарининг қалбида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини, миллий армиямизга бўлган ишонч-эътиқодларини кучайтирадиган янги дастурни маромига етказишга жиддий киришганлар. Ҳали қайта-қайта сайқалланиб маромига етказиладиган, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда намойиш этиладиган ҳарбийларнинг байрам дастури барчага манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ҳа, биз ҳам катта саҳналарда юксак маҳоратларини, ижодий имкониятларини намойиш этиб келаётган ҳарбий санъаткорларимиз бу галги байрам шодиёналарида янада катта муваффақиятларга, олқишларга сазовор бўлишларига ишонамиз. Буни улар кўп йиллардан бери исботлаб келишмоқда.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.





Театральный сезон

ГАСТРОЛЬНОЕ ВДОХНОВЕНИЕ

В Большом театре вовсю кипит работа. Каждый вечер на сцену выходят артисты Иркутского музыкального театра имени Згурского и представляют узбекской публике свои лучшие спектакли. В числе последних – блистательный вечер балета – «И божество, и вдохновенье».

Программа вечера была довольно разнообразна. Здесь наблюдается отход от традиционного балета к более современным оригинальным постановкам, но в то же время с элементами классики. Вечер открыли Елена Волошина и Елена Гербунова, которые танцевали «Шутку» под музыку Баха. Нежно-голубое и нежно-розовое платья хорошо передали несерьезный характер произведения. Вслед за ними в ослепительно белых костюмах на сцену вышли 2 пары. Под музыку Моцарта они плавно кружились в танце, который назывался «Отражение». Четкое исполнение всего рисунка танца только приближало зрителя к полному проникновению в суть произведения, нисколько не отвлекая его. Одной из наиболее запомнившихся солисток балета была Наталья Гладких, исполнившая хореографическую миниатюру «Эдит Пиаф». Ее пластика и эксцентричность поразили зрителей. В одно и то же время она была нежной, доброй, чуткой, но и резкой. Ее голубое платье и черная накидка передали особые манеры исполнения танца этой балериной. Продолжая мотив любви в произведениях, на сцене появились Владимир Кабаргин и Татьяна Садовая, которые страстно и нежно исполнили хореографическую миниатюру «Предчувствие любви». Ну, и наконец, интересным продолжением вечера стал танец хулигана из одноименного балета Шостаковича. Шутливо и необычно его исполнил солист балета Вячеслав Гладких. Костюм, в котором артист предстал перед зрителем, особо подчеркнул хулиганистую натуру его героя. Следующим номером была музыкальная хореографическая композиция «Прощание».

Весь зал с нетерпением ожидал обещанного сюрприза. Им оказалась наша отечественная пара, заслуженные артисты, солисты балета Государственного академического Большого театра имени Алишера Навои – Алина Бабаджанова и Владислав Власов. Наши артисты также продемонстрировали отличное исполнение сложного рисунка танца.

Во второй части вечера состоялся одноактный балет на музыку Астера Пьяццолы под названием «Танго ночи». Это 12 миниисторий, в каждой из которой участвовали несколько пар. Оригинальны здесь необычно смелые хореографические решения.

Эналида ТЯН, Рамиль ИСЛАМОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

ИККИНЧИ ДАВРА СТАРТ ОЛДИ

Қарийб бир ой давом этган ёзги давралараро танаффусдан сўнг олий лига жамоалари 1 август куни иккинчи давра ўйинларининг иккинчи турида майдонга тушишди. Ҳа, ажабланманг, чунки ушбу давранинг биринчи тур ўйинлари терма жамоамиз манфаатларини ҳисобга олган ҳолда 1-давранинг сўнгги тури ўтказилганидан сўнг уч кундан кейин, яъни 29 июнда бўлиб ўтган эди.

Бир ойлик танаффус вақтида ўйинчилар бироз дам олганларидан сўнг барча жамоалар ҳал қилувчи иккинчи давра ўйинларига жиддий ҳозирлик кўришди. Деярли барча жамоалар таркибларида бир қатор ўзгаришлар ҳам амалга оширилди. Бу ишларнинг барчаси миллий чемпионатимиз савиясини ошириш, жамоалар ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида қилинди, албатта.

Ушбу турнинг марказий учрашуви Муборак шаҳрида маҳаллий «Машъал» ва чемпионат пешқадами Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.Тенг ва қизиқарли курашлар остида ўтган ушбу ўйинда пахтакорчилар тажриба ва маҳорат бобида устунроқ эканликларини намоён этишди ва 2:0 ҳисобида муҳим ғалабага эришишди. Тўпларни И.Суюнов ва В. Кирянлар киритишди.

Турнинг бошқа учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Трактор» – «Шўртан» – 4:1, «Бухоро» – «Насаф» – 0:0, «Самарқанд-Д» – «Суғдиёна» – 2:0, «Металлург» – «Локомотив» – 3:3, «Хоразм» – «Қизилқум» –0:1, «Навбаҳор» – «Андижон» – 2:1, «Нефтчи» – Тўпаланг» – 2:1.

Самбо

ЛЕЙЛА НАСТРОЕНА НА ПОБЕДУ

На завершившемся в Южной Корее чемпионате Азии учащаяся Ургенчского колледжа олимпийского резерва Лейла Бабажанова завоевала серебряную медаль и путевку на чемпионат мира, который пройдет в США. Она не раз становилась чемпионкой Узбекистана по национальной борьбе кураш и самбо.

Теперь Лейла настроена выступить на чемпионате мира результативно: стать минимум призером этих престижных соревнований.

Кикбоксинг

ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Айни кунларда Тошкент тиббиёт академиясининг спорт мажмуасида пойтахтлик кикбоксинг усталари машғулотларни давом эттиришмоқда.

Гап шундаки, 4 – 6 август кунлари Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари аъзолари иштирок этишлари кутилаётган чемпионат беллашувларида мутахассислару мухлислар томонидан пойтахтимиз вакиллари ғолибликка мутлақ даъвогар деб эътироф этилмоқда.

Бокс

ПОКИСТОНДАН ҒАЛАБА БИЛАН

Покистоннинг Карачи шаҳрида бокс бўйича «Грин хил кубоги» турнири уюштирилди. Шуниси қувонарлики, ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 9 нафар боксчимиз муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек боксининг довруғини яна бир карра оламга ёйишди.

Барча рақибларидан кучли эканликларини исботлаган Рустам Саидов ва Шерзод Абдураҳмоновларга турнир шоҳсупасининг энг юқори поғонаси насиб этган бўлса, Беҳзод Юсупов кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, ўз вазн тоифаларида Жасур Матчонов, Улуғбек Холмуродов, Дилшод Маҳмудов, Жаҳонгир Сувонқулов ва Тўлашбой Дониёровларга турнирнинг бронза медаллари насиб этди.

Шахматы

САМАРКАНДЦЫ – ОБЛАДАТЕЛИ ПУТЕВОК

В Республиканском шахматно-шашечном клубе завершилось первенство страны среди юношей до 18 лет. Острая борьба за путевки на чемпионаты Азии и мира продолжалась до последнего тура.

В решающем – девятом туре турнира «схлестнулись» два лидера: Джурабек Хамракулов из Самарканда и Махсум Базаров из Бухары. Встреча завершилась ничейным результатом. Но такой исход вполне устраивал Джурабека Хамракулова. Теперь Хамракулов в качестве чемпиона Узбекистана будет отстаивать спортивную честь страны на мировом чемпионате. На второе место претендовали сразу три шахматиста. По дополнительным показателям «серебра» удостоен Саиб Джураев из Самарканда, который и получил путевку на чемпионат Азии.

ЮЛДУЗ ВА ЖЎРАБЕК – ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛАРИ

Марказий офицерлар уйида ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича ташкиллаштирилган мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди.

Ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилган биринчилик баҳсларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан ташриф буюрган ёш шахматчилар ўзаро беллашишди.

Қизлар ўртасида кечган мусобақаларда етти ярим очко жамғарган жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова биринчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасидаги муросасиз, шиддатли ва қизиқарли ўтган баҳслар якунида Жўрабек Ҳамроқулов шоҳсупа тўрининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Армрестлинг

НАДЕЕМСЯ НА УСПЕХ

Завтра в Санкт-Петербурге Международная профессиональная ассоциация армрестлинга (IPAA) проводит ряд отборочных соревнований. Среди тяжеловесов примет участие и наш соотечественник – абсолютный чемпион Азии и чемпион мира в весе до 110 кг Фарид Усманов. Его соперником является известный российский атлет Артем Клименко. Победитель этого поединка будет бороться против Трэвиса Бэднца (США) за чемпионский титул. Надеемся увидеть нашего земляка в ранге победителя.

Легкая атлетика

ОЧЕРЕДНАЯ МЕДАЛЬ АНАСТАСИИ

Наша соотечественница Анастасия Журавлева не так давно стала победительницей международного турнира Гран-при «Olimpic Meetihg», проходившего в Греции. На днях она вновь выступила удачно, завоевав бронзовую медаль на соревнованиях в Хельсинки, организованных по инициативе Международной федерации легкой атлетики.

Подготовил Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



Серьезное намерение Маскаева

Боксер-профессионал Олег Маскаев направил письмо организаторам боя за звание чемпиона мира по версии Всемирного боксерского совета (WBC) в супертяжелом весе с американцем Хасимом Рахманом, который пройдет 12 августа, с просьбой смягчить пространство на полу арены вокруг ринга. В первом поединке этих боксеров в 1999 году после удара Маскаева Рахман вылетел через канаты за пределы ринга, упал на стол с компьютерами, получил некоторые повреждения, в том числе головы, и не смог продолжить бой. Тем временем Маскаев заявил, что готов к этому бою, сообщает ИТАР–ТАСС.



Песенка стала хитом

Песня, увековечившая удар головой Зидана в финальной игре ЧМ-2006, занимает лидирующее место во французских хит-парадах. Композиция «Coup de boule», что в переводе с французского обозначает «удар головой», записана в карибских ритмах и является юмористической пародией на атаку головой Зинедина Зидана на Марко Материцци в финале чемпионата мира в Германии, сообщает РИА «Новости». Песня «Удар головой», запущенная через интернет, уже 20 июля была выпущена на французский рынок на CD и занимает сейчас второе место во французских хит-парадах. Операторы мобильной связи также не остались безучастными, и мелодия является сейчас самым популярным рингтоном во Франции.



Победителю грозит дисквалификация

Повышенный уровень тестостерона в организме победителя самой престижной веломногодневки «Тур де Франс» Флойда Лэндиса имеет синтетическое происхождение. Согласно анализам, проведенным на пробе А, следует, что высокий тестостерон не является особенностью организма Лэндиса, как утверждал сам велогонщик. Фактически это подтверждает обвинение американца в употреблении допинга. Как сообщает «Eurosport», тест был проведен лабораторией во Франции, которая использовала новейший метод выявления запрещенных препаратов, который с большей точностью показывает их наличие. Анализ Лэндис сдавал после 17-го этапа, который он выиграл, что называется, за явным преимуществом, оставив главных конкурентов далеко позади.



Рекордсмен пойман на допинге

Чемпион мира и Олимпийских игр, рекордсмен мира в беге на 100 м американец Джастин Гэтлин уличен в употреблении допинга. Допинг-тест был взят 22 апреля после эстафеты в городе Канзасе. Вторая проба подтвердила наличие тестостерона. Гэтлин сообщил, что он получил соответствующее уведомление от Американского антидопингового агентства (ЮСАДА). Гэтлин уже был пойман на употреблении допинга в 2001 году и получил двухлетнюю дисквалификацию. Теперь ему грозит пожизненное отлучение от спорта. На следующей неделе спортсмен предстанет перед бюро ЮСАДА, которое и примет решение.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, А. КАМАЛОВ,
Х. ЗАЙНИЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2674. Адади 24450.